

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**КАСБ ТАЪЛИМИ ФАКУЛЬТЕТИ**

**КАСБ ТАЪЛИМИ (ИҚТИСОДИЁТ) КАФЕДРАСИ**

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА  
ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР**

**ФАНИДАН МАЪРУЗА МАТНИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ 5111000 – КАСБ ТАЪЛИМИ (ИҚТИСОДИЁТ)  
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН**

**НАМАНГАН 2015**

Ушбу маърузалар матни миллий ва жаҳон иқтисодиёти бўйича мавжуд бўлган манбаалар асосида тузилди. Ўзбекистон мустақилликга эришгандан сўнг, республикамиз иқтисодиётида ва иқтисодий адабиётлар бозорида туб ўзгаришлар содир булди.

Маърузалар матнида миллий ва жаҳон иқтисодиёти предмети ва методи, халқаро иқтисодий муносабатларни ташкил этиш ва уларнинг жаҳон иқтисодиётидаги услубияти каби мавзуларга бағишланган бўлимлар муаммоли маърузалар тамойили асосида ёзилган.

**Тузувчилар:**

**проф. Б.Махмудов  
асс. А.Юлдашев**

**Такризчи:**

**доц.Д.Ишонхўжаев**

«Касб таълими» факултети кенгашида муҳокама қилинган ва маъқулланган. «29» июн 2015 йил. Баённома 12 - сон

Кенгаш раиси \_\_\_\_\_ проф.Б.Ж.Махмудов.

Касб таълими «Иқтисодиёт» кафедрасининг йиғилишида муҳокама қилинган ва фойдаланишга тавсия этилган. «27» июн 2015 йил. Баённома 12 - сон

Кафедра мудирини \_\_\_\_\_ доц.Д.Ишонхўжаев

**1-мавзу. Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар:  
асосий кўринишлари ва ўзига хос томонлари**

**Ўқув модули бирликлари:**

1. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" фаннинг предмети ва хусусиятлари.
2. Жаҳон иқтисодиётининг моҳияти. Жаҳон хўжалиги тушунчаси.
3. Жаҳон хўжалиги ва унинг миллий иқтисодиётларга таъсири.
4. Жаҳон хўжалигининг тармоқ ва ижтимоий-иқтисодий таркиби.
5. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизими.
6. Мамлакатларнинг ХИМдаги иштирокини белгиловчи асосий кўрсаткичлар.

**Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба ушбу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:**

- фаннинг предмети ва хусусиятлари ўрганади;
- жаҳон иқтисодиётининг моҳияти ва жаҳон хўжалиги тушунчасини билиб олади;
- жаҳон хўжалиги ва унинг миллий иқтисодиётларга таъсири, жаҳон хўжалигининг тармоқ ва ижтимоий-иқтисодий таркибини тушуниб етади;
- халқаро иқтисодий муносабатлар тизими, жаҳон савдоси, жаҳон бозори таркиби ва замонавий ХИМ шакллари ҳақида билимларга эга бўлади;
- XXI асрдаги ХИМнинг хусусиятлари, мамлакатларнинг ХИМдаги иштирокини белгиловчи асосий кўрсаткичлар англаб етади.

Жаҳон хўжалигининг XX аср иккинчи ярмидаги фаолиятининг ўзига хос томонларидан бири халқаро иқтисодий муносабатларнинг интенсив равишда ривожланишидир. Давлатлар, давлатлар гуруҳлари, иқтисодий гуруҳлар, алоҳида фирма ва ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар кенгаймоқда ва чуқурлашмоқда. Бу жараёнлар халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашишида, хўжалик ҳаётининг байналмилаллашувида, уларнинг бир-бирига боғлиқлигида ва яқинлашувида, минтақавий халқаро тизимларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишида намоён бўлмоқда.

Шуниси характерлики ушбу барча ўзаро ҳамкорлик, яқинлашиш жараёнлари қарама-қарши, диалектик характерга эга. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг диалектикаси шундаки, айрим мамлакатларнинг иқтисодий мустақилликка, миллий хўжаликларни мустаҳкамлашга интилиши оқибат натижада жаҳон хўжалигининг янада кўпроқ байналмилаллашувига, миллий иқтисодиётларнинг очиклигига, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига олиб келади.

***Халқаро иқтисодий муносабатлар назарияси нимани ўрганади, унинг предмети нима?***

Халқаро иқтисодий муносабатлар предмети икки асосий қисмдан иборат: халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўзи ва уни амалга ошириш механизми.

Халқаро иқтисодий муносабатлар уз ичига алоҳида мамлакатлар, уларнинг минтақавий бирлашмалари, шунингдек, алрхида корхоналарнинг (трансмиллий, кўпмиллатли корпорациялар) жаҳон хўжалиги тизимидаги бир-бирига қарама-қарши бўлган иқтисодий муносабатларининг мажмуини олади. Хорижий давлатлар иқтисодиётини эмас балки, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос томонлари тадқиқ қилинади. Хар қандай фан сингари халқаро иқтисодий муносабатлар ҳам, хар қандай иқтисодий муносабатларни эмас, балки энг кўп кайтариладиган, типик, характерли, аниқловчи муносабатларни ўрганади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар механизми уз ичига ҳуқуқий нормаларни ва уларни амалга ошириш воситаларини (халқаро иқтисодий шартномалар, келишувлар, «кодекслар», хартиялар ва х.к.), халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган халқаро иқтисодий ташкилотларнинг фаолиятини олади. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига қуйидагилар киради:

1. Халқаро меҳнат тақсимоти.
2. Халқаро товар ва хизматлар савдоси.
3. Халқаро капитал ва хорижий инвестициялар ҳаракати.
4. Халқаро ишчи кучи миграцияси
5. Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлари.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг назария ва амалиётини ўрганиш пайтида биз жаҳон хўжалиги деган тушунчага дуч келамиз. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг объектив асоси бўлган жаҳон хўжалиги ХИМ назария ва амалиёти тадқиқотининг махсус ўрганиш объекти эмас. Аммо у, ХИМ муаммоларини кўриб чиқишда муҳим компонент ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар (асосан савдо) жаҳон хўжалиги вужудга келмасдан олдин ҳам мавжуд эди. Масалан: Европа давлатлари ўртасидаги ХИМ, минтақалар (Европа-Шимолий Африка, Европа-Яқин Шарқ ва х.к.) ўртасидаги халқаро иқтисодий муносабатлар. Бу муносабатлар минтақавий характерга эга эди. Жаҳон хўжалигининг вужудга келиши ва ривожланиши билан халқаро иқтисодий муносабатлар кенгайди ва чуқурлашиб, глобал характерга эга бўлди. Алоҳида давлатлар иқтисодиётига ёки жаҳон хўжалигига асосланган халқаро иқтисодий муносабатлар кўпроқ уларга қарамдир. Аммо халқаро иқтисодий муносабатлар амалга ошиш жараёнида ўз қонуниятларига бўйсинувчи ҳолатга, жаҳон иқтисодиётининг мавжудлик ва ривожланиш шаклига, унинг ички механизмига айланиб боради.

**Жаҳон хўжалиги нима? Замонавий жаҳон хўжалиги бу - бозор иқтисодиётининг объектив қонунларига бўйсинувчи, ўзаро боғлиқ бўлган миллий иқтисодиётлар бирлашмаси, глобал иқтисодий организмдир.**

Жаҳон хўжалиги ривожланишининг босқичлари. Вужудга келиш ва ривожланишда ЖХ узоқ ва қийин йўл босиб ўтди. Айрим тадқиқотчилар унинг вужудга келишини Рим империяси даврига боғлашади. Бунда улар Рим

империясини уша вақтдаги бутунжаҳон хўжалик тизими деб баҳолайдилар. Бошқа олимлар Жаҳон хўжалиги фаолият кўрсата бошлаган вақтни XV-XVI асрлар, яъни буюк жўғрофий кашфиётлар даври билан боғлайдилар. Айнан шу кашфиётлар қимматбаҳо тошлар, металллар, ширинликлар ва қуллар билан халқаро савдонинг тез ривожланишига сабаб бўлди. Аммо бу даврдаги жаҳон хўжалиги чекланган бўлиб, фақат савдогарлар сармоялари ишлайдиган соҳа эди.

Замонавий жаҳон хўжалиги саноат инқилобидан кейин, капитал монопол босқичига ўтиши давомида вужудга келди. XIX аср охири-XX аср бошидаги ЖХ XX асрнинг 60-90-йилларидаги ЖХдан сезиларли фарк қилади.

XX асрдаги жаҳон хўжалиги «капитал кучига» нисбатан кўп жиҳатдан оддий кучга, иқтисодиётга ёт бўлган мажбуриятларга асосланган эди. Бу даврдаги ЖХда уткир қарама-қаршилиқлар мавжуд эди. Бу эса уни нобарқарор киларди. Бу империалистик мамлакатлар ўртасидаги қарама-қаршилиқлар (иккита жаҳон урушига олиб келган), шунингдек, саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилиқлардир. XX аср ўрталарига келиб жаҳон хўжалиги икки қисмга: жаҳон капиталистик ва жаҳон социалистик хўжалиқларга бўлинган эди. Жаҳон иқтисодий алоқалари тизимида жаҳон капиталистик хўжалиги устунлик килар эди. 90-йиллар бошида халқаро савдо товар айланмасининг 10дан 9 қисми жаҳон капиталистик хўжалиги доирасида руй берарди; 80-йиллар охирида халқаро иқтисодий айирбошлаш каналлари орқали капиталистик дунё умумий ялпи маҳсулотининг бор-йўги 5дан 1 қисми сотиларди холос.

Собик социалистик мамлакатларда жаҳон миллий даромадининг 1/3 қисми, шу жумладан УИЁК давлатларида 1/4 қисми ишлаб чиқариларди.

60-йиллардан бошлаб жаҳон хўжалиги тизимида ривожланаётган давлатлар кўшилди. 70-йилларнинг ўрталарида улар орасида ЯИД-«янги индустриал давлатлар», яъни Жануби-Шарқий Осиё (1-оқим- 4 кичик «аждаҳо»- Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур) ва Лотин Америкаси давлатлари: Бразилия, Аргентина, Мексика сезиларли даражада ажралишди.

Собик Совет Иттифоқи тарқалиб кетганидан кейин ва Шарқий Европада инқилобий ўзгаришлардан кейин жаҳон хўжалиги яхлит, бутун организм кўринишни олди. Шаклланаётган глобал жаҳон хўжалиги бир текис бўлмаган холда, уз ичига саноати ривожланган давлатлар, ривожланаётган давлатлар ва ўтиш шаклидаги иқтисодий тизимли давлатларнинг миллий иқтисодиётларини уз ичига олади.

Кўплаб қарама-қаршилиқлар ва турлича тенденцияларни сақлаб қолган холда XXI аср бусагасидаги ЖХ XX аср ўртасидаги ЖХдан солиштириб бўлмайдиган даражада кўпроқ ажралмас, интеграциялашган ва динамикдир.

Замонавий Жаҳон хўжалигининг характери қанака, унинг ўзига хослиги нимада, кўрсаткичлари ва ривожланиш омиллари қанака?

XXI аср бусагасидаги Жаҳон хўжалиги - уз микёсига қура глобалдир; у тўлиқ равишда бозор иқтисодиётининг тамойиллари, халқаро меҳнат

тақсимотининг объектив қонуниятларига, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига асосланади.

Урушдан кейинги ун йилликда Жаҳон хўжалиги ривожининг етакчи тенденцияларидан бири, бу кўплаб давлатларнинг бирин-кетин ёпик миллий хўжаликдан ташқи бозорга юз тутган иқтисодий очик типдаги хўжаликга ўтиш ҳисобланади. Урушдан кейинги иқтисодий тиклаш даврида ва кейинги йиллардан бошлаб, Ғарб давлатлари ҳукуматлари янада фаол равишда олдинги автократик қолдиқлардан қутиляптилар.

Айнан АҚШ «Очик савдо», «Очик иқтисодиёт» деган тезислари билан чиқдилар. Бу аввало жаҳон бозорида уз хохишларини ўтказиш учун эди. Иккинчи жаҳон урушидан ғолиб ва янада бойиб чиққан жаҳоннинг энг илғор савдо мамлакати сифатида янги иқтисодий тартиб қулланмалари таклиф этилди. Бундай «эркин савдо» ва «очик иқтисодиёт» ҳукмрон иқтисодиётнинг камрок ривожланган давлатларга қарши курали, америка корпорацияларининг тутиб бўлмас экспансияга интилишлари эди. Бундай «очик» иқтисодиёт ҳақида Франциялик иқтисодчи Мишель Пейро очик-ойдин шундай деган: «Очик, эркин савдо- илғор иқтисодиёт учун энг қулай уйин қоидаларидир».

Аммо урушдан кейинги дунёда ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ўзгара бориши билан очик иқтисодиёт ҳақида тезис бир томонламалик, америка экспансионизмининг манфаатларига йўналтирилганликни йўқотди ва объектив, чуқур омиллар фаолиятига асосланган, жаҳон хўжалик алоқаларининг байналмилаллашуви маъносини ола бошлади.

***Жаҳон иқтисодиёти (ЖХ) байналминаллашуви миқёси ва характерига, унинг очиклиги даражасини ошишига катта таъсир кўрсатган ва кўрсатаётган асосий омиллар қайсилар?***

Очик иқтисодиётни шакллантиришда давлат катта роль ўйнади. Давлат товар ва хизматлар олиб чиқишни рағбатлантириб, хорижий фирмалар билан кооперацияларга, ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишига ёрдамлашиб ўзига экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни рағбатлантириш функциясини олди. Чет элдан инвестициялар, технологиялар, ишчи кучи ва ахборот оқиб келишини енгиллаштирган мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

Мамлакатларнинг очикрок иқтисодиётга ўтишлари трансмиллий корпорациялар (ТМК) фаолияти билан тезлашди. Янги бозорларни ўзлаштиришга интилиб, турли мамлакатларда кўплаб филиаллар, шуъба корхоналари ташкил этиб, ТМК чет давлатларнинг протекционистик тўсиқларни айланиб ўтардилар ва халқаро иқтисодий айирбошлашни баналмилаллаштирдилар.

XX асрнинг иккинчи ярмида транспорт, ахборот-алоқа воситаларининг сезиларли ривожланиши ҳам миллий иқтисодиётлар очиклиги ривожланишида, аҳоли ҳаракатчанлигининг ошишида катта рағбатлантирувчи роль ўйнади.

Аста-секин, узоқ вақт мобайнида давлатларнинг бир-биридан ажратиб турган савдо-иқтисодий, валюта-молиявий тўсиқлар олиб ташланди. Халқаро айирбошлашнинг эркинлаштирилиши миллий хўжаликларнинг ташқи шароит

ва таъсирларга мослашишини енгиллаштирди, уларнинг халқаро меҳнат тақсимотига янада фаол қўшилишига имкон яратди.

60-йиллардан бошлаб очиқлик жараёнлари қатор ривожланаётган мамлакатларга тарқала бошлади. 80-йиллар бошидан Хитой ҳам очиқлик сиёсатига тарафдорлигини эълон килди. «Очиқлик термини» дунёнинг кўплаб мамлакатлари луғатига кирди. Масалан: арабча-«инфитах», хитойча-«кайфан».

### ***Шундай қилиб «очиқ иқтисодиёт» тушунчасига нималар киради?***

«Эркин савдо» ва «очиқ иқтисодиёт» тушунчаларини фарклаш лозим. «Эркин савдо» ҳақидаги тезис А.Смит сиёсий иқтисодиётидан бошланади ва замонавий америка иқтисодчиларининг кашфиёти эмас. «Очиқ иқтисодиёт» тушунчаси ишлаб чиқариш омиллари, ахборот, миллий валюталарнинг ўзаро алмашувининг эркин ҳаракатини уз ичига олган товарлар савдоси сифатида «эркин савдо» тезисидан кенгрок тушунчадир.

Очиқ иқтисодиётни автаркия, уз-ўзини таъминлаш иқтисодиёти, хаддан ташқари ўз кучига суянишнинг антиполи сифатида тушуниш лозим. Очиқ иқтисодиётнинг вужудга келиши - бу жаҳон ривожланишининг объектив тенденциясидир. Очиқ иқтисодиёт тамойилларига мос равишда ҳаракат қилиш бу - жаҳон бозори стандартларини тан олиш, унинг қонунлари асосида ҳаракат қилишдир.

Очиқ иқтисодиёт иқтисодиётнинг яхлитлигини, жаҳон хўжалигига, жаҳон бозорига интеграциялашган ягона иқтисодий мажмуани назарда тутди. Очиқ иқтисодиёт бу турли ҳамкорликдаги тадбиркорлик шаклларида фаол фойдаланиш, эркин тадбиркорлик зоналар ташкил қилиш, ташқи савдода давлат якка хоқимлигини йўқотиш (кўп соҳалар бўйича), халқаро меҳнат тақсимотида давлатнинг нисбий устунликларидан самарали фойдаланишдир.

Иқтисодиётнинг энг муҳим ўлчовларидан бири маълум иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва халқаро рақобатбардошлилик доирасида (соҳа ва макроиқтисодий даражада) капитал қўйилмалар, технологиялар, ахборот оқимини рағбатлантирувчи қулай инвестицион муҳитдир. Очиқ иқтисодиёт ички бозорнинг чет эл капитали, товарлари, технологиялари, ахборотлари, ишчи кучининг оқими учун ақлга тўғри келадиган даражада очиқлигини назарда тутди.

Очиқ иқтисодиётнинг афзалликлари қуйидагилардир:

-ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва коперациялашувининг чуқурлашиши;  
-ресурсларни мулохазакорлик билан самарадорлик даражасига қараб тақсимлаш;

-халқаро иқтисодий алоқалар тизими орқали жаҳон тажрибасининг тарқалиши;

-жаҳон бозоридаги рақобат томонидан рағбатлантириладиган миллий ишлаб чиқарувчилар орасида рақобатнинг кучайиши.

Шаклланиб бўлган очиқ иқтисодиёт ва очиқ иқтисодиётга ўтиш бир хил нарса эмас. Очиқ иқтисодиёт давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларида назоратсизлик ва ҳамма нарса мумкин, чегаралар очиқ дегани эмас. Очиқ иқтисодиёт унинг ақлга сиғадиган даражада амалга ошириш механизмини

шакллантиришда давлатнинг сезиларли аралашувини талаб қилади. Хеч бир мамлакатда иқтисодиётнинг абсолют очиқлиги йўқ.

Стихияли очиқлик нафақат иқтисодий ривожланиш ёрдам бермайди, балки иқтисодий хавфсизликка хавф тугдиради. Самарадорлик, рақобатбардошлик, миллий хавфсизлик тамойиллари асосида қурилган очиқлик экспорт структураси ва капитал ҳаракати, шунингдек улар ташқи дунё билан ўзаро таъсирининг фақат шаклига эмас, балки валюта, солиқ, кредит ва инвестиция сиёсатини ҳисобга олмасдан туриб тушуниб бўлмайди.

Очиқлик микдорининг 1-даражали индикаторига экспорт ва импортнинг ички ялпи маҳсулотдаги улушини киритиш мумкин. Уларнинг комбинацияси алоҳида миллий иқтисодиётларнинг жаҳон бозори билан алоқаларининг миқёси ҳақида тушунча беради. Шундай қилиб, экспорнинг ЯИМга муносабати экспорт квотаси сифатида аниқланади:

$$Эк = Э/ЯИМ \times 100\%,$$

бу ерда Эк - экспорт квотаси, Э - экспорт ҳажми.

Агар  $Эк=10\%$  булса, иқтисодиётнинг очиқлиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иқтисодиёт очиқлигининг бошқа кўрсаткичи импорт билан ЯИМ муносабатидан келиб чикувчи импорт квотаси кўрсаткичидир:

$$Ик = И/ЯИМ \times 100\%,$$

бу ерда Ик - импорт квотаси, И - импорт ҳажми.

Очиқликнинг комплекс кўрсаткичларидан бири деб одатда ташқи савдо квотаси кўрсатилади:

$$ТСК = ТС/ЯИМ \times 100\%,$$

бу ерда ТСК - ташқи савдо квотаси, ТС - ташқи савдо оборотининг ҳажми.

Бу кўрсаткичнинг камчилиги унда капитал экспорти катталигининг ҳисобга олинмаганлигидир.

Қуйида «катта еттилик» давлатлари учун ташқи савдо квотаси кўрсаткичлари келтирилган:

Англия -41,8%

Германия -50,8%

АҚШ -17,0%

Япония -17,8%

Малакат ички бозорининг ҳажми, унинг иқтисодий ривожланганлик даражаси, шунингдек мамлакатнинг халқаро ишлаб чиқаришда қатнашувининг роли иқтисодиёт очиқлиги даражаси ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши даражасига таъсир қилувчи омиллардир.

Айрим иқтисодчилар қуйидаги қонуниятни алоҳида таъкидлайдилар: иқтисодиёт структурасида асос соҳалари (энергетика, металлургия, тоғ-кон ва б.) улуши канча кўп булса, мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида иштироки, иқтисодиётнинг очиқлиги шунча кам бўлади. Америка иқтисодчилари Ж.Сакс ва Э.Уорнерларнинг фикрича миллий иқтисодиётнинг очиқлик даражаси мамлакатда «хаддан ташқари катта» экспорт ва импорт божларининг йўқлиги, миллий валютанинг «етарли даражадаги» конвертацияси

мавжудлиги билан аникланади, шунингдек «давлат социалистик бўлмаслиги керак».

Шуни таъкидлаш лозимки, кўрсатиб берилган коэффициент ва кўрсаткичлар хар доим ҳам иқтисодиёт очиклигининг ҳолатини тўлиқ кўрсата олмайди. Масалан ташқи савдо квотаси маълум маънода иқтисодиёт очиклигини намойиш килса ҳам, унинг синтетик кўрсаткичи бўла олмайди. Ташқи савдо квотаси асосан давлатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги иштирокини кўрсатади. Бу эса очик иқтисодиёт тушунчасининг бир қисми холос. Иқтисодиёт очиклиги кўрсаткичи эса мураккаброк, комплекс кўрсаткичдир.

1995 йилда Россияда ташқи савдо квотаси 35%га яқин эди. ЯИМнинг тахминан 25%и экспортга тўғри келарди. Бу Россия иқтисодиёти юқори даражада очик деган маънони берадими? На божларнинг ўртача даражаси бўйича, на экспорт структураси бўйича, на инвестицион иқлим параметрлари бўйича, на бошқа қатор кўрсаткичлар бўйича бу саволга коникарли жавоб бериш мумкин эмас.

Россиянинг стихияли тарзда шаклланаётган очик иқтисодиёти тартибсизлик ва анархияга яқиндир. Уни кўпроқ квазиочиклик деб таърифласа бўлади. Бундай «очиклик» ялпи демократизациялашнинг ва ташқи савдонини тартибсиз эркинлаштириш бўлганлиги учун иқтисодиёт самарадорлигини ва унинг рақобатбардошлигини оширишда ёрдам бермаяпти. Аксинча, унга сезиларли зарар етказиб давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солаяпти.

«МДХ мамлакатларининг жаҳон бозорига кириб бориши савдо имтиёзлари, протекционистик чоралар ва кенг миқёсдаги техник ёрдамсиз мумкин эмас», деб таъкидлайди Германиялик иқтисодчи Х.Шредер.

Уз навбатида М.Пебро эслатиб утадики, савдонинг эркинлиги «эхтиёткорликсиз булиши керак эмас, чунки бу қоидалардан кур-кура фойдаланиш тезда кучсизларнинг кучлиларга бўйсунушига, иқтисодий колониализм келиб чиқишига олиб келган бўларди.»

Замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг характери ва тенденциялари канака?

Интенсив давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг хозирги даражаси куйидагиларни кўрсатади:

1) жаҳон хўжалигида халқаро меҳнат тақсимооти даражасининг чуқулигини,

2) анъанавий халқаро тайёр махсулотлар савдоси миқёсларининг кенгайиши ва характерининг ўзгарганлигини (у кўп жиҳатдан миллий ишлаб чиқариш жараёнларига тўғридан-тўғри хизмат кила бошлади),

3) капитал миграцияси интенсивлашганлигини,

4) илмий-техник билимлар алмашувининг тезлашганлиги, хизматлар соҳасининг ривожланганлигини,

5) ишчи кучи миграциясининг сезиларли даражада усганлигини. (Халқаро ишчи кучи миграцияси халқаро хўжалик хаётини байналмилаллашувининг муҳим қисми бўлиб қолмоқда);

б) Давлатлар ва минтақалар иқтисоди интеграциялашуви жараёнининг тезлашиши ва кенгайишини. Саноати ривожланган давлатларнинг савдо, ишлаб чиқариш ва кредит-молия соҳасида эришилган бирлик даражаси жаҳон хўжалик мажмуи шаклланишининг кўриниши бўлиб хизмат қилади. Унинг иштирокчилари давлат чегараларининг мавжудлигига қарамай умумий хўжалик тизимининг таркибий қисми сифатида фаолият кўрсатадилар. Хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви тушунчаси ортида алоҳида давлатларни глобал жаҳон мажмуига бирлаштирувчи кўп даражали жаҳон хўжалик алоқалари тизимининг самарали ишлаши туради.

Байналмилаллашув алоҳида миллий иқтисодий тизимларнинг ошиб бораётган ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлигини характерлайди. XX асрда айирбошлашнинг байналмилаллашуви капитал ва ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашувига айланади, ИТИ таъсирида ривожланишда сезиларли туртки олади (XX аср 50-йилларининг ўрталари). Халқаро иқтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси кескин ошади. Йирик миқёсдаги иқтисослашган ишлаб чиқариш учун ички бозорлар доираси торлик кила бошлайди. У объектив равишда миллий чегаралардан чиқа бошлайди.

ИТИ таъсирида ишлаб чиқариш байналмилаллашуви шундай ҳолатни юзага келтирадики, ҳар қандай мамлакат учун «шахсий ишлаб чиқаришга» эга булиш фойдасиз бўлиб қолади. Алоҳида миллий иқтисодиётлар янада кўпроқ жаҳон хўжалигига интеграциялашадилар. Ишчи кучи ҳаракати, кадрлар тайёрлаш, мутахассислар билан алмашиш янада байналмилал характерга эга бўла бошлайди.

Ушбу алоқалар ва улар ривожининг истикболи шаклланиши қонуниятларини текшириш шуни кўрсатадики, жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий тенденцияси бўлиб капитал, товар ва хизматларнинг ягона планетар бозорини ташкил қилиш ва алоҳида давлатларни ягона жаҳон хўжалиги мажмуига бирлаштиришга бўлган ҳаракат ҳисобланади. Бу эса глобал иқтисодиёт масалаларини халқаро иқтисодиёт муносабатлар тизими мажмуи сифатида ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу халқаро иқтисодий муносабатларнинг бошқача, юқорирок даражасидир.

Глобализация феноменини икки томонлама кўриб чиқиш мумкин. Макроиқтисодий даражада глобализация давлатлар ва алоҳида минтақаларнинг чегараларидан ташқарида иқтисодий фаолият кўрсатишга бўлган умумий интилишлари тушунилади. Бундай интилишларнинг кўринишлари куйидагилар: либерализация, савдо ва инвестицион тўсиқларнинг олиб ташланиши, эркин тадбиркорлик зоналари ташкил этиш ва х.к.

Микроиқтисодий даражада глобализация деганда корхона фаолиятининг ички бозор чегараларидан ташқарида кенгайиши тушунилади. Тадбиркорлик фаолиятининг миллатлараро ёки кўпмиллий йўналганлигидан фаркли равишда глобализация жаҳон бозори ёки «жаҳон учлиги» (Шим. Америка, Ғарбий Европа, Япония) бозорларини ўзлаштиришда ягона ёндашишни тушунилади.

Қандай омиллар замонавий ХИМга сезиларли баъзида ҳал қилувчи аҳамият касб этади?

Хозирги даврнинг қарама-қаршиликларига қарамай, унинг асосий томони кўпроқ ракиблик эмас, балки ҳамкорлик ва ўзаро келишув тенденцияси булмокда. Турли давлатлар иқтисодий ривожланиш даражасининг яқинлашуви руй бермокда. Албатта бу жуда мураккаб ҳаракатдир.

Бу ҳаракатга:

- 1) Индустириал жамиятнинг постиндустириал (информацион) жамиятга ўтиши;
- 2) Технологик инқилоблар (1-схема);
- 3) Энергия хом-ашё ва озик-овқат муаммоларининг кескинлашуви
- 4) Экологик муаммолар таъсир кўрсатади.

1-схема

**Илмий-техник инқилоб ривожланишининг босқичлари ва ушбу босқичларга мос келувчи жамият турлари**

1945 й.	
Автоматика билан боғлиқ инқилоб	Автоматлаштириш жамияти
1974 й.	
Кибернетика билан боғлиқ инқилоб	Кибернетика жамияти
2004 й.	
Бионика билан боғлиқ инқилоб	Оптимизация жамияти
2025 й.	
Психонетика билан боғлиқ инқилоб	Автоном жамият
2033 й.	
Метапсихонетика билан боғлиқ инқилоб	Табиий жамият

Иркий, диний асосдаги иқтисодий миллатчилик алоҳида хавф тугдиради. Яъни, эркин рақобат асосидаги иқтисодий устунлик эмас, бир иркнинг бошқасидан устунлигини эълон қилиш билан иқтисодий устунликка эришишга интилиш.

XX асрнинг охири-XXI асрнинг боши халқаро меҳнат тақсимооти, халқаро капитал, ресурслар бозорида миллий иқтисодиётлар иерархиясига асосланган янги жаҳон хўжалиги тизимининг шаклланиш даври ҳисобланади.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. – Т., “Ўзбекистон”, 1995.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли”. - Т., “Ўзбекистон”, 1992.
3. Шодиев Р., Р.Маҳмудов “Жаҳон иқтисодиёти”. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2005.
4. Ҳакимова М.А. «Халқаро иқтисодий муносабатлар» Т., “Меҳнат”, 1997.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва

2006 йилдаги иқтисодий ислохотларни энг муҳим устувор йўналишларига доир маърузаси.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрида”ги Қонуни. Тошкент, 1991 йил 14 июнь.
7. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Фармони. Тошкент, 1992 йил, феврал.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқариш тизимини янада ва такомиллаштириш тўғрида”га Фармони. 2002 йил 21 октябр.

## **2-Мавзу. Халқаро меҳнат тақсимоти**

### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Халқаро меҳнат тақсимоти ҳақида тушунчаси. Замонавий ХМТнинг моҳияти.
2. Ишлаб чиқаришнинг нисбий ҳаражатлари назарияси.
3. Мамлакатларнинг ХМТда иштирокига таъсир кўрсатувчи омиллар.
4. Мамлакатларнинг ХМТда иштирокини ривожланишининг кўрсаткичлари.
5. Халқаро ихтисослашиш ва ишлаб чиқариш кооперацияси.

### **Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари). Талаба ушбу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:**

- халқаро меҳнат тақсимоти жаҳон хўжалигининг моддий асоси эканлигини англаб етади;
- замонавий халқаро меҳнат тақсимотининг моҳиятини ўрганиб олади;
- ишлаб чиқаришнинг нисбий ҳаражатлари назарияси ҳақида билимга эга бўлади;
- мамлакатларнинг ХМТда иштирокига таъсир кўрсатувчи омиллар билиб олади;
- мамлакатларнинг ХМТда иштирокини ривожланишининг кўрсаткичлари ўрганиб олади;

Халқаро иқтисодий муносабатлар моҳияти, маъносини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан бири халқаро меҳнат тақсимотидир. Дунёнинг барча мамлакатлари у ёки бу жиҳатдан ХМТга қўшилган. Унинг чуқурлашуви ИТИнинг катта таъсири остида бўлган ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишидан келиб чиқади.

Халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш давлатларга қўшимча иқтисодий самара бериб, уз эҳтиёжларини энг кам ҳаражатлар билан тўлиқроқ қондириш имконини беради.

Меҳнат тақсимоти нима? Меҳнат тақсимоти - бу тарихан белгиланган ижтимоий меҳнат тизимидир. У жамият ривожланиши жараёнида фаолиятнинг сифат жиҳатдан дифференциацияси натижасида келиб чиқади.

Меҳнат тақсимоти турли шаклларда бўлади. Халқаро иқтисодий муносабатлар курсида халқаро меҳнат тақсимоти ўрганилади.

Халқаро меҳнат тақсимоти моҳияти ишлаб чиқариш жараёни меҳнат фаолияти турли шакллариининг ихтисослашуви ва уларнинг кооперациялашуви, ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади. Меҳнат тақсимоти фақат ажратиш жараёни сифатида эмас, балки, айниқса жаҳон миқёсида меҳнатни бирлаштириш йўли сифатида чиқади.

Халқаро меҳнат тақсимоти давлатлар ўртасида меҳнатнинг ижтимоий-худудий тақсимотининг даражаси ҳисобланиади. У алоҳида давлатлар ишлаб чиқаришларининг ихтисослашувига асосланади.

ХМТ жаҳон хўжалигида кенгайтирилган кайта ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишда усиб бораётган роль ўйнамоқда. У:

1) Бу жараёнларнинг ўзаро алоқасини таъминлайди;

2) халқаро соҳавий ва минтақавий-соҳавий пропорцияларни шакллантиради.

Халқаро меҳнат тақсимоти назарияси буржуазия сиёсий иқтисод классиклари А.Смит ва Д.Рикардо ишларида асосланди ва ривожлантирилди. ХМТни таҳлил қилар экан, А.Смит «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари» китобида (1776 й.) савдо ва тадбиркорлик эркинлиги зарурлигини исботлайди. Чунки, унинг фикрича, савдо эркинлигини турли чеклашлар алоҳида минтақалар ва бутун бир давлатлар ўртасида меҳнат тақсимоти чуқурлашишига халакит беради.

Тўсиқларнинг йўқотилиши ва халқаро алмашинув майдонининг кенгайиши миллий иқтисодиётлар ихтисослашувига ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини оширишга, умужаҳон хўжалигининг юзага келишига олиб келиши керак. А.Смит кейинчалик жуда машхур бўлиб кетган эркин савдо шиорини олга сурди (*laisser-faire*).

А.Смит голяри кейинчалик инглиз иқтисодчилари Д. Рикардо, Р. Торренс ва Жон Стюарт Милл ишларида ривожлантирилди.

Классикларнинг халқаро меҳнат тақсимоти илмий назариясидаги асосий ютуқлари деб ишлаб чиқаришнинг нисбий ҳаражатлари назарияси ҳисобланади. Бу назария халқаро савдо ҳақидаги иқтисодий таълимотнинг «классик» асоси ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг нисбий ҳаражатлари назарияси асосида мамлакатлар орасида ишлаб чиқариш шароитларида фарк мавжудлиги ҳақидаги гоё ётади. Бунга кура хар қандай мамлакатда хар қандай табиий ва иклимий шароитларда хар қандай товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин деб ҳисобланади.

Масалан Шотландияда узум етиштириш мумкин. Лекин унинг нархи жуда баланд, ундан олинадиган вино эса кам истеъмол қилинган бўларди. У ёки бу товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни солиштириш, талаб бўлган барча товарларни ишлаб чиқаришдан кура энг кам ҳаражат талаб қиладиган маълум бир товар ишлаб чиқариш фойдалироқ деган хулосага олиб келади. Ушбу товарга ихтисослашиш ташқи бозорда айирбошлаш йўли билан бошқа барча товарларни олиш имконини беради.

Нисбий ҳаражатлар назарияси бирон-бир товар ишлаб чиқаришда бир давлатнинг бошқа давлатдан абсолют устунлиги мавжудлигидагина эмас, балки бундай устунлик мавжуд бўлмаган ҳолатда ҳам ихтисослашув фойдали эканлигини исботлайди.

Агар халқаро даражадаги ҳаражатларга нисбатан кам ҳаражат билан товар ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаса, ҳаражатларнинг ўртача даражадан кўплиги қайсидир бир товарда энг кам бўлади. Бошқа товарларга нисбатан фойдалироқ бўлган шу товар ишлаб чиқаришга ихтисослашиш керак. Хатто шу ҳолатда ҳам ихтисослашиш самара беради.

Тескари ҳолат ҳам назарда тутилган. Мамлакат бир неча товарлар бўйича устунликка эга булса, бу устунлик максимал бўлган товар ишлаб чиқаришга ихтисослашиш керак.

Буржуаз сиёсий иқтисоди классикларининг гоялари Э. Хекшер, П. Самуэльсон, Б.Олин, В. Леонтьев ва бошқа ҳозирги замон иқтисодчилари томонидан ривожлантирилди.

***Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланишига қандай омиллар таъсир қилади?***

Биринчи навбатда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга интилиш зарурияти.

Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланиши жараёнида асосий нарса бу шу жараённинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг ХМТдаги иштирокидан иқтисодий фойда кидириши ва топишидир.

Хар қандай давлатнинг халқаро алмашув жараёнида халқаро меҳнат тақсимотининг устунликларини амалга ошириши қулай шароитларда: биринчидан, экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг ташқи ва ички бозор нархларидаги фарқни олиш; иккинчидан, арзонроқ бўлган импортдан фойдаланиб миллий ишлаб чиқаришдан воз кечган ҳолда ички ҳаражатларни камайтириш имконини беради.

Жаҳон хўжалигини тизим сифатида кўриб чикканда ХМТни бу тизимни ташкил қилган бирлаштирувчи асос деб тасдиқлаш мумкин.

1-жадвал

**Халқаро меҳнат тақсимоти суръатларининг коэффицентлари**

	1971-1980й.й.	1981-1990й.й.	1991-2000й.й.
Жаҳон	1,08	1,21	1,08
Саноати ривожланган давлатлар	1,11	1,31	1,15
Ривожланаётган давлатлар	0,99	1,03	0,80

Саноати ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқариши кўп ҳолатда ташқи истеъмолчиларга, ички талаб импортга йўналган бўлади деб тахмин

қилинмоқда. Ривожланаётган давлатларда ички бозорнинг нисбатан тез, лекин экстенсив кенгайиши тахмин қилиняпти.

Сунгги ун йилликларда жаҳонда мисли қурилмаган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнлар руй берди. Улар халқаро меҳнат тақсимотиға сезиларли таъсир кўрсатди.

Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг асосий йўналиши халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперациясининг кенгайиши бўлди.

Халқаро кооперация (ХК) ва халқаро ихтисослашув (ХИ) халқаро меҳнат тақсимотининг шакллари бўлиб, унинг мохиятини намоён қиладилар.

Турли давлатлар корхоналарининг маълум бир товарға ихтисослашуви замонавий ИТИ билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг технологик тизимининг мураккаблашиб бориши билан тайёр махсулотда ишлатиладиган деталлар кўпайди. Масалан: енгил автомобилда 20 минггача, прокат дастгоҳларида 100 минггача, электровозларда 250 минггача детал ишлатилади.

Халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви (ХИИ) иккита йўналиш - ишлаб чиқариш ва ҳудудий йўналиш бўйича ривожланмоқда. Уз навбатида ишлаб чиқариш йўналиши: а) соҳалараро; б) давлатлар гуруҳи; в) алоҳида корхоналарнинг ихтисослашувига бўлинади.

Ҳудудий халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви: а) алоҳида давлатлар; б) давлатлар гуруҳи; в) ҳудудларнинг жаҳон бозори учун маълум товарлар ва уларнинг қисмлари учун ишлаб чиқаришга ихтисослашувига бўлинади.

Халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашувининг асосий турларига: 1) предметли (махсулот ишлаб чиқариш); 2) деталли (махсулотни ташкил қилувчиларни ишлаб чиқариш); 3) технологик ёки босқичли (яъни алоҳида технологик жараёнларни амалға ошириш. Масалан: йигиш, буяш ва х.к.) ихтисослашиш киради.

Халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви - Халқаро меҳнат тақсимотининг динамик шаклидир. 50-60-йилларда бошлангич соҳаларда (автомобилсозлик, авиасозлик, пластмасса ишлаб чиқариш ва х.к.) ихтисослашиш олдинги уринда эди. 70-80-йилларда соҳа ичидаги ХИИ илгор уринда эди.

Халқаро меҳнат тақсимотининг бошқа бир шакли - халқаро ишлаб чиқариш кооперациясидир. Унинг объектив асоси бўлиб, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг усиб бораётган даражаси, ҳамда мамлакат ичида ёки ташқарисида руй беришидан катъий назар мустақил корхоналар ўртасидаги барқарор ишлаб чиқариш алоқалари жараёни ҳисобланади.

ИТИ ишлаб чиқариш кооперациясига муҳим элемент - илм-фанни кушиб, унинг ривожланишига уз хиссасини қушди.

Ишлаб чиқариш кооперацияси маълум бир муносабатлар тизими сифатида фаолиятнинг соҳаси ва ҳамкорликнинг усули ҳисобланади.

Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ўзининг ривожланган шаклларида ҳамкорликнинг турли соҳаларини камраб олади.

1. Ишлаб чиқариш-технологик ҳамкорлик. Улар: а) лицензиялар бериш ва мулкчилик ҳуқуқларидан фойдаланиш; б) лойиха конструкторлик

хужжатларини, технологик жараёнларни, махсулотнинг техник даражаси ва сифатини, қурилиш ва монтаж ишлари, кооперациялашган корхоналарни замонавийлаштиришни ишлаб чиқиш ва мослаштириш; в) ишлаб чиқаришни бошқариш, стандартлаштириш, унификациялаш, сертификациялашни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш дастурларини тақсимлаш.

2. Кооператив махсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган савдо-иқтисодий жараёнлар.

3. Сотилган техникага хизмат кўрсатиш.

Кооперация алоқаларини урнатишда фойдаланиладиган уч асосий усул алоҳида кўрсатилиб утилади:

1) Ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш;

2) Шартнома асосида ихтисослашиш;

3) Кушма корхоналар ташкил қилиш;

Ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш уз навбатида икки асосий шаклда амалга ошади: пудратли ишлаб чиқариш кооперацияси ва ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш.

Шартнома асосида ихтисослашиш тшлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқариш кооперацияси иштирокчилари орасида тақсимланишини назарда тутди.

Кушма корхона бу интеграциялашган кооперациядир.

Халқаро меҳнат тақсимотини модернизациялаштиришнинг замонавий ғарб назариялари.

ХМТни модернизация қилиш соҳасидаги ғарб тадқиқотларини икки асосий гуруҳга булиш мумкин:

1) «бир-бирига боғлиқлик»нинг турли вариантлардаги концепциялари;

2) ХМТнинг мавжуд моделларини кайта куриш бўйича муайян режалари.

«Бир-бирига боғлиқлик» коцепциясининг вакилларидан бири-голландиялик иқтисодчи К. Нувенхузедир. У уз фикрларини тасдиқлашда биринчи навбатда барча давлатлар учун умумий бўлган экологик омилларга мурожаат қилади. Уларга қуйидагиларни киритади: 1) атроф-муҳитнинг барқарор эмаслиги; 2) ердаги табиий ресурсларнинг чекланганлиги. Чунки унинг фикрича ривожланган давлатлар ривожланаётган давлатлардан хом-ашёда қарам, ривожланаётган давлатлар эса саноати ривожланган давлатлардан техника, технология ва х.к.да қарам. Демак улар бир-бирига боғлиқдир. Голланд олимининг фикрича мана шундан келиб чиккан холда халқаро меҳнат тақсимотини куриш керак.

Ўзаро боғлиқлик концепциялари умумий характерга эга. Улар бошқа иқтисодий назариялар гуруҳи-мавжуд халқаро меҳнат тақсимотини «замонавийлаштириш» назариялари учун асос бўлади.

Халқаро меҳнат тақсимотини замонавийлаштиришнинг асосий гоёсига мувофиқ ривожланаётган давлатлар протекционизм сиёсатидан воз кечишлари ва иқтисодиётга хорижий капитални кенг жалб қилишлари лозим.

Кўпгина ривожланаётган давлатлар худди шундай килдилар: «очик эшиклар», «очик иқтисодиёт» сиёсатини эълон қилишди, кўплаб кушма

корхоналар, эркин тадбиркорлик зоналари ташкил қилишди ва х.к. Бу айниқса, Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги «Янги индустриал давлатларда» кенг ёйилди. Шу билан бирга улар протекционизм гоёларидан ҳам тўлиқ воз кечишмади ва ундан зарур бўлганда фойдаланишмоқда.

Саноати ривожланган давлатлар иқтисодчилари нуктаи назаридан «замонавий» халқаро меҳнат тақсимоти мохияти нимада? Асосий маъно ривожланаётган давлатларни янги соҳаларга йўналтиришдадир. Улар биринчи навбатда саноати ривожланган давлатлар эҳтиёжини қондириш учун экспортга меҳнатталаб, материалталаб. Стандартлаштирилган товарлар ишлаб чиқаришга мослашишлари лозим.

Саноати ривожланган давлатлар юқори малакали ишчи кучи талаб қилинадиган ва ИТИ тез бораётган иқтисодиё соҳаларга мослашишлари лозим.

Бу назария аста-секин амалга оширилмоқда. Масалан, ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилаётган капиталнинг умумий ҳажмида қайта ишлашга йўналтирилган капиталнинг улуши кўпаймоқда. «Зарарли» ишлаб чиқаришларнинг қисман ривожланаётган давлатларга кучиш жараёни руй бермоқда.

Соҳавий ихтисослашиш уч босқичли схема бўйича амалга ошмоқда:

1) «Янги индустриал давлатлар» асосан нисбатан малакали меҳнат ва замонавий технологиялар талаб қилувчи товарлар ишлаб чиқаришмоқда;

2) Ривожланаётган мамлакатларнинг камрок ривожланганлари меҳнатталаб ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига хом ашё етиштириб беришга ихтисослашганлар (энг кам ривожланган давлатлар бу схемага умуман тушмайди);

3) Саноати ривожланган давлатлар капиталталаб, юқори технологияли товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Халқаро меҳнат тақсимотининг замонавий концепциялари, уни замонавийлаштириш режалари, шунингек бу концепцияларни амалга оширишни тахлил қилиш шуни кўрсатадики, жаҳон ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг хозирги даражасида саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасида янги турдаги халқаро ихтисослашиш ва кооперациялашув вужудга келмоқда, ривожланаётган давлатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси кучаймоқда.

#### **Адабиётлар:**

- 1.Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. – Т., “Ўзбекистон”, 1995.
- 2.Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли”. - Т., “Ўзбекистон”, 1992.
- 3.Шодиев Р., Р.Маҳмудов “Жаҳон иқтисодиёти”. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2005.
- 4.Ҳакимова М.А. «Халқаро иқтисодий муносабатлар» Т., “Меҳнат”, 1997.
- 5.Ҳакимова М., Хўжаев Х., Маҳмудов Б. “Халқаро иқтисодий муносабатлар”. - Т., “Ўқитувчи”, 1996.

6.Қ.Усмонов “Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви”.  
Тошкент, “Молия”, 2003 йил.

### **3-мавзу: Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо**

#### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Халқаро савдонинг роли ва ташқи савдо тушунчаси.
2. Халқаро савдо концепциялари: меркантилизм, мутлоқ устунлик, нисбий устунлик.
3. Халқаро савдонинг муқобил назариялари.
4. Халқаро савдони ўсишига таъсир кўрсатувчи омиллар.
5. Алоҳида мамлакатларнинг халқаро савдода тутган ўрни.

#### **Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари).**

##### **Талаба ушбу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:**

- халқаро иқтисодий муносабатлар ривожидида халқаро савдонинг ролини билиб олади;
  - ташқи савдо тушунчаси ҳақида билимга эга бўлади;
  - халқаро савдо концепциялари: меркантилизм, мутлоқ устунлик, нисбий устунлик, Хекшер-Олин назариялари ва Леонъев парадоксининг моҳиятини ўрганади;
  - халқаро савдонинг муқобил назариялари моҳиятини тушуниб етади;
- халқаро савдони ўсишига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳамда алоҳида мамлакатларнинг халқаро савдода тутган ўрни билиб олади.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анъанавий ва энг ривожланган кўриниши ташқи савдо ҳисобланади. Халқаро иқтисодий муносабатлар умумий ҳажмининг 80%и савдонинг улушига тўғри келади.

Хар қандай мамлакат учун ташқи савдонинг роли каттадир. Ж.Сакснинг фикрича «дунёдаги хар қандай давлатнинг иқтисодий муваффақияти ташқи савдода туғилади. Хозирги давргача хеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажраган холда соғлом иқтисодиёт хосил қила олгани йўқ».

Халқаро савдода халқаро меҳнат тақсимооти асосида пайдо бўладиган турли давлатлар товар ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги алоқаларнинг бир шакли бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий боғлиқликни намоён қилади.

Мамлакатлар иқтисодиётидаги ИТИ таъсири остида руй бераётган структуравий ўзгаришлар, саноат ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви миллий хўжаликларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтирмоқда. Бу эса халқаро савдо фаоллашувига имкон яратмоқда. Халқаро савдо ишлаб чиқаришга нисбатан тезроқ усмоқда. Ташқи савдо айланмасини тахлил қилиш шуни кўрсатадики, жаҳонда ишлаб чиқариш 10%га кўпайганда жаҳон савдоси 16%га усмоқда.

«Ташқи савдо» деганда бир мамлакатнинг бошқа мамлакат билан ҳақ туланадиган олиб кириш, яъни, импорт ва ҳақ туланадиган олиб чиқиш, яъни, экспортдан иборат савдоси назарда тутилади.

Ташқи савдо фаолияти товар ихтисослашувига кура тайёр маҳсулотлар савдоси, машина ва ускуналар савдоси, хом-ашё савдоси ва хизматлар савдосига бўлинади.

Дунёдаги барча мамлакатларнинг ҳақ туланадиган товар айланмаси йигиндиси халқаро савдо деб аталади.

Халқаро савдо тушунчаси торроқ маънода ҳам ишлатилади. Масалан, саноати ривожланган давлатлар товар айланмаси йигиндиси, ривожланаётган давлатлар товар айланмасининг йигиндиси ва х.к.

Барча давлатлар олдида ташқи савдо бўйича миллий сиёсат танлаш муаммоси ётади. Икки аср мобайнида бу мавзуда тортишувлар кетяпти.

Эркин савдо ёки протекционизм сиёсатини танлаш ёки уни қандай булса шу ҳолда саклаш олдинги асрларнинг характери эди. Бизнинг давримизда бу икки йўналиш ўзаро боғлиқ. Аммо кўп ҳолларда бу қарама-қарши бирлик эркин савдо тамойилининг бош ролини бажаради.

Эркин савдо сиёсатига биринчи бўлиб А.Смит томонидан таъриф берилган. Адам Смит «айирбошлаш ҳар бир мамлакат учун фойдалидир; ҳар бир мамлакат бунда мутлок устунликка эга булишини» таъкидлаган. Адам Смитнинг тахлиллари классик назариянинг асоси бўлган ва эркин савдо сиёсатининг ҳар қандай шакли учун асос бўлиб келган.

Бирок бу муҳокамаларни охиригача давом эттирар эканмиз, шундай ҳулосага келиш мумкин: агар давлат хориждан керакли нарсаларнинг ҳаммасини, энг арзон нархда ва чекланмаган миқдорда топиши мумкин булса, ҳамма нарсани хориждан олиш унинг манфаатлари учун хизмат қилади. Унинг ўзи эса сотиш учун бирон нарса ишлаб чиқарадими? Ҳеч нарса буни қафолатламайди. У ҳолда у сотиб олган товарлари учун нимани тулайди? Демак, мутлок устунлик назарияси берк кучага олиб киради.

Д. Рикардо «Сиёсий иқтисод ва солиқ солишнинг бошланиши» (1817йил) ишида боши берк кучадан классик назарияни келтириб чиқарди. У халқаро ихтисослашув мезонларини ажратган ҳолда, давлатлар учун қандай ҳолатларда давлатлараро айирбошлаш манфаатли эканини кўрсатиб берди. Ҳар бир давлат учун устунлик қилган ёки кучсизлиги нисбатан камроқ бўлган соҳага ихтисослашиш манфаат келтиради. Унинг муҳокамалари устунликлар таккосланиши назарияси ёки приципида уз аксини топди.

Д. Рикардо халқаро айирбошлаш барча давлатлар учун мумкин ва манфаатлидир. У айирбошлаш барча учун фойдали бўлган нарх зоналарини аниқлади.

Джон Стюарт Милль ўзининг «сиёсий иқтисод асослари»(1848йил) ишида қандай нархда айирбошлаш амалга оширилишини кўрсатди. Милльга кура айирбошлаш нархи талаб ва таклиф қонунига кура , хар бир давлатнинг ялпи экспорт миқдори ялпи импорт миқдорини қоплайдиган даражада белгиланади. Милльнинг муҳим хизматларидан бири унинг Халқаро Нарх қонуни ёки «халқаро нарх назарияси»дир. Халқаро Нарх қонунини таъкидлашча, шундай нарх мавжудки у давлатлар орасидаги товар айирбошлашни оптималлаштиради. Бу бозор нархи талаб ва таклифга боғлиқ.

Классик буржуа иқтисодиётининг назарисини ривожлантиришга қаратилган сўзлар Готфрид Хаберлер томонидан айтилган эди. У нуқтаи назарини нафақат меҳнатга балки ишлаб чиқаришнинг барча омилларига эътиборни қаратди.

Халқаро Савдо оқимини нима билан аниқланиши ва унинг таркибини Эли Хекшер ва Бертиль Олин ўзларининг замонавий қарашларида акс эттирганлар. Улар нисбий устунлик тушунасини қуйидагича изоҳлаганлар: у ёки бу давлатнинг маълум бир товарларга ихтисослашиши уларнинг ишлаб чиқариш омиларига эгаллик даражасига боғлиқ. Э.Хекшер ва Б.Олин «нархларнинг ишлаб чиқариш омилларига тенглаштириш» теоремасини илгари сурдилар.

1948 йилда Америкалик иқтисодчилар П. Самуэльсон ва В Столпер уз теоремаларини киритиб Хекшер-Олин теоремасининг исботини мукамаллаштирдилар: ишлаб чиқариш омиллари, техника бир хил булса, мукамал рақобат ва товарларнинг тула ҳаракатчанлиги мавжуд бўлганда халқаро айирбошлаш ишлаб чиқариш омилларининг давлатлар орасидаги нархини тенглаштиради.

Ташқи савдо назарияси Америка иқтисодчиси В. Леонтьевнинг «Леонтьев парадокси» номли ишида янада ривожланди. Парадокс шундаки В. Леонтьев Хекшер-Олин теоремасидан фойдаланиб Америка иқтисоди урушдан кейинги даврда капиталга нисбатан меҳнатни кўпроқ талаб қиладиган ишлаб чиқаришга ихтисослашганини кўрсатди. Бошқача айтганда, АҚШ экспорти импортига нисбатан кўпроқ меҳнатталаб ва камроқ капиталталабдир. Бу ҳулоса АҚШ иқтисодиёти ҳақидаги олдинги барча фикрларга тамоман тесқаридир. Умумий фикрга кура, АҚШ иқтисодиётида доимо капитал ортиқча эди ва Хекшер-Олин теоремасига кура АҚШ капиталталаб товарларни импорт эмас, экспорт қилишлари керак эди.

Кейинги йилларда В. Леонтьев ихтироси кенг резонанс олди. Турли давлатларнинг кўплаб иқтисодчилари «Леонтьев парадоксини» тушунтириб бу мавзуда тортишдилар. Натижада нисбий устунлик назарияси янада ривожланди. Унга техник ривожланиш ва уни тақсимланишининг тенг эмаслиги, маблағларни фирмадан ташқарида иқтисод қилиш, давлатлардаги иш ҳақининг фарқи ва бошқа тушунчалар киритилди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан халқаро савдо тез суръатлар билан ривожлана бошлади. 1950-1994 йиллар орасидаги даврда халқаро савдо обороти 14 баробар усди. Ғарб мутахассисларининг фикрича 1950 ва 1970 йиллар оралигидаги даврни халқаро савдонинг «олтин асри» деб айтиш мумкин. Айнан шу даврда жаҳон экспорти йилига ўртача 7%га усди. Аммо 70-йиллардаёқ у 55га тушди ва 80-йилларда яна камайди. 80-йилларнинг охирида жаҳон экспорти сезиларли равишда жонланди (1988й.да 8,5%).

Халқаро савдонинг барқарор усишига қатор омиллар таъсир кўрсатди:

1) халқаро меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришнинг байналмилалашувининг ривожланиши;

2) ИТИ

3) жаҳон бозорида трансмиллий корпорацияларнинг фаолияти;

4) халқаро савдонинг Тариф ва Савдо Бош Битими (ТСББ) фаолияти оркали тартибга солиниши (эркинлаштирилиши);

5) халқаро савдонинг эркинлаштирилиши, кўплаб давлатларнинг импортни сон жиҳатдан чеклашни бекор қилувчи ва божларни кескин қискартирувчи режимга ўтишлари, эркин савдо ҳудудларининг ташкил топиши;

6) савдо-иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиши: минтақавий тўсиқларнинг олиб ташланиши, умумий бозорлар, эркин савдо ҳудудларининг ташкил этилиши;

7) собик мустамлака давлатларнинг мустақилликка эришишлари. Улар орасидан ташқи бозорга йўналтирилган иқтисодиёт моделини танлаган «Янги индустриал давлатларнинг» ажралиши.

XX асрнинг иккинчи ярмидан ташқи савдо динамикасининг нотекислиги намоён бўла бошлади. Бу жаҳон бозоридаги давлатлар ўртасидаги кучлар нисбатига таъсир кўрсатди. АҚШнинг ҳукмронлиги камай бошлади. Масалан, 1950 йилда бу давлат улушига жаҳон экспортининг 1/3 қисми тўғри келган булса, 1990 йилга келиб фақат 1/8 қисми тўғри келди. Уз навбатида Германия экспорти Американикига яқинлашди ва хатто айрим йилларда ундан ошиб кетди. Германиядан ташқари бошқа Ғарбий Европа давлатларининг экспорти ҳам усди. 90-йилларда Ғарбий Европа - Халқаро савдонинг асосий марказидир. Унинг экспорти АҚШникидан қарийб 4 баробар кўп.

80-йиллардан халқаро савдо соҳасида Япония катта усишга эришди. 1983 йилда у биринчи марта машина ва ускуналар экспорти бўйича биринчи уринга чикди. Япония жаҳонда енгил ва кю автомобиллари, кундалик электротехника ва бошқаларни олиб чиқиш бўйича бошқа давлатлардан анча олдинда туради. Япония экспортининг 1/3 қисми АҚШга тўғри келади. АҚШнинг Япония билан савдодаги дефицити 90-йилларда 50-60 млрд. долл. атрофида бўлди.

80-йиллар охирига келиб Япония рақобатбардошлик омиллари бўйича илгор бўлиб олди. Бу даврда унга Осиёнинг «Янги индустриал давлатлари» - Сингапур, Гонконг, Тайвань қўшилди. Аммо 90-йилларнинг ўрталарида АҚШ яна рақобатбардошлик омиллари бўйича олдинги уринларга чикиб олди. Ундан кейин Сингапур, Гонконг, Япония бормокда. Франция-17, Хитой-34, Туркия-40

уринда. Руйхатнинг энг охирида-Греция, Мексика, Польша, Венгрия ва Венесуэла туради. Россия энг охирги 48-уринда.

Ривожланаётган давлатлар хозирча асосан хом-ашё етказиб берувчи бўлиб қолмоқдалар. Бунинг устига саноати ривожланган давлатлар жаҳон озик-овкат ва хом-ашё (нефтдан ташқари) экспортидаги улушларини оширдилар. Ривожланаётган давлатларнинг бу товарлар экспортидаги улуши 40%идан (1960й.) 28%га (1990й.) кискарди.

Ривожланаётган давлатларнинг уз экспортларини саноат товарлари ҳисобига диверсификация қилишга уринишлари саноати ривожланган давлатларнинг у ёки бу шаклдаги қаршилигига дуч келмоқда. Шу билан бирга айрим ривожланаётган давлатлар, айниқса, «янги индустриал давлатлар» уз экспортларининг реструктуралаштиришда анса муваффақиятга эришиб, унда тайёр махсулотлар, саноат махсулотлари, шу жумладан машина ва ускуналарнинг улушини кўпайтирдилар. Масалан ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон саноат экспортидаги улуши 90-йилларнинг бошида 16,3%ни ташкил этди.

Бошқа ривожланаётган мамлакатлардан фаркли равишда «янги индустриал давлатлар», айниқса, Осиёнинг турт «кичик аждархоси» (Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур) экспортларини тез кўпайтирмоқдалар. Уларнинг жаҳон экспортидаги улуши 90-йилларнинг ўрталарида 10,5%ни ташкил киларди. Охирги ун йилликда тез ривожланаётган ХХР 2,9%га етди. АҚШнинг жаҳон экспортидаги улуши 12,3%ни, Ғарбий Европаники-43%ни, Японияники-9,55ни ташкил этади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

### Энг йирик экспортёр давлатлар 1994 йилда

Давлатлар	Экспорт млрд. долл.	Жаҳон экспортидаги улуши %
АҚШ	512	12,3
Германия	421	10,1
Япония	397	9,5
Франция	236	5,7
Буюк Британия	205	4,9
Италия	189	4,5
Канада	165	4,0
Гонконг	152	3,7
Голландия	148	3,6
Бельгия/Люксембург	132	3,1
Хитой	121	2,9
Сингапур	96	2,3
Жанубий Корея	96	2,3
Тайвань	93	2,2

Испания	73	1,7
---------	----	-----

Жаҳон савдосининг энг динамик ва интенсив ривожланаётган соҳаси кайта ишлаш саноати маҳсулотлари, айниқса илмталаб товарлар билан савдодир. Илмталаб маҳсулотлар экспорти йилига 500 млрд. долл.ни ташкил қилади. Юқори технологияли маҳсулотларнинг саноати ривожланган давлатлар экспортидаги улуши 40%га яқин.

Машина ва ускуналар билан савдонинг роли сезиларли равишда усди. 1980 йилдан 1992 йилгача машина ва ускуналарнинг саноати ривожланган давлатлардан экспорти уч марта усди. Энг тез суръатлар билан электротехника ва электрон ускуналар экспорти усмокда. Улар улушига машинатехника маҳсулотлари экспортининг 25%и тўғри келади.

Халқаро савдонинг тез ривожланаётган соҳаларидан бири химия маҳсулотлари билан савдодир.

Жаҳон савдосининг XX асрнинг биринчи ярмидаги (2-жаҳон урушига қадар) ва кейинги йиллардаги структурасини ўрганишда сезиларли ўзгаришларни куриш мумкин. Асрнинг биринчи ярмида жаҳон товар айланмасининг 2/3 қисми озик-овкат, хом-ашё ва ёкилга тўғри келган булса, асрнинг охирида уларнинг улуши 1/4 қисмини ташкил этди. Кайта ишлаш саноати маҳсулотлари билан савдо қилишнинг улуши 1/3 дан 3/4 гача ошди. Нихоят 90-йиллар ўртасидаги жаҳон савдосининг 1/3 қисми машина ва ускуналар билан савдодир.

Халқаро ташкилотларнинг (БМТ, ХВФ) маълумотларига караганда 1981 йилдан 1992 йилгача бўлган даврда халқаро савдо йилига ўрта ҳисобда 5,2%га усган, Аммо 1990 йилдан бошлаб унинг усиши бир текис бўлмаё секинлашиш тенденциясига эга эди. Масалан, 1989 йилда у 8,2% булса 1993 йилда 4%ни ташкил қилди. Айна пайтда Осиё «Янги индустриал давлатларининг» ташқи савдо усиш суръатлари 10%дан ошарди.

1994 йилда халқаро савдо ҳажми 9,5%га усди. Бу эса БСТ экспертлари фикрича 90-йиллар бошидаги камайиш тенденциясидан чиқишни билдирарди. 1995 йилда халқаро савдо ҳажмининг яна ошиши бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлади (3-жадвалга қаранг).

	1987-1991йй.*	1992й	1993й	1994й	1995й	1996й
Халқаро савдонинг ҳажми млрд. долл.	-	3650	3600	4050	4700	5020
Халқаро савдо ҳажмининг усиши %	11	6	-1	12	16	7
Халқаро савдода нархлар даражасининг ўзгариши, %	5	1	-5	2	6	0
Халқаро савдо ҳажмининг усиши %**	6	5	4,0	9,5	8	7
Саноати ривожланган	6	4	2	10	8	6

давлатларда импортнинг усиши %						
Нефть экспорт қилувчи давлатларда импортнинг усиши, %	5	13	-2	-1	0	3
бошқа ривожланаётган давлатларда импортнинг усиши, %	11	13	14	11	11	10

90-йилларнинг ўрталарида жаҳон савдосининг тез усиши асосан АҚШ, Италия, Канада, Испания импортининг кескин усиши, шунингдек саноати ривожланган давлатларнинг (Япониядан ташқари) Узоқ Шарқ ва Лотин Америкасида конъюктураларининг яхшиланиши билан боғлиқдир.

Агар савдо тўсиқларини олиб ташлаш муваффақиятли давом этаверса яқин ун йил мобайнида (1996 йилдан) йилига ўртача 6%га усиб боради. Бу 60-йиллардан бошлаб энг юқори кўрсаткич. Хизматлар соҳасидаги савдо эса янада юқори суратлар билан усади, бунга информатика ва алоқанинг ривожланиши жуда катта таъсир кўрсатади.

Алоҳида давлатларнинг дунё савдоси тараккиётида аҳамиятини кўриб чиқар эканмиз, 1994 йилда дунёдаги энг катта импорт ва экспорт қилган давлат АҚШ бўлганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу давлатнинг ташқи савдо ҳажми 1,2 млрд доллардан зиёдни ташкил қилиб, бу бутун дунё умум савдо ҳажмининг 28% ни ташкил қилди. АҚШ кетидан Германия ва Япония келади (Германия- 802 млрд доллар-18,8%, Япония-672 млрд доллар-15,8%). Дунёнинг ун энг йирик савдо мамлакатларига Франция, Великобритания, Италия, Канада, Голландия, Гонконг, Бельгия(Люксембург билан биргаликда) кирдилар. Бутунжаҳон Савдо ташкилотининг ахборотиға караганда Россия экспорт бўйича 20-уринни, импорт бўйича 25-уринни эгаллайди. 1995 йилда Россия ташқи савдосининг умумий ҳажми бўйича 16-уринга чиқиб олди. Экспорт энг юқори усиш суръатлари Хитойда, буни 80-йиллар охири 90-йиллар бошларидаги кўрсаткичлар кўрсатади, шунингдек Сингапур, Чили ва Финляндияда кузатилмоқда. Марказий ва Шарқий Оврупа, бир ҳудуд сифатида, 1994 йилда Осиёдан кейин экспортнинг усиш суръатлари бўйича 2чи уринни эгаллади.

Халқаро савдодаги содир булётган жараёнларни таҳлил қилар эканмиз эркинлаштириш унинг энг асосий йўналиши эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бож туловларида сезиларли камайтиришлар юз берди, кўпгина чеклашлар, квоталар ва бошқа тўсиқлар йўқ қилинди. Бирок бир қатор муаммолар мавжуд. Уларнинг энг асосийси - протекционистик ҳаракатларнинг кўп нарсаларда бир-бирига зид бўлган иқтисодий гуруҳлар, мамлакатларнинг савдо-иқтисодий блоклари миқёсида ривож топиши.

Савдо-иқтисодий блокларнинг пайдо булишидаги биринчи кадам бу эркин савдо ҳудудларининг яратилишидир. Халқаро банкнинг ахборотларига караганда 90-йиллар арафасида дунё савдосининг 42% шундай ҳудудларда олиб

борилган. Энг машхур ҳудудлар бу - Оврупанинг эркин савдо ассоциацияси(ЕАСТ), Оврупа Ҳамжамияти(ЕС), Шимолий Америка эркин савдо зонаси(НАФТА), Осиё-Тинчokeани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти(АТЕС) ва бошқалар.

Халқаро ҳудудий савдо блокларининг энг йирик туккизтасининг таркиби куйида келтирилган:

1. Оврупа Ҳамжамияти (ЕС)-Австрия, Германия, Буюк Британия, Италия, Ирландия, Франция, Испания, Португалия, Финляндия, Швеция, Дания, Бельгия, Люксембург, Нидерландия, Греция.

2. Шимолий Америка эркин савдо ҳақидаги келишуви (НАФТА) - АҚШ, Канада, Мексика.

3. Оврўпа Эркин Савдо Ассоциацияси (ЕАСТ) - Исландия, Норвегия, Швейцария, Лихтенштейн.

4. Осиё-Тинчokeани иқтисодий ҳамкорлиги (АСЕАН) - Австралия, Бруней, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Янги Зеландия, Папуа-Янги Гвинея, Индонезия, Филлипин, Тайван, Гонконг, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Канада, АҚШ, Мексика, Чили.

5. “Меркосур” - Бразилия, Аргентина, Парагвай, Уругвай.

6. Жанубий Африка Тараққиёт кумитаси (САДК) - Ангола, Ботсвана, Лесото, Малави, Мозамбик, Маврикий, Намибия, ЖАР, Свазиленд, Танзания, Зимбабве.

7. Ғарбий Африка иқтисодий ва валюта иттифоқи (ЮЭМОА)- Кот-д`Ивуар, Буркина-Фасо, Нигерия, Того, Сенегал, Бенин, Мали.

8. Жанубий Осиё ҳудудий ҳамкорлик ассоциацияси (СААРК)- Ҳиндистон, Покистон, Шри-Ланка, Бангладеш, Мальдив ороллари, Бутан, Непал.

9. Анд пакти - Венесуэлла, Колумбия, Эквадор, Перу, Боливия.

Бундай блокларнинг тузилишига сиёсий, иқтисодий ва тарихий характердаги объектив жарёнлар сабаб бўлади. Бир томондан бундай жараёнларнинг кучайиши халқаро савдони кучайтирса (зона, блок, ҳудуд миқёсида), бошқа тарафдан- хар қандай ёпик тузилма учун хос бўлган баъзи бир тўсиқлар яратади. Ягона, глобал дунё савдо базори йўлида савдо-иқтисодий гуруҳларнинг бир-бирлари билан алоқасида вужудга келиши мумкин бўлган кўплаб тўсиқ ва қарама-қаршиликлар мавжуд.

Эркин савдо ҳудудларининг ташкил этилиши дунё хўжалигига принципал ўзгаришларни киритмайди. Мамлакатларнинг иқтисодий блокларга бирлашиши эркин савдо фикрларининг тула галабаси ёки протекционистик усулларга мағлуб булишни билдирмайди. “Эркин савдо” ёки протекционизм бирини танлаш зарурлиги муаммоси хали ҳам мавжуд. У ташқи савдо алоқаларининг бошқа бир даражасига утаяпти, бу даражада бир гуруҳ давлатларнинг учинчи давлатларга қарши куллайдиган иқтисодий сиёсатлари ҳақида суз кетади. Хатто маълум бир савдо-иқтисодий гуруҳ ичида ҳам зиддиятлар бўлади, бу зиддиятлар “Савдо урушларига” айланишлари мумкин (Масалан ЕС мамлакатлари орасида балик, узум, мой “урушлари”).

Савдо-иқтисодий блокларнинг аъзо мамлакатлари дунё бозоридаги замонавий шароитнинг қийинлиги ва муаммоларини тушунган холда бу муаммо ва қийинчиликларни ижобий хал қилиш йўлларини ахтармоқдалар.

Умум жаҳон савдо ташкилоти(ВТО)нинг бош директори Р.Руджеро ВТО нинг аъзо мамлакатларини кўп томонлама савдо тизимининг тараккиётида ҳамкорлик қилишга чақирди. Бу унинг фикрича ҳудудий тизимларни яратиш бир хил аҳамиятга эга. Тахминларга кура глобал эркин савдо зонасини яратишга 2020 йилда эришилади.

Халқаро савдони бошқариш, унинг тараккиётига бўлган тўсиқларни йўқ қилиш, уни эркинлаштишида халқаро иқтисодий ташкилотлар муҳим аҳамият касб этади. Бундай ташкилотларнинг энг асосийларидан бири бу-Тарифлар ва савдо бош битимидир (ГАТТ) дир. ГАТТ тузилиши ҳақидаги келишув 1947 йилда 23 мамлакат тарафидан имзоланди ва 1948 йилда кучга кирди. 1995 йил 31 декабрьда ГАТТ уз фаолиятини тугатди ва унинг урнига Умум жаҳон савдо ташкилоти(ВТО) барпо қилинди.

ГАТТ бу кўп томонлама халқаро келишув бўлиб, у аъзо мамлакатларнинг ўзаро савдосига алоқадор кўпгина принциплар, ҳуқуқий нормалар, савдони олиб бориш ва давлат бошқарувига оид қоидаларни уз ичига олади. ГАТТ энг йирик халқаро иқтисодий ташкилотлардан бири бўлиб, унинг фаолият доираси дунё савдосининг 94%ни камраб олади.

ГАТТнинг ҳуқуқий механизми бир қатор қонун-қоидаларга асосланган:

- савдода бир тарафнинг ҳуқуқи бўзилишини олдини олиш, куйидагиларни таъминлаш йўли билан: бир тарафдан экспорт, импорт, транзит операциялари ва улар билан боғлиқ бож ва туловлар борасида энг қулай шароит яратиш йўли билан; иккинчи тарафдан эса импорт ва миллий моллар орасида ички солиқ ва туловлар борасида, шунингдек ички савдони бошқарадиган қоидалар борасида тенг ҳуқуқликни таъминлайдиган миллий тартибни яратишда;

- энг қулай шароит , яъни келишувга киришаётган тарафлар орасида улар тарафидан учинчи давлатларга берилаётган(ёки берилижак) барча имтиёз ва устунликлардан фойдаланиш ҳуқуқини яратиш. Бу қоида товарларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши, бож туловлари, ишлаб чиқариш, денгизчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ахволига таъаллуқли;

- миллий бозорни химоя қилишда кўпроқ тариф куроллари билан фойдаланиш, импорт ва бошқа нотариф чеклашлардан воз кечиш;

- кўп томонлама музоқаралар олиб бориш йўли билан бож тарифларининг жиддий пасайтирилиши;

- ривожланаётган мамлакатлар билан савдода преференциалтизимни урнатиш;

- савдо борасида пайдо бўлган келишмовчиликларни музоқаралар йўли билан хал қилиш;

- бир-бирига савдо-сиёсий ён босишда ҳамкорлик.

ГАТТнинг фаолияти раундларга бирлашган кўп томонлама музоқаралар йўли билан олиб борилган. ГАТТнинг фаолият бошлаганидан бери 8 раунд

утказилган, уларнинг натижасида ўртача бож миқдори ун бапробар камайган. 2-чи дунё урушидан кейин улар 40%ни ташкил қилган бўлса, 90-чи йиллар ўртасида улар тахминан 4%ни ташкил қилган.

1996 йил ўртасида ГАТТга 130 мамлакат аъзо бўлган. Юқорида айтилганидай, 1996 йилнинг январидан ГАТТнинг ўрнини Халқаро савдо ташкилоти эгаллади. Уни 81 мамлакат таъсис этди. ВТО қурилишига 7 йиллик “уругвай раунди” музоқаралари сабаб бўлган. ВТОнинг бош директори Р.Роджерснинг фикрича уругвай раунди “олтин асрдаги”га тенг бўлган савдо миқдорининг ошишига олиб келади.

#### **Адабиётлар:**

- 1.Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. – Т., “Ўзбекистон”, 1995.
- 2.Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”. - Т., “Ўзбекистон”, 1992.
- 3.Шодиев Р., Р.Маҳмудов “Жаҳон иқтисодиёти”. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2005.
- 4.Ҳақимова М.А. «Халқаро иқтисодий муносабатлар» Т., “Меҳнат”, 1997.
- 5.Ҳақимова М., Хўжаев Х., Маҳмудов Б. “Халқаро иқтисодий муносабатлар”. - Т., “Ўқитувчи”, 1996.
- 6.Ўзбекистон Республикасининг “Божхона кодекси”. 1997 йил 27 декабр.

### **4-мавзу. Халқаро капитал миграцияси**

#### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Четга капитал чиқаришнинг сабаби ва моҳияти, унинг халқаро иқтисодий муносабатларнинг кўринишларидан бири эканлиги
2. Тўғри ва портфель инвестициялар.
3. Жаҳон иқтисодиётида халқаро қарзлар (заёмлар), уларнинг тутган ўрни.
4. Капитал чиқаришнинг асосий йўналишлари.
5. Жаҳон иқтисодиётида Трансмиллий корпорациялар (ТМК).
6. ТМКнинг ташкил топиши, фаолияти ва ишлаб чиқаришни байналминал-лашувдаги роли.
7. ТМКлар фаолиятининг халқаро бошқаруви.

#### **Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари).**

##### **Талаба ушбу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:**

- капитал ҳаракатининг моҳияти ва асосий шакллари билиб олади;
- замонавий шароитларда капитал ҳаракатининг хусусиятларини ўрганади;
- тўғри ва портфель инвестициялар ва уларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда тутган ўрни ҳамда кўринишларини ўрганиб олади.
- капитал чиқаришнинг асосий йўналишлари ҳақида билимга эга бўлади;
- жаҳон иқтисодиётида Трансмиллий корпорациялар (ТМК), уларнинг ташкил

топиши, фаолияти ва ишлаб чиқаришни байналминаллашувдаги ролини билил олади;

- ТМКлар фаолиятининг халқаро бошқарувини ўрганади;
- жаҳон капитал бозорида Ўзбекистон Республикасининг ўрни билиб олади.

Капитални хорижга чиқариш, унинг давлатлар орасида фаол миграцияси замонавий жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим ажратиб турувчи томонига айланди.

Капитал олиб чиқиш жаҳон хўжалигининг чуқур ривожидан товар олиб чиқиш монополиясини синдирди. Товар олиб чиқишни тулдириб ва унинг воситачиси бўлиб, капитал олиб чиқиш халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида аникловчи омилга айланмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ)нинг баҳолашига қараганда, 80-йилларда (1983 йилдан бошлаб) тутридан тўғри инвестицияларнинг йиллик ўсиши тахминан 34% ни ташкил этди, яъни, бу халқаро савдо ўсишидан қарийб 5 марта кўпроқдир.

Капитал олиб чиқиш ўзида маълум давлат миллий оборотидан бир қисм капитални олиб уни бошқа давлат ишлаб чиқариш жараёни ва оборотига товар ёки пул формасида жойлаштиришни намоён қилади. Олдинги капитал олиб чиқиш жаҳон хўжалиги перифериясига капитални экспорт қиладиган кам сонли саноати ривожланган давлатларга хос эди. Жаҳон хўжалигининг ривожланиши бу жараён доирасини сезиларли кенгайтди: капитал чиқариш ҳар қандай муваффақиятли, динамик ривожланаётган иқтисодиётнинг функцияси бўлиб қолмоқда. Капитални илгор саноати ривожланган давлатлар ҳам, ўртача ривожланган давлатлар ҳам, ривожланаётган давлатлар, айниқса “янги индустриал давлатлар ҳам чиқармоқдалар.

### ***Капитал олиб чиқиш (миграцияси) сабаблари нима?***

Капитал олиб чиқишнинг асосий сабаби унинг маълум давлатда нисбатан иисбатан" ортиқчилигидадир. Ишбилармонлик фойдаси ёки фойза олиш мақсадида у чет элга чиқарилади. Капитал экспорти ички инвестиция учун капитал етишмаган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин. 90-йиллар бошида умумжаҳон ортиқча капитал 180-200 млрд. долл-га баҳоланмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмидан капитал чиқариш тинимсиз усмоқда. Капитал экспорти ўсиш суръатлари бўйича товар экспорти ҳам, саноати ривожланган давлатлар ялпи ички маҳсулотини ҳам орқада қолдирмоқда. Капитал олиб чиқиш миқёсининг кескин кўпайиши фонида унинг халқаро миграцияси кучаймоқда.

Халқаро капитал миграцияси-капиталларнинг эгасини фойда келтирувчи, давлатлар орасидаги қарама-қарши ҳаракатдир. Ҳар бир давлат бир вақтнинг ўзида капиталнинг импортёру ва экспортёридир: кесишган инвестициялар содир булмоқда.

Катта фойда учун капитал олиб чиқишнинг энг муҳим сабаблари қуйидагилардир:

- 1) Капитал олиб чиқилаётган давлатда унинг ортиқча тупланганлиги;
- 2) Жаҳон хўжалигининг турли звеноларида капитал талаби ва таклифининг мое келмаслиги;

3) Маҳаллий бозорни монополизация қилиш имконияти мавжудлиги;

4) Капитал экспорт қилинадиган давлатда арзонрок хом-ашё ва ишчи кучининг мавжудлиги. Масалан, қайта ишлаш соҳасидаги немис ишчиси Тайванликдан 4 марта, Бразилия ва Мексикаликдан 9 марта ва Россияликдан 54 марта қимматрок “туради”.

5) Барқарор сиёсий ҳолат ва умуман қулай инвестицион муҳит.

Амалда инвестиция қилиш зарурияти ўзида инвестицион муҳитнинг барча қисмларини мужассамлаштирган сабаблар комплекси ва шунингдек айрим бозорларнинг нисбий устунлиги тамойили билан белгиланади.

Капитал олиб чиқишга сабаб булувчи ва уни рағбатлантирувчи омиллар қайсилар?

1. Капитал олиб чиқишни фаоллаштирувчи, ҳаракатлантирувчи куч миллий иқтисодийларнинг усиб бораётган ўзаро боғлиқлигидир. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви халқаро капитал ҳаракатига катга таъсир кўрсатади. Капитал экспорти, айниқса тўғридан-тўғри инвестициялар шаклида, ишлаб чиқаришни халқаро ишлаб чиқаришга айланиши, халқаро маҳсулот яратилишининг бош омилдир. Халқаро маҳсулот-глобал халқаро бозорда сотиладиган маҳсулотдир. У унификация қилинган ва географик, миллий ёки бошқа ўзига хосликлардан катъий назар сотилади (автомобиллар, самолётлар, радиоэлектроника, компьютерлар ва б.).

2. Халқаро саноат кооперацияси, трансмиллий корпорацияларнинг шубҳа корхоналарига қўйилмалари. Масалан, турли давлатларнинг алоҳида мустақил корхоналари бир халқаро корпорация доирасида соҳавий, технологик, деталли ихтисослашиш соҳаларида ҳамкорлик урнатмоқдалар. Капитал экспорти бу алоқалрни таъминлайди.

3. Саноати ривожланган давлатларнинг иқтисодий узиш суръатларини ушлаб туриш, саноатнинг илгор соҳаларини ривожлантириш, бандлик даражасини саклаш учун сезиларли ҳажмда капитал жалб қилишга йўналтирилган иқтисодий сиёсати.

4. Хорижий капитал жалб қилиш ёрдамида уз иқтисодий ривожи учун сезиларли туртки бериш, “камбағаллик доирасидан” чикиб кетишга ҳаракат қилаётган ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий ўзини тўтиши.

5. Экология омиллари сезиларли таъсир кўрсатади. Халқаро корпорациялар каттиклашаётган экологик нормалар туфайли ишлаб чиқаришни саноати ривожланган давлатлардан ривожланаётганларга кучирадилар.

6. Капитал оқимини йўналтирувчи ва тартибга солувчи халқаро молия ташкилотлари муҳим рол ўйнайдилар.

**Капитал олиб чиқишнинг асосий шакллари қайсилар?** Капитал олиб чиқиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

-саноат, савдо ва бошқа корхоналарга тўғридан-тўғри инвестициялар;

-портфель инвестициялар (хорижий облигациялар, акция, қимматбаҳо коғозларга);

-ссуда капиталининг саноат ва савдо корпорациялари, банк ва бошқа молия ташкилотларига ўрта ва узоқ муддатли кредитлари ёки заёмлар;

-иқтисодий ёрдам: текинга ва имтиёзли кредитлар шаклида (фоизсиз, кам фоизли).

Жаҳон иқтисодиётида капитал кучиши ва хорижий инвестициялар ўртасида аниқ фарк белгиланган.

Капитал кучиши қуйидагиларни уз ичига олади:

-хорижий ҳамкорлар билан операциялар бўйича туловлар, заёмлар бериш (5 йилдан ортиқ бўлмаган мулдатда), фақат капитал жойлаштириш мақсадида хорижий компанияларнинг акция, облигация ва қимматбаҳо коғозларини сотиб олиш, қимматбаҳо коғозлар портфелини диверсификация қилиш ва х.к.

Хорижий инвестициялар бу капитал қабул қилувчи давлатда компания устидан назорат урнатиш ва уни бошқаришда иштирок этиш мақсадида капитал кучиришдир. Тўғридан-тўғри инвестициялар шаклида капитал олиб чиқиш бу капитал қабул қилувчи давлат ҳудудида капитал экспортёри томонидан ишлаб чиқариш ташкил этишни билдиради. Бу шунингдек, кадрларни тайёрлаш ва уқитиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга рақобатчилик таъсирдир.

Тўғридан-тўғри инвестициялар халқаро корпорацияларнинг жаҳон хўжалигидаги ҳукмронлигининг асосини ташкил қилади. Улар корпорацияларга хорижий корхоналарга тўлиқ эгалик қилиш ёки акционерлик капиталининг амалда эгалик қилишга имкон берувчи қисмига эгалик қилишга имконият беради. Одатда, бу шундай инвестицияларки бунда хорижий инвестор компания акционерлик капиталининг 25%идан кам бўлмаган микдорига эгалик қилади. АҚШ, ГФР, Япониянинг статистикаси акционерлик капиталининг 10% ва кўпрогини ўзига олган инвестицияларни тўғридан-тутри инвестициялар деб ҳисоблайди. П.Х.Линдертнинг фикрича, «тўғридан-тўғри инвестициялар ва портфель инвестициялари орасидаги фарк аввало капитал кўйиладиган фирма устидан назорат қилиш муаммосига бориб такалади».

Хорижий инвестицияларнинг давлатлар ва саноат соҳалари бўйича тақсимланиши кўп жиҳатдан ҳозирги замон халқаро иқтисодий алоқалар структураси ва жаҳон хўжалигининг алоҳида қисмлари ўртасидаги муносабатларни аниқлаб беради. Тўғридан-тўғри инвестициялар соҳасида саноати ривожланган давлатлар илгор ҳисобланадилар. Тўғридан-тутри инвестициялар йиллик оқимининг тахминан 4/5 қисмига эгалик қилиб улар бир вақтнинг ўзида ҳам капитал экспортёри ҳам импортёри ҳисобланадилар.

1990 йилда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг хорижга чиқиши энг кўп бўлиб 234 млрд. долл-ни ташкил қилди. Шундан кейин руй берган камайиш яна усиш билан алмашди. 1995 йилда жаҳон тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 235 млрд. долл-га ошди ва 2,6 трлн. долл.га етди.

Портфель инвестициялари йирик корпорациялар, марказий ва хусусий банклар томонидан чиқариладиган облигация заёмларини молиялаштириш учун хорижий капитални жалб қилувчи муҳим манбадир. Хорижий портфель инвестициялари жалб қилишда одатда йирик инвестицион банклар воситачилик қиладилар.

Портфель инвестицияларининг ҳаракатига кўп жиҳатдан алоҳида давлатларда облигациялар учун туланадиган фоиз ставкаларидаги фарк таъсир қилади.

Урушдан кейинги даврда капитал экспорти структурасида сезиларли ўзгаришлар руй бериб жаҳон хўжалиги ривожланишининг ўзига хос томонларини намоён қилди. Улардан энг муҳими 70-80-йилларда халқаро кредитларнинг усиши ва капиталнинг кредит-молия соҳаси пайдо бўлганлигидир. Ссуда капиталининг роли кескин ошди.

Халқаро ссуда капитали бозори: а) пул бозори; б) капитал бозорига бўлинади.

Пул бозори бу всосан киска мулдатли кредитлар (1 йилгача) бозоридир. Бундай кредитлар айланма маблағлар етишмовчилигини коплаш учун ишлатилади. Капитал бозори ўзида банк кредитлари ва узоқ мулдатли кредитларни намоён қилади. Улар всосан облигациялар чиқариш ва сотиб олишни намоён қиладилар.

60-йилларда халқаро ссуда капитали бозори учун киска мулдатли кредитлар характерли эди. 70-80-йилларда ўрта ва узоқ мулдатли кредитлар ҳажми кескин кўпайди. Ўрта ва узоқ мулдатли кредитлар асосий капитални тулдириш, акциялар сотиб олиш, филиаллар ташкил қилиш, хорижий инвестицияларни куриш ва таъмирлаш учун фойдаланилади. Бош заёмчилар сифатида одатда йирик корпорациялар қатнашадилар (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

**1989-1993 йилларда жаҳон капитал бозоридаги энг йирик кредитор ва заёмчилар (натижага нисбатан % ҳисобида)**

<i>Кредиторлар</i>	<i>Заёмчилар</i>
Япония 53, Швейцария 8, Тайвань 6, Голландия 6, Германия 5,	АҚШ 27, Буюк Британия 9 Канада 8 Мексика 6 Саудия Арабистони 6

1995 йилда халқаро капитал бозорларида кредитлаш ҳажми соҳасида янги рекорд урнатилди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ)нинг малумотларига Қараганда, мулдатли ва мулдатсиз заём олишнинг барча турлари бўйича келишувлар 1994 йилдан 258 дан 388 млрд. долл.га ошди. Синдицияланган кредитларнинг молиялаштиришнинг умумий ҳажмидаги улуши 29% га етиб энг муҳим халқаро молия воситасига айланди.

80-йилларда лойихали молиялаштириш, яъни йирик кредитларни аник саноат объектлари учун бериш каби ссуда капитали шакли фаол ишлатилди. Амалда бу шакл тўғридан-тўғри инвестициялар билан бир хилдир.

Портфель инвестициялари ва кредитлар шаклида капитал олиб чиқишнинг таъсири масаласи ҳақида гапирганда унинг икки томонлама таъсирини таъкидлаш жоиздир. Бир томондан халқаро капитал кайта ишлаши таъминланади. Унинг байналминаллашуви ва молия бозорлари интеграцияси

шароитида халқаро иқтисодий алоқалар механизмининг самарадорлиги ортади. Иккинчи томондан назорат қилинмайдиган капитал оқимлари давлатлар тулов баланси барқарорлигини бўзилишига ва валюта курсларининг сезиларли ўзгаришга олиб келади. Уз навбатида хорижий капиталнинг сезиларли импорт қилиниши миллий капиталнинг сиқиб чиқарилишига олиб келиши мумкин.

Саноати ривожланган давлатлар томонидан колган дунёга текин, шунингдек имтиёзли кредитлар шаклида кўрсатиладиган иқтисодий ёрдамни жаҳон давлатларига ёрдам бериш бўйича дунёда 2-уринда (Япониядан кейин) турадиган АҚШ мисолида кўриб чиқиш мумкин. Масалан, «Хорижий давлатларга ёрдам ҳақидаги» Қонунга мувофиқ, АҚШ 1994 - молия йилида ёрдамга 13 млрд. долл. ассигнация килди (76% иқтисодий ва 24% харбий мақсадларга). Кредит олувчилар руйхатида биринчи уринда Исроил (3 млрд. долл.), иккинчи уринда Миср (2,1 млрд.долл.) туради. Ёрдамнинг 65%и текин ва 35%и имтиёзли кредитларда). Иқтисодий ёрдамнинг эълон қилинган мақсадлари АҚШ миллий хавсизлигини таъминлаш; очиқ бозор иқтисодиёти тизимини урнатишга ёрдам бериш; демократия ривожланишига ёрдам бериш.

Капитал олиб чиқишнинг замонавий ўзига хосликлари, тенденциялари 70-йиллар бошида фаоллашган ва кучаятган капитал бозорлари байналминаллашуви бозор иқтисодиётини давлатлар ўртасида доимо ошиб бораётган капитал оқими ҳажмида намоён булмокда. Бу ҳақда тўғридан - тўғри ва портфель инвестицияларининг умумий усиши, узок мулдатли ва киска мулдатли кредитлар ҳажмининг усиши, евровалюталар бозорида операциялар миқёсининг усиши ва бошқалар гувоҳлик беради. АҚШлик текширувчиларнинг маълумотларига караганда жаҳондаги молиявий капитал 1993-йилда 3 трлн. долл. га баҳоланарди (90-йиллар бошига нисбатан 3 маротаба кўп). Бу капиталлар хусусий кулларда бўлиб 7 та энг йирик саноати ривожланган давлатларнинг умумий йиллик ҳукумат бюджетининг 3/4 қисмини ташкил қилувчи суммага тенг.

Жухрофий-худудий нуктаи назардан капитал олиб чиқиш всосан саноати ривожланган давлатлардан олиб чиқилади. Саноати ривожланган давлатлар ўртасида ҳам капиталнинг фаол миграцияси руй бермокда.

Саноати ривожланган давлатлар доирасида капитал миграциясини бир неча даражада кўриб чиқиш лозим:

1)“учлик” давлатлари: АҚШ - Ғарбий Европа-Япония ўртасида; 2)алоҳида саноати ривожланган давлатлар ўртасида; 3) саноати ривожланган давлатларнинг бир хил соҳалари ўртасида.

Капитал миграцияси субъектлари нуктаи назаридан макро ва микро даражалар фаркланади. Макродаража -капиталнинг давлатлараро оқими. Статистикада у давлатларнинг тулов балансида тасвирланади. Микродаража - капиталнинг халқаро монополиялар ичида корпорациялар ички каналлари оркали ҳаракати.

Урушдан кейинги даврда Ғарбий Европа капитал миграциясининг энг интенсив региони бўлиб қолмокда. Капитал импорти бўйича Европада илгор уринни Буюк Британия эгаллайди. У амалда Европага Ғарбдан ҳам Шарқдан

ҳам келаётган хорижий инвестицияларнинг асосий қисмини эгаллаб олган. Англияда 80-йиллар охирида ЕИ даги АҚШ активларининг 40% дан ортиги ва Япония инвестицияларининг 50% дан ортиги тупланган. Хар йили 300 дан ортиқ хорижий компаниялар Англия иқтисодиётидаги инвестицияларини кенгайтирадилар. Англияда хорижий фирмалар ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 20% идан ортиги, бандларнинг 15% и, давлат қайта ишлаш саноатида қўйилган капиталнинг 21%и тўғри келади. Айти пайтда бу 300 компания Англия фирмалари умумий сонининг бор йути 2% ини ташкил қилади, холос.

Европа кишасидаги энг йирик экспортёрлар ЕИ, Скандинавия ва Швейцариядир. Уларнинг хорижий инвестициялари 1991 йилда 634 млрд. долл.ни ташкил этарди. Ғарбий Европа уз капиталларини всосан Шимолий Америкага (1985-1990 йилларда 123 млрд. долл.) ва Шарқий Европага (уша йилларда 141 млрд. долл.). Уз навбатида АҚШ бошқа саноати ривожланган давлатлар орасида жалб қилинган инвестициялар ва олиб чиқилган капитал ҳажми бўйича олдинги уриндадир. 1994 йилда хорижий фирмалар АҚШ иқтисодиётига 60 млрд. долл. куйдилар. АҚШнинг инвестицияларга бўлган ички эҳтиёжларининг қарийб 1/3 қисми капитал импорти ҳисобига копланади. Инвестицияларни ЯИМга нисбатан фоизларда ҳисоблаганда 1994 йилда энг кўп капитал Бельгия ва Люксембургга кирган, энг йирик инвестор эса Нидерландия бўлган. Шу нарса характерлики, икки регион - АҚШ ва Ғарбий Европанинг ўзаро инвестициялари бир хил илгор соҳалар: машинасозлик ва кимё саноатида қўйилади.

Жаҳон таснифида энг йирик капитал “донорлари” бўлиб 90-йиллар бошида Япония (53%), Швейцария ва Тайвань ҳисобланарди. Энг йирик «заёмчилар» эса - АҚШ (27%), Буюк Британия, Мексика ва Саудия Арабистони эди.

Капитал олиб чиқишнинг замонавий тенденциялари орасида ишлаб чиқариш капитали экспортининг ушиб бораётган аҳамиятини ажратиб кўрсатиш лозим. Ишбилармонлик фаолиятида портфель инвестициялар ктнашишдан тўғридан-тўғри инвестицияларга ўтди. 50-йиллардан бошлаб тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни казиб чиқариш саноатидан қайта ишлаш саноатида, шунингдек хозирда янги қўйилмалар йиллик ҳажмининг 50% идан ортиги тўғри келаётган хизмат соҳасига қайта йўналтирилиши руй бермоқда.

90-йилларнинг жуда сезиларли тенденцияси шундаки 1990 йилда банк заёмлари суммаси 468 млрд. долл.ни ташкил этарди, қимматли когозлар бозорида эса 756 млрд. долл.. 1993 йил охирида бу нисбат жуда кўп хусусий капитал тупланган фонд бозори ҳисобига кескин ўзгарди: 555 млрд. долл. банк пулларида нисбатан 2,3 трлн. долл. капитал бозори.

90-йилларда капитал бозорлари байналминаллашуви жараёнининг асосий хусусияти намоён бўлди. У шундан иборатки, агар 70-80- йилларда байналминаллашув жараёни асосан ривожланган бозор иқтисодиётидаги давлатларни камраб олган булса, у 90-йилларда у ривожланаётган давлатлар 1-навбатда Жануби-Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси давлатларига ҳам

тарқалди. Бу уларнинг ички молиявий салоҳияти, валюта ахволининг мустаҳкамланиши ва уларнинг кредитга лаёқатлигини усиши, миллий молия бозорларининг ривожланиши билан боғлиқ (1-диаграмага қаранг).

80 ва 90-йиллар бошининг муҳим томони ривожланаётган давлатлар ўртасида ва айниқса “янги индустриал давлатлар” ва қолган ривожланаётган давлатлар ўртасида капитал миграциясининг фаоллашуви ҳисобланади. Капиталлар бозорида ҳамон нефть экспортёрлари - давлатлар ташкилоти (ОПЕК) фаолдир. Масалан Кувайт хусусий секторининг хориждаги инвестициялари 1995-йилда 100 млрд. долл.ни ташкил этарди. Уз навбатида давлат қўйилмалари 30 млрд. долл.га етади. 90-йилларда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг рекордли ҳажмлари ривожланаётган давлатларга асосан саноати ривожланган давлатлардан келган. 1993-йилда ривожланаётган давлатлардаги тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 65 млрд. долл.ни, 1994 йилда 74 млрд. долл.ни ташкил этди. Бу 1991 йилга нисбатан 2 баробар кўп. Инвестицияларнинг асосий кўп қисми Осиё ва Лотин Америкасининг 10-15 ривожланаётган давлатида тупланган. Хитой хорижий инвестицияларни жалб қилишда анча ютуқларга эришди. Бу кўрсаткич бўйича у АҚШдан кейин иккинчи уринни эгалларди - 1993 йилда 26 млрд. долл. (1991 йилга нисбатан 6 марта кўп).

Хорижий капитални аввало Хитойнинг юқори суръатлардаги иқтисодий усиши билан таъминланган ишончлилик ва сиёсий барқарорлик жалб қилади. Хитой ЯММнинг усиши 10-135 га тенг. Хулди шунингдек Осиё «аждархо»лари ва айрим Лотин Америкаси «Янги индустриал давлатлари» ҳам гуркираб усмокдалар.

Айни пайтда камбағаллар қаторига кирувчи ривожланаётган давлатлар қатор экспертлар фикрича саноати ривожланган давлатлар инвесторлари учун озрок кизикиш уйғотадилар. Бу давлатлар ҳисобига тобора камаётган тўғридан тўғри инвестициялар оқими тўғри келади. 90-йилларда кам ривожланган давлатлар ҳисобига хорижий инвестицияларнинг 5-6%и тўғри келарди, холос.

Капитал миграциясининг замонавий тенденцияларининг муҳим томони шундаки капитал давлатларга зурлаб тикиштирилмайди, балки капитал жалб қилиш учун шавқатсиз рақобат боради. Айниқса, текстиль ва тикувчилик саноатларига капитал жалб қилиш учун ривожланаётган ва собик социалистик давлатлар ўртасида 90-йилларда Шарқий Европа ва МДХ давлатларига хорижий капитал оқими ортди. Асосий оқим Чехия, Венгрия, Полшага бормокда (6-жадвалга қаранг). Масалан, 1990-1995 йилларда бу давлатлар 2,4 млрд. долл. олдилар. Ундан 50%и Венгрияга тўғри келди. 1995 йилда Ғарбнинг Шарқий Европадаги инвестицияларининг умумий ҳажми 10 млрд. долл.ни ташкил қилди. Ундан 2 млрд. долл.ни Россия олди. Асосий қисми нисбатан яхши ҳолатда бўлган, ислохотлар йўлида илгарирок кетган давлатлар олдилар. Бу жаҳон хўжалигида хусусий капитал ҳаракатига хос бўлган умумий тенденциядир. Вақт ва уни қуйиш жойидан катъий назар сиёсий барқарорлик, минимал иқтисодий хатар, максимал фойдалилик хусусий капитал учун

ўзгармас йўналишдир. Бу фикр хусусий капиталнинг ривожланаётган давлатларда ўзини тўтиши билан ҳам тасдикланади.

**6-жадвал**

**Шарқий Европадаги тўғридан-тутри инвестициялар**

млн. долл.

	1994	1995	1990-95	1996-2000
Венгрия	1146	4400	11200	12968
Польша	1875	2500	7148	21969
Чехия	878	2500	5666	15466
Словакия	187	200	775	2150
Словения	87	150	501	3052
Албания	53	75	205	583
Болгария	105	150	412	1428
Руминия	340	400	933	4017
Бошқа Болкон давлатлари	120	100	300	2210
Балтика давлатлари	430	400	1280	1890
Россия	1000	2000	4400	26960
Украина	91	113	574	1400
Бошқа МДХ давлатлари	640	800	2300	5085
Шарқий Европа	4791	10475	27140	63847
Шарқий Европа ва собик СССР	6952	13788	35694	99186

Урушдан кейинги даврда капитал олиб чиқиш жараёнининг муҳим тенденцияларидан бири давлатнинг тартибга солувчи, назорат қилувчи, рағбатлантирувчи функциялар билан бу жараёнга фаол аралашувидир.

Саноати ривожланган давлатларнинг капитал миграциясига таъсири, масалан, миллий ва давлатлараро даражада капитал экспорт-импортини рағбатлантириш йўли билан амалга оширилади. Заём, портфель инвестициялари шаклидаги капитал кучишига нисбатан давлат сиёсати унинг ҳаракати йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш асосида курилади. Давлат тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга нисбатан иқтисодиётда миллий манфаатларни химоя қилишга қаратилган ҳар қандай чекланишларни куллаш ҳуқуқини сақлаб қолади. Характерли томони шундаки капитални хорижга олиб чиқиш, хорижий капитални олиб киришдан кура кўпроқ тартибга солинади.

Давлат қўйидаги тартибга солиш чораларидан фойдаланади:

1) Молиявий тартибга солиш усуллари: тезлаштирилган амортизация, солиқ имтиёзлари, субсидия, заёмлар бериш, кредитларни суғурталаш ва кафолатлаш;

2) Номолиявий усуллар: ер майдонлари бериш, керакли инфраструктура билан таъминлаш, техник ёрдам кўрсатиш.

Хорижий капитал қўйилмаларни тартибга солишнинг муҳим амалий ҳужжати Осиё-Тинч океани ҳамкорлик ташкилоти доирасида ишлаб чиқилган

“Кунгилли кодекс ”дир (1994 йил Жакарта). Мутахасисларнинг фикрича истикболда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) томонидан фойдаланиладиган бу “Кодекс” да куйидаги инвестицион тамайллар белгилаб берилган:

-донор давлатларга дискриминациясиз ёндашув;

-хорижий инвестициялар учун миллий режим;

-инвестицион рағбатлантиришлар соғлиқни саклаш, хавфсизлик ва атроф-муҳит химояси соҳаларибаги талабларнинг кучсизланишига йўл куймаслиги керак;

-савдо ва капитал куйишни чекловчи тартибга солувчи инвестицион талабларни минималлаштириш;

-етарли ва самарали компенсация тулаш шарти билан жамият мақсадларига ва миллий қонун ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига мувофиқ дискриминациясиз асосда экспроприациядан ташқари, инвестицияларни экспро-приация қилишдан воз кечиш;

-руйхатга олиш ва конвертация имкониятини таъминлаш;

-капитал олиб чиқилган чеклашларни олиб ташлаш;

-хорижий инвестор томонидан миллий инвестор билан тенг равишда реципиент давлат қонунларига, маъмурий қоида ва ҳолатларига риоя қилиниши;

-инвестицион лойихани амалга ошириш муносабати билан хорижий персоналга келиш ва вақтинчалик туришга руҳсат бериш;

-келишмовчиликларни консултатциялар ва музоқаралар ёки хўжалик судлари орқали хал қилиш.

Амалиёт шуни кўрсатадики, рағбатлантириш сиёсати инвестицияларни жалб қилишга бозор омилларига нисбатан камроқ таъсир кўрсатади. Иқтисодий эркинлик, бозор механизмларининг тўсиқсиз ишлаши ташқи инвестицияларни жалб қилишда муҳим критерий ҳисобланади.

Америка иқтисодчилари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий эркинликнинг интеграл кўрсаткичи у ёки бу мамлакатда давлат хужжалик субъектларига нисбатан канчалик фаол аралашининг 10 та турли хусусий кўрсаткичларининг агрегация қилинган характеристикасини намоён қилади.

Хусусий кўрсаткичлар уз навбатида бундай аралашин мумкин бўлган куйидаги соҳалардаги ҳолатни намоён қилади:

-савдо сиёсати;

-солиқ;

-монитар сиёсат;

-банк тизимининг ишлаши;

-хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш;

-мулк ҳуқуқи;

-мамлакатда ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар умумий ҳажмида давлат истеъмолининг улуши;

-иқтисодий рағбатлантириш сиёсати;

-давлатда мавжуд «кора бозор»нинг миқёси;

-нархнинг ташкил топиши ва иш ҳақини тартибга солиш.

10 кўрсаткичнинг ҳар бири бўйича давлат 1 дан 5 балгача олиши мумкин (мувофиқ равишда давлатнинг иқтисодиётга энг кам ва энг кўп аралашуви) (2-диаграммага қаранг).

Тадқиқотлар натижасига кура 1995 йилда энг эркин деб банк иши ва монетар сиёсатдан бошқа барча кўрсаткичлар бўйича бир бал олган Гонконг иқтисодиёти тан олинди. Айти пайтда Хитой юқоридаги диаграммада охириги уринни эгаллайди. Аммо бу Хитойга ҳар йили кўп миллиардли хорижий инвестицияларини жалб қилишга ҳалакит бермайди.

Халқаро капитал миграцияси жараёнларидан Россия ҳам четда эмас. Капитал олиб чиқиш муносабатида унинг урни қандай?

Россия хорижий заёмлар олишда дунёда энг йирик капитал донорларидан биридир. «Россия бизнесининг доиравий столи» маълумотларига Қараганда 90-йиллар ўртасида хориждаги ресурсларг шу жумладан, олиб чиқилган ва инвестиция қилинган долларлар, хорижий қарзларнинг умумий ҳажми йирик сумма - 700 млрд. долл. ни ташкил этади. Бунда 80-йиллар охирида бошланган «капитал экспорти» давом этмоқда.

Хорижда Россия капитали иштирокидаги минглаб фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг бир қисми Совет даврида, асосий кўпчилиги эса, охириги йилларда ташкил этилган. Баъзи фикрларга Қараганда хориждаги Россия инвестицияларининг *ҳожми* 9-10 млрд. долл.ни ташкил этади. Солиштириш учун, масалан АҚШники 1 трлн. долл.га яқин, Япония ва Буюк Британияники бир неча юз миллиард долларни ташкил этади. Аммо бой давлатларга тўғри келадиган нарса Россияж тўғри келмайди, чунки унинг ўзи хорижий молиялаштиришдан жуда манфаатдордир.

Россиянинг хориждаги ишбилармонлик инвестициялари асосан Ҳарбда, шу жумладан, оффшор марказлар ва солиқ жаннатларида жойлаштирилган. Хулди шу ерда Россия жисмоний ва ҳуқуқий шахсларининг ссуда шаклидаги хорижий капитал қўйилмалари (яъни, банк депозитлари, бошқа молиявий институтлар ҳисобидаги маблағлар ва х.к.) ҳам жойлаштирилган. Уларнинг бир қисми қиска мулдатга ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш учун жойлаштирилган. Уларнинг умумий қиймати 25-35 млрд.долл. деб баҳоланмоқда. Россиядан капитал *олиб* чиқиш икки усулда олиб борилмоқда: қонуний йўл ва «капитал қочиши» шаклини олган ноқонуний усул.

Капитални қонуний йўл билан олиб чиқиш собик СССР Министрлар Кенгашининг 1989 йил 18 майдаги 412-рақамли «Совет ташкилотларжнинг хориждаги хўжалик фаолиятини ривожлантириш ҳақидаги» қарорига асосланади. Шу муносабат билан қонуний капитал олиб чиқишга қайд қилинган қарорга мувофиқ тузилган ва хорижий корхоналар Давлат руйхатига киритилган, қатнашган барча давлат ва нодавлат корхоналари киради.

Қонуний капитал олиб чиқишга, Россиянинг мухтор банклари хорижий активларининг ошишини киритиш мумкин. 1992 йилдаёқ улар 4 млрд. доллга ошиб 1994 йилнинг бошида 20 млрд. долл.ни ташкил этди. Масалан, 1994 йилда «Менатеп» банки бир Америка банки улуш пакетининг бир қисмини

сотиб олиб, «Валмет» компаниялар гурухи хиссадорлик капиталининг 20% ига эга бўлди.

Россиядан хусусий капиталнинг асосий қисми 1989 йилда собик СССР Ҳукумати корхона, бирлашма ва ташкилотларга ташқи бозорларга тўғридан-тўғри чиқиш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сунг бошланган «капитал кочиши» доирасида олиб чиқилмоқда. Капиталнинг Россиядан кетиши 1990 йилда кучайди. Бунинг натижасида Россиянинг йўқотишларини тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтирамиз:

йиллик капитал кочиши 10-15 млрд. долл. (баъзи маълумотларга караганда, 50 млрд. долл.гача) деб баҳоланади. Таккослаш учун: 1993 йилда нефть маҳсулотлари экспорти 2-8 млрд. долл. бўлди, йиллик ёғоч экспорти - 1 млрд. долл.

Хозирги вақтда капитал кетиши жуда нозик тус олмоқда ва ҳар доим ҳам ҳаракатдаги қонунчилик доирасида назоратгал тушмайди. Бу жараен хусусан қуйидагиларни уз ичига олади:

1) Россияга утказилмаган экспорт тушуми. Фақатгина 1992 йилда унинг ҳажми 4,6 млрд. долл.ни ташкил қилди. 1994 йилда экспорт тушумининг кайтмаслиги 2 млрд. долл.ни ташкил этди. федерал бюджетга эенг кўп охиригача келмаслик нефть, нефть маҳсулотлари ва рангли металллар каби товар турларй бўйича булмоқда.

2) Экспорт нархларининг камайтирилиши ва импорт нархларининг оширилиши. Бу айниқса бартер келишувларида кўп кулланилади.

3) Кейинчалик товар етказиб бермасдан ва Россия резидентлари хорижий счетларига валюта утказмасдан калбаки импорт контрактлари\асосида аванс туловлари. Импорт операцияларида валюта кетишини экспертлар йилига 5-6 млрд. долл. деб баҳолайдилар.

4) Эркин конвертирланадиган валютани контрабанда йўли билан олиб чиқйш ва бошқаларю

«Капитал кетиши» тушунчасига баъзи иқтисодчилар ташқи савдо операциялари доирасида Россия иқтисодиёти бой берган фойда, шунингдек Россия иқтисодиёти ички оборотидаги чет эл валютасини кушишни таклиф қилмоқдалар <sup>TM</sup>Капитал кочиши<sup>TM</sup> тулов балансида «утказиб юбориш ва хатолар» молдаси бўйича ҳисобга олинади.

«Капитал кочиши» кучли инфляция, юқори солиқли ва сиёсий беқарор давлатларга хосдир, унинг ҳаммаси Россияга хосдир. Бу сабабларга давлатга ишонмаслик, давлат ичида капитал саклаш ва инвестицияси учун имтиёз ва рағбатлантиришнинг йўқлиги, давлат чегараларининг очиклиги, экспорт устидан кучсиз валюта назорати каби факторларни кушиш мумкин.

Хусусий капитал Россиядан кочиб хорижга нафақат классик сабабларга кура, балки капитал эгаларининг уни барқарор иқтисодиёт, экспроприациядан хавфсизрок жойлаштиришга ҳаракати билан олиб чиқилмоқда. Бир вақтнинг ўзида 90-йилларда жамиятимизнинг катта даражада криминаллашганлигини ёлда тутган холда, таъкидлаш керакки, «Капитал кочиши»нинг кўп қисмини ноқонуний йўл билан топилган маблағлар ташкил қилади. Хорижга олиб чиқиш

унинг учун «тозалашнинг» йўлларида бири. Бу жараён нафақат Россия, балки сезиларли криминал структуралар булгар кўплаб давлатлар учун ҳам характерлидир. Россия ҳукумати капиталнинг хорижга оқиш жараёнини чеклаш, назоратга олиш, уни каналлаштириладиган, назорат қилинадиган капитал олиб чиқишга айлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Валюта маблағлари ҳараюатини назорат қилиш-бу биринчи навбатда уларни кучйриш бўйича операцияларни амалга оширувчи банк муассасалари устидан назоратни амалга оширишдир. Россия ташқарисига бундай ҳаракат икки шаклда амалга оширилиши мумкин: нақд ва нақдсиз. Биринчи шакл - бу божхона органларига тааллуқли, иккинчиси - асосан Россия Марказий банкига.

Шунингдек, Россия корхона ва ташкилотларининг маблағлари айнан Россия банкларининг ҳисоб-китоб рақамларида туриши муҳимдир. Агар улар хорижий банкларга кетиб қолса (ҳозирда худди шу нарса руй бермоқда), бунда - назорат органларининг дастаси етмайдиган бўлади.

Назарда тўтиш керакки, ҳар қандай назорат ва тартибга солиш тизими комплекс булиши ва капитал кетиши учун янги тешиқлар пайдо бўлмаслиги учун тўлиқ бутунлигича киритилиши лозим. Капитал қочишининг олдини олиш ёки сезиларли қамайтириш бўйича комплекс тизим яратиш доирасида қуйидаги чоралар таклиф қилинмоқда. Авваламбор, Россиядаги хорижий инвестицияларининг давлат томонидан назорат қилинишини кучайтириш, уларни инвестицион муносабатда энг фойдали, қулай давлатлар, зона ва минтақаларга йўналтириш. Масалан, МДХ давлатлари, эркин иқтисодий зоналар, Осиё-Тинч океани минтақаси. Чунки Россия фирмаларининг хорижга инвестиция қилиши мақсадга мувофиқлиги умумдавлат манфаатлари билан аниқланиши лозим. Устиворлик Россия ички ишлаб чиқарилишини ривожлатирилишига берилиши керак.

«Капитал қочиши» жараёнини чеклаш қуйидаги аниқ чоралар орқали амалга оширилиши мумкин:

Товар ва хизматлар экспорти ва импорта тушумлари репатриацияси устидан ягона божхона-валюта назорати. Бартер операциялари устидан алоҳида назорат;

Капитал олиб чиқишни лицензиялаш;

Россиянинг хориждаги инвестицияларини инвентаризация қилиш, корхоналар ва капитал қўйилма ҳажмларининг ҳақиқий рақамларини аниқлаш.

Маъмурий чоралар аҳамиятини ортиқча баҳоламаслик керак, чунки корхоналарни хорижда ишлашга кизиқтирувчи нарса иқтисодий мафаатдорлиқдир ва айнан шу нарса капитал ҳаракатининг йўналиши ва характернуй белгилайди. Агар биз бирор нарсага эришишни истасак корхоналарда рубл билан ишлашга кизиқишни оширишга эришиш лозим. Хорижга «капитал қочиши» ни қамайтириш бўйича асосий чора Россияда шундай инвестицион муҳит яратиш керакки ҳам ички капитал учун, ҳам фойдали куллашни қидираётган хорижий инвестициялар учун кизиқарли булсин.

БМТ экспертларининг фикрича Трансмиллий корпорациялар (ТМК) «жаҳон иқтисодининг двигателларидир». БМТнинг трансляцион корпорациялар ҳақидаги докладларидан бири худди шундай деб номланган эди. 90-йилларнинг ўрталарига келиб жаҳонда 40 мингта ТМК мавжуд эди. Улар уз давлатларидан ташқарида 250 мингга яқин шуъба корхоналарини назорат қилардилар. Уларнинг сони охирги йигирма йил мобайнида 5 баробар кўпайди (1970 йилда 7мингта бундай фирма руйхатга олинган эди).

100та энг йирик халқаро компанияларнинг 40% мулки (шу жумладан молиявий мулки) бошқа давлатлар худудмда жойлашган. Трансмиллий корпорацияларнинг асосий қисми АҚШ, ЕИ давлатлари ва Японияда жойлашган. ТМК жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 40%игача, халқаро савдонинг ярмини назорат қиладилар. ТМК корхоналарида ишлаб чиқарилган махсулотларнинг миқдори йилига 1 трлн. долл.дан ошиб кетади. Уларда 73 млн.дан ортиқ киши ишлайди, яъни жаҳонда банд аҳолининг ундан бир қисми.

Хуш, трансмиллий корпорациялар нима, уларга канака компаниялар киради? Анъанавий равишда халқаро корпорациялар фаолиятини ўрганадиган БМТ узоқ вақт мобайнида уларга йиллик айланмаси 100 млн. долл.дан ошувчи ва камида 6 давлатда филиали бўлган фирмаларни кушарди. Кейинги йилларда бошқа бир кўрсаткич: резидент-давлатдан ташқарида сотилган махсулотлар миқдори киритилди. Бу кўрсаткич бўйича жаҳонда Швейцариянинг «Нестле» фирмаси (98%) илгорлардан бири саналади.

БМТ методологиясига кура халқаро корпорацияни унинг активлари структурасига караб ҳам аниқлаш мумкин. Трансмиллий корпорациялар ичида энг кўп хорижий активга (молия сектори-трансмиллий банклардан ташқари) Англия-Голландия концерни «Рояль-Датч шелл», кейин АҚШнинг 4 фирмаси: «Форд», «Женерат моторс», «Эксон» ва «ИБМ» эгадирлар.

Ғарб иқтисодий адабиётида халқаро монополияларнинг кўплаб турларини учратиш мумкин: кўпмиллий корпорациялар, байналмилал корпорациялар, Трансмиллий корпорациялар, глобал корпорациялар ва х.к. Ф.Котлер ташкилий тамойиллар асосида айнан ана шундай халқаро компанияларни кўрсатади.

Россиялик иқтисодчилар, одатда, қуйидаги классификацияни берадилар. Трансмиллий корпорациялар - бу хорижий активга эга бўлган миллий монополиялар. Уларнинг ишлаб чиқариш ва савдо-сотик фаолиятлари бир давлат чегарасидан чикиб кетади.

Корпорация деб АҚШда хиссадорлик жамиятини айтишади. Замонавий Трансмиллий корпорацияларнинг кўпчилиги Америка компанияларининг экспансияси туфайли вужудга келганлиги туфайли бу термин кириб келди.

Трансмиллий корпорацияларнинг ҳуқуқий режими филиаллар ва шуъба корхоналари ташкил этиш оркали турли давлатларда фаолият юритишни назарда тутаяди. Бу компаниялар нисбатан мустақил бўлган ишлаб чиқариш ва тайёр махсулотларни сотиш, илмий тадқиқот, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш хизматларига эгадирлар.

Умуман улар ягона ишлаб чиқариш-сотиш мажмуини ташкил этадилар ва бу мажмуада хиссадорлик капиталга фақат таъсисчи давлат эгалик қилады. Шу

билан бирга филиал ва шуъба корхоналари аралаш корхоналар булиши ва уларда миллий капитал устунлик қилиши мумкин.

Кўпмиллий корпорациялар (КМК) - ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотчилик асосида бир неча давлат миллий корпорацияларини бирлаштирувчи халқаро корпорациядир. Бунга 1907 йилдан буён мавжуд бўлган Англия - Голландия «Рояль-Датч шелл» концернини кўрсатиш мумкин. Бу компаниянинг hozirги капитали 60:40 нисбатда тақсимланган. Кўпмиллий корпорацияларга машинасозлик, электрон инженерияга ихтисослашган, Европада машхур Швейцария-Швеция АВВ (Asea Brown Boveri) компаниясини кўрсатиш мумкин. Европанинг илгор Кўпмиллий корпорациялари қаторига Англия-Голландия химия-технология концерни «Юнилевер»ни ҳам кушиш мумкин.

Трансмиллий ва Кўпмиллий корпорацияларга халқаро компаниялар ичида ажралиб турувчи глобал корпорацияларни (ГК) ҳам кушиш керак. Улар 80-йилларда вужудга келдирилар ва кучга кириб бормокдалар. Глобал корпорациялар замонавий жаҳон молия капиталининг бутун кудратини намоён қиладилар. Глобализацияга кўпроқ химия, электротехника, электрон, нефть, автомобиль, ахборот, банк ва бошқа бир неча соҳалар мойилдирлар.

#### ***Трансмиллий корпорациялар пайдо булишига сабаб нима?***

Улар пайдо булишининг энг умумий сабаби миллий-давлат чегараларидан чикиб кетган ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши асосида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналмилаллашувидир.

Ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналмилаллашуви йирик компаниялар томонидан хорижда уз бўлимларини ташкил этиши ва миллий корпорацияларнинг трансмиллий корпорацияларга айланиши оркали экспансия характерига эга бўлади. Капитал олиб чиқиш халқаро корпорацияларнинг шаклланиши ва ривожланишининг энг муҳим омилига айланмокда.

Трансмиллий корпорациялар вужудга келишининг аник сабаблари қаторига хаддан ошиқ фойда олишга интилишни кўрсатиш мумкин. Уз навбатиди, уткир рақобат, бу курашда тирик қолиш зарурияти ҳам халқаро миқёсда ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрацияси ва ТМК пайдо булишига олиб келди.

Жаҳон хўжалигида руй берувчи иқтисодий жараёнларнинг объектив натижаси сифатида вужудга келган трансмиллий корпорациялар каиор ўзига хос хусусиятларга эга. ТМК халқаро меҳнат тақсимотининг фаол иштирокчиси бўлиб унинг ривожланишига уз хиссаларини кушадилар.

Трансмиллий корпорациялар капиталининг ҳаракати, одатда, корпорация жойлашган давлатда бўлаётган жараёнлардан мустақил равишда руй беради.

Трансмиллий корпорациялар йирик инвестициялар ва юқори малакали персонал талаб қилувчи юқори технологияли, илмталаб соҳаларга кириб боришади. Бунда ушбу соҳаларни трансмиллий корпорациялар томонидан монополия қилиш тенденцияси сезилмокда.

80-йиллар ўрталарида капиталистик дунё саноат махсулотининг 3/4 қисми 2 мингга яқин энг йирик корпорациялар томонидан ишлаб чиқарилган.

Уларнинг бир неча юзтаси энг муҳим махсулотларнинг 50%идан 80%игача қисмини ишлаб чиқарганлар.

500 та энг кучли трансмиллий корпорациялардан 85таси барча хориждаги инвестицияларнинг 70%ини назорат қиладилар. Бу 500 гигант электроника ва химиянинг 80%, фармацевтиканинг 95%, машинасозликнинг 76% махсулотини сотадилар.

Ғарбий иқтисодчиларнинг прогнозларига кура 2000 йилда жаҳон хўжалигида 300-600 трансмиллий корпорациялар ҳукмронлиги урнатилади. Бунда 300 корпорация жаҳин ялпи махсулотининг 75%ини назорат қиладилар, уз ишлаб чиқаришлари ва хизматларини сезиларли равишда диверсификация қиладилар. Масалан, Швециянинг «Вольво» автомобиль концерни ҳозирдаёқ нафақат автомобиль чиқармоқда. Бу трансмиллий корпорация Швецияда 30 та, хорижда бир неча унта турли ихтисосли йирик шуба корхоналарига эга бўлиб, катерлар учун моторлар, авиадвигателлар, махсулотлар ва хатто миво («Припс») ишлаб чиқармоқда. Уз навбатида АҚШнинг 500 энг йирик трансмиллий корпорациялари ўрта ҳисобда 11 соҳада, энг кучлилари эса 30-50 моҳада корхоналарга эга. 100 илгор саноат фирмаларидан Англияда 96 таси, Германияда-78таси, Францияда-84таси, Италияда-90таси кўп соҳалидир.

Кучли ишлаб чиқариш базасига эга бўлган трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқаришни, товар бозорларини самарали режалаштиришни таъминловчи ишлаб чиқариш-савдо сийсатини юргизадилар. Режалаштириш боҳ компания доирасида амалга оширилади ва шуба корхоналарига тарқатилади.

Халқаро корпорациялар вужудга келиши ва ривожланишига мисол қилиб, уз кулида жаҳон кундалик электр жихозлари ва санаот ускуналари бозорининг 25%ини ушлаб турган «Электролюкс» ТМКни кўрсатиш мумкин. 1912 йилда икки швед компанияларининг бирлашиши натижасида вужудга келган «Электролюкс» 20-йиллардаёқ Австралия ва Янги Зеландия бозорига чикиб, у ерда уз ишлаб чиқаришини ташкил қилди. Охирги ун йилликда «Электролюкс» АҚШда учинчи уринда турувчи, «Вестингауз», «Гибсон» ва бошқа маркалар остида кундалик техника ишлаб чиқарувчи «Уайт Консолидейтед» компаниясини, Италия ва бутун жанубий Европада энг йирик электр товарлари ишлаб чиқарувчи «Занусси» фирмаси ва шунингдек ГФР асосий электр товарлари ишлаб чиқарувчи «АЭГ» фирмасини сотиб олди. Бу уч фирмани кушиб олганидан кейин «Электролюкс» 75 мамлакатда кундалик электротехникани ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш бўйича ривожланган тизимга эга бўлган, уз соҳасида жаҳонда лидер компанияга айланди.

90-йилларнинг ўрталарида бу трансмиллий корпорациянинг корхоналарида 110мингдан ортиқ киши ишлаб, уинг йиллик обороти 1994 йилда 16 млрд. долл.ни ташкил этди.

Уз экспансиясини кенгайтира бориб, трансмиллий корпорациялар жаҳон бозорини ўзлаштиришнинг турли шаклларида фойдаланадилар. Бу шакллар кўп жиҳатдан шартномага асосланади ва хиссадорлик капиталида бошқа фирмаларнинг қатнашишига боғлиқ эмас. ТМК иқтисодиётининг бундай

шаклларига кўпинча қуйидагилар киритилади: 1) лицензия бериш; 2) франчайзинг; 3) бошқарув шартномалари; 4) техник ва маркетинг хизматлари кўрсатиш; 5) корхоналарни «калит остида» топшириш; 6) вақт бўйича чекланган қўшма корхоналар тузиш ҳақидаги шартномалар ва алоҳида операцияларни амалга ошириш бўйича келишувлар.

Лицензион келишувлар айниқса кенг тарқалган. 1990 йилда ТМКнинг лицензион келишувларининг ҳажми 1970 йилдагига нисбатан қарийб ун баробар ошди.

Лицензион келишув юридик шартнома бўлиб, унга кура лицензиар лицензиантга бир канча муддатга маълум тулов эвазига маълум ҳуқуқлар беради. Лицензия бериш трансмиллий корпорациянинг ички фирма шартномалари бўйича ҳам, технология беришнинг ташқи каналлари бўйича ҳам амалга оширилади.

Франчайзинг-узоқ муддатга мулжалланган лицензион келишувдир. Бунда франчайзер клиент-фирмага маълум ҳуқуқлар беради. Бу ҳуқуқлар уз ичига маълум тулов эвазига савдо маркаси ёки фирма номидан фойдаланиш, шунингдек техник ёрдам кўрсатиш, ишчи кучи малакасини ошириш, савдо ва бошқариш бўйича хизмат кўрсатишни олади.

80-йилларнинг охиридан бошқару ва маркетинг хизматларини кўрсатиш каби трансмиллий корпорациялар экспансияси шакли кенг тарқалмоқда. Бошқарув хизматлари кўрсатиш бўйича шартномага кура, корхонани оператив назорат қилиш маълум тулов эвазига бошқа корхонага берилди.

Техник хизмат кўрсатиш ҳақмдаги шартномага кура трансмиллий корпорациялар ушбу фирма фаолиятининг қандайдир махсус томонига боғлиқ бўлган техник хизматларни амалга оширадидилар. Кўпинча бундай шартномалар машина ва ускуналарни ремонт қилиш, «ноу-хау»дан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар, аварияларни тугатиш ва сифатни назорат қилиш билан боғлиқ бўлади.

Заводларни «калит остида» топшириш ҳақидаги шартномалар кенг тарқалди. Бунда трансмиллий корпорация маълум объектни режалаштири ва куриш учун зарур бўлган барча (ёки асосий кўпчилик) фаолиятни амалга ошириш жавобгарлигини оладилар.

Трансмиллий корпорациялар томонидан халқаро бозорларни эгаллашнинг энг янги шаклларида бири хорижда махсус инвестицион компаниялар ташкил қилишдир. Бу компанияларнинг вазифаси ТМКнинг шубба ва ҳамкорликдаги корхоналарининг махсулотларини минтақавий бозорларга чиқаришни рағбатлантириш учун уларни инвестициялашдир. Бундай усулдан алкогольсиз ичимликларни сотиш бўйича энг йирик халқаро компаниялар «Песи-кола» ва «Кока-кола» Африкада фойдаланишади.

Трансмиллий корпорациялар замонавий жаҳон хўжалигининг муҳим иштирокчиларига айландилар.

Саноати ривожланган давлатлар учун айнан ТМКларининг хориждаги фаолияти уларнинг ташқи иқтисодий алоқаларинг характерини белгилаб беради. Бу давлатлар экспортида миллий компанияларнинг ўзларининг

хориждаги филиалларига товар етказиб беришлари ва хизмат кўрсатишларининг улуши каттадир. 80-йилларнинг иккинчи ярмида бундай фирма ичидаги савдонинг улушига АҚШ экспортининг 14-20%и, Япония экспортининг 23-29%и ва ГФР экспортининг 24-28%и тўғри келарди. ТМК жаҳондаги хусусий ишлаб чиқариш капиталининг 1/3 қисмини, хориждаги тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 90%ини назорат қиладилар.

Трансмиллий корпорацияларнинг соҳавий структураси ҳам турли тумандир. Халқар корпорацияларнинг 60%и ишлаб чиқариш соҳасида, 37%и хизматда ва 3%и казиб чиқариш ва кишлок хўжалиги соҳасида банддир.

Американинг «Форчун» журнали маълумотларига караганда жаҳоннинг энг йирик 500 корпорацияси ичида 4 мажмуа: электроника, рефтни кайта ишлаш, химия ва автомобилсозлик асосий рол ўйнайди. Улар савдоси ТМКлар фаолиятининг 80%ини ташкил этади.

Трансмиллий корпорациялар инвестицияларининг минтақавий-соҳавий йўналиши жуда характерлидир. Одатда улар, «янги индустриал давлатлар», нисбатан ривожланган ва ривожланаётган давлатлар кайта ишловчи саноатига капитал куядилар. Бунда капитал оловчи давлатлар орасида инвестичилар учун рақобатчилик кураши руй беради.

Камбагал давлатларга нисбатан сиёсат бошқача - трансмиллий корпорациялар бу ерда капитални казиб олиш соҳасига куйсаларда, аммо асосан бу ерга экспортни кучайтиришга ҳаракат қиладилар. Бу холда ТМКлар ўртасида маҳаллий бозорни эгаллаш учун кураш бошланади.

Трансмиллий корпорациялар у ёки бу давлатнинг халқаро иқтисодий алоқалар тизимидаги тақдирини аниқловчи омилга айланишмоқда. ТМКнинг фаол ишлаб чиқариш, инвестицион, савдо фаолияти туфайли улар ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни тақсимлашнинг халқаро тартибга солувчисига айланишмоқда ва хатто БМТ экспертларининг фикрича жаҳонда иқтисодий интеграциясига шароит яратишмоқда.

Трансмиллий корпорацияларнинг жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидаги фаолиятининг яхши томонларини айтганда, уларнинг фаолият кўрсатаётган давлатлар иқтисодиётига негатив таъсирини ҳам айтиб ўтиш лозим. Мутахассислар қуйидагиларни алоҳида кўрсатадилар:

-ТМК фаолият кўрсатадиган давлатларнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишга халакит бериш;

-давлат қонунларини бўзиш;

-монопол нархлар урнатиш, ривожланаётган давлатларнинг ҳуқуқини чекловчи шартларга мажбурлаш.

Умуман, трансмиллий корпорациялар- хўжаликлараро алоқаларнинг доимий эътибор, ўрганиш ва халқаро назорат талаб қилувчи етарли даражада мураккаб ва доимий равишда ривожланиб бораётган феноменидир.

### Адабиётлар

1.Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. – Т., “Ўзбекистон”, 1995.

2. Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли”. - Т., “Ўзбекистон”, 1992.
3. Шодиев Р., Р.Маҳмудов “Жаҳон иқтисодиёти”. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2005.
4. Ҳакимова М.А. «Халқаро иқтисодий муносабатлар» Т., “Меҳнат”, 1997.
5. Ҳакимова М., Хўжаев Х., Маҳмудов Б. “Халқаро иқтисодий муносабатлар”.- Т., “Ўқитувчи”, 1996.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1996 йил 30 апрел.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ва инвестицияларга қафолатлар бериш тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1998 йил 30 апрел.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1996 йил 30 апрел.

## **5-мавзу: Эркин иқтисодий ҳудудлар**

### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Эркин иқтисодий ҳудудлар моҳияти, уларни тузишдан мақсадлар ва уларнинг жаҳон хўжалиги алоқаларида тутган ўрни.
2. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг шакллари ва хусусиятлари.
3. Мажмуавий эркин иқтисодий ҳудудлар. Халқаро эркин иқтисодий ҳудудлар.
4. Эркин иқтисодий ҳудудлардаги инвестиция муҳитининг хусусиятлари.
5. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги эркин иқтисодий ҳудудлар. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий роли.

### **Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари).**

#### **Талаба ушбу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:**

- эркин иқтисодий ҳудудлар моҳияти, уларни тузишдан мақсадлар ва уларнинг жаҳон хўжалиги алоқаларида тутган ўрнини билиб олади;
- эркин иқтисодий ҳудудларнинг шакллари ва хусусиятларини фарқлайди;
- мажмуавий эркин иқтисодий ҳудудлар ва халқаро эркин иқтисодий ҳудудларнинг моҳиятини билиб олади;
- эркин иқтисодий ҳудудлардаги инвестиция муҳитининг хусусиятларини ўрганади;
- ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги эркин иқтисодий ҳудудлар ва унинг ижтимоий-иқтисодий роли ўрганиб олади.

XX аср иккинчи ярмида «эркин (махсус) иқтисодий ҳудудлар» жаҳон хўжалигининг сезиларли ҳолатига айланди. Эркин иқтисодий ҳудудлар дунёнинг кўплаб давлатларида кенг ёйилди. 90-йилларнинг ўрталарида дунёда турли хилдаги 4 мингдан ортиқ ЭИХ мавжуд эди. Ғарб мутахассиларининг фикрича 2000 йилга келиб жаҳон товар айланмасининг 30%и турли эркин

иқтисодий ҳудудларда руй беради. Халқаро корпорациялар уз фаолиятлари учун имтиёзли шароитларни қидириб, ЭИХларни кўп фойда олиш мумкин бўлган жой сифатида қуришади. Йирик халқаро корпорациялар эркин иқтисодий ҳудудларда уз ишлаб чиқаришларини ташкил қилишни экспансияларининг муҳим йўналиши деб ҳисоблайдилар.

Эркин иқтисодий ҳудудлар мамлакатнинг бошқа қисмларида ишлатилмайдиган имтиёз ва рағбатларнинг ўзига хос тизими кулланиладиган миллий иқтисодий ҳудуднинг бир қисмидир. Одатда ЭИХ жўғрофий жиҳатдан у ёки бу даражада алоҳида ҳудуддир.

Илмий мақолалар ва халқаро ташкилотларнинг маърузаларида турли хилдаги ҳудудларни «Эркин иқтисодий ҳудудлар» деб атайдилар. Аммо бу термин ушбу ҳолатнинг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Масалан, уларнинг кўпчилигида иқтисодий қоидалар, махсус маъмурий қонунлар маълум ҳуқуқий ва хўжалик режимидан озод қилмайди. У фақат тадбиркорликни рағбатлантирувчи имтиёзлар беради ва уни енгиллаштиради. Амалда давлат фақат иқтисодий жараёнларга аралашини камайтиради.

Кўплаб ривожланаётган давлатлар учун эркин ҳудудлар ҳудудда ишловчиларнинг ҳаёт даражаси, ишлаб чиқариш салоҳиятининг жамланиши, давлат ҳудудидан «ташқарида» эканлиги маъносида «махсус» ҳудудлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ҳудудларни «махсус иқтисодий ҳудудлар» дейиш тўғривроқ бўлади.

***Эркин иқтисодий ҳудудлар нима учун ташкил қилинади? Нега улар жаҳонда кенг тарқалган?***

Эркин иқтисодий ҳудудлар уларни ташкил қилувчилар томонидан очиқ иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишдаги муҳим босқич сифатида қурилади. Уларнинг фаолият кўрсатиши ташқи иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш ва эркинлаштириш билан боғланади. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг иқтисодиётининг ташқи дунёга очиқлиги катта даражада бўлади. Божхона, солиқ ва инвестицион режими эса ташқи ва ички инвестициялар учун қулайдир.

Амалда эркин иқтисодий ҳудудлар жаҳон капитал хўжалиги миқёсида миграция қилиб юрган капитал учун копкон ҳисобланади.

Мамлакат ичидаги иқтисодий жараёнларни фаоллаштиришда фойдаланиш учун хорижий капитални жалб қилишдан ташқари саноат эркин иқтисодий ҳудудларнинг яна учта вазифаси кўрсатилади:

-саноат экспортини рағбатлантириш ва шу орқали валюта маблағларини жалб қилиш;

-бандлик даражасини ошириш;

-ҳудудларни хўжалик юритишнинг янги усулларини синаш майдонига, миллий хўжалик ривожланишининг кутбига айлантириш;

Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилишнинг муҳим сабабларидан бири шундаки, кўпинча давлат иқтисодиётини капитал оқими учун тўлиқ очишни, ўзига хос инвестиция оқимини ҳамма жойда ишлатишни истамайди. Шунинг учун ҳам махсус ҳудуд сифатида қисман очиқликни ишлатади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилиш ва улар фаолиятининг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жаҳон бозори билан интеграцияни чуқурлаштириш, халқаро иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш мақсадида тузилган ҳудудлар (эркин савдо ҳудуди, экспорт ишлаб чиқарилиши, божхона ва бошқа ҳудудлар) билан бирга маълум бир фаолият шакли ва ишлаб чиқариш соҳасини рағбатлантириш учун ташкил қилинган алоҳида режимли махсус зоналар ҳам мавжуд бўлади. Масалан, колок туманларни ривожлантиришни, колик туманларни саноатлаштиришни рағбатлантирувчи махсус ҳудуд. Шунинг учун эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилишнинг сабаблари ва мақсадлари ҳар бир ҳолатда узгача бўлиб, бир-бирига ухшамаслиги мумкин. Масалан, АҚШ, Буюк Британия каби саноати ривожланган давлатларда эркин иқтисодий ҳудудлар депрессияга учраган туманларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган минтақавий сиёсатни амалга ошириш учун ташкил қилинган. Бу мақсадда тадбиркорларга (кичик ва ўрта) мамлакатнинг бошқа туманларидагига нисбатан кўпроқ фаолият эркинлиги ва сезиларли молиявий имтиёзлар бериларди. Бу дастурлар хорижий капитал жалб қилишга қаратилмаган.

Худди шу мақсадда ривожланаётган давлатларда ҳам эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилинади. Бу эса колок туманларни динамик равишда ривожланаётган туманларга айлантириш имкониятини беради. Аммо саноати ривожланган давлатлардан фаркли равишда бу мамлакатларда кўпроқ хорижий капитални жалб қилишга ҳаракат қилинади.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкилий, ҳуқуқий тизими турли-тумандир. Айрим ҳолларда у ёки бу эркин иқтисодий ҳудудни аниқ классификациялаш қийин, чунки улар кўплаб ҳудудларнинг хусусиятларига эга. Россиялик мутахассислар томонидан хўжалик ихтисолашуви - ҳудудда фаолият кўрсатаётган асосий кўпчилик фирмаларнинг ихтисолашуви бўйича классификация ишлаб чиқишган (3-схемага қара). Эркин иқтисодий ҳудудлар классификациясидаги марказий урин саноат қайта ишлаш ҳудудларига берилган.

3-жадвал

### Эркин иқтисодий ҳудудларнинг кўринишлари

№	Савдога йўналтирилганлари	Саноат ишлаб чиқаришга йўналтирилган.	Техник зоналарига йўналтирилган	Сервис йўналтирилган
1.	Эркин божхона	Импортни ўрнини босувчи	Технополис	Оффшор
2.	Бонд омборлари	Экспорт и.ч	Технопарк	Молиявий марказлар
3.	Эркин порт	Саноат парклари	Янги ва юксак технологиялар	Банк хизматлари

			и ривожлантирув чи зоналар	
4.	Эркин савдо зонаси	Макиладорас		Туристик хизматлар
				Экопарк

Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилишда иккита концептуал ёндошиш кулланилади: ҳудудий ва функционал (нуктали). Биринчи ҳолатда ҳудуддаги барча резидент корхоналар хўжалик фаолиятида имтиёзлардан фойдаланадилар. Иккинчи ёндашиш бўйича фирма мамлакатнинг қайси туманида жойлашишидан катъий назар тадбиркорлик фаолиятининг маълум кўринишлари учун кулланиладиган имтиёзли режимдан фойдаланиши мумкин.

Биринчи ёндашишга мисол қилиб Хитойдаги эркин иқтисодий ҳудудларни, «Манаус» ҳудуди (Бразилия), ривожланаётган давлатлардаги экспорт-ишлаб чиқариш ҳудудларини кўрсатиш мумкин. Иккинчи ёндашишнинг натижаси бўлиб, оффшор фирмалари, «дьюти фри» магазинлари кўрсатилиши мумкин.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг энг оддий кўринишларидан бири эркин божхона (божсиз) ҳудудлари (ЭБХ) ҳисобланади. Бу ҳудудлар эркин савдо ҳудудлари каби биринчи авлод ҳудудларига киради. Улар XVII-XVIII асрлардан буён мавжуд. Бу ҳудудларда транзит ёки кассигнацион омборлар, экспортга мулжалланган товарларни кадоклаш ва кам микдорда кайта ишлаш бўлади. Бундай ҳудудларни кўпинча бонд омборлари ёки эркин божхона ҳудудлари деб аталади. Эркин божхона ҳудудлари товар олиб кириш ва олиб чиқишда бождан озод қилинади. Улар кўплаб мамлакатларда мавжуд.

Эркин савдо ҳудудлари (ЭСХ) ҳам дунёда кенг тарқалган. Эркин савдо ҳудудлари АҚШда энг кўп ривож топган. Уларни ташкил қилиш 1934 йилдаги махсус қонунда назарда тутилган. Унинг мақсади савдони рағбатлантириш, савдо операцияларини тезлаштириш, савдо харажатларини камайитиришдан иборат.

Бундай ҳудудлар АҚШ ҳудудидаги чекланган жойлар бўлиб, улар доирасида умумий хўжалик юритиш режимига, шу жумладан ташқи иқтисодий фаолиятда нисбатан имтиёзлар урнатилган. Қонунда ҳар бир расмий порт қошида камида битта эркин ташқи савдо ҳудуди ташкил қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

АҚШ қонунчилигига мувофиқ мамлакат ҳудудидаги эркин савдо ҳудудлари умумий ва махсус (субҳудуд) ҳудудларга ажратилади. Умумий ҳудудлар кичик ҳудудда (бир неча кв. км.) жойлашадилар ва миллий бож ҳудудидан ташқарида бўладилар. Уларда киритилган товарларни омборга жойлаштириш ва кайта ишлаш амалга оширилади (кадоклаш, сортларга ажратиш ва х.к.).

Субҳудудлар фаолияти умумий ҳудуддан ташқарига чиқувчи алоҳида йирик компаниялар учун ташкил қилинади. Субҳудудларда экспорт учун ёки

импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилади. 90-йилларнинг ўрталарига келиб АҚШда 500га яқин эркин савдо ҳудудлари мавжуд эди.

Оддий эркин савдо ҳудудлари қаторига йирик халқаро аэропортлардаги махсус «дьюти фри» магазинларини кушиш мумкин. Режим нуктаи назаридан улар давлат чегараларидан ташқарида деб ҳисобланади. Эркин савдо ҳудудлари қаторига имтиёзли ҳолатга эга бўлган ананавий эркин портларни киритиш мумкин.

Саноат ишлаб чиқариш ҳудудлари иккинчи авлод ҳудудлари ҳисобланади. Улар эркин савдо ҳудудларига фақат товар эмас, капитал ҳам олиб кирилиши ва уларда фақат савдо билан эмас, ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шугулланилиши оқибатида эркин савдо ҳудудларининг эволюцияси натижасида вужудга келди.

Саноат ишлаб чиқариш ҳудудлари махсус бож режимига эга бўлган ҳудудларда ташкил қилинади. Уларда экспорт учун ёки импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқилади. Бу ҳудудлар сезиларли солиқ ва молиявий имтиёзларга эга бўладилар. Экспорт ишлаб чиқариш ҳудудлари (ЭИЧХ) айниқса ривожланаётган давлатларда кенг тарқалган. Бундай ҳудудларнинг замонавий модели 1959 йилда Ирландиянинг Шеннон аэропортида ташкил қилинган ҳудудий тизимга асосланади. Бундай ҳудудлардан «янги индустриал давлатларда» энг катта самара олинган.

Экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларини ташкил қилиш мантики ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти билан белгиланган эди. 60-йилларнинг ўрталарида бу ерда саноат экспортини рағбатлантириш ва хорижий капитал оқими ёрдамида бандлик даражасини ошириш зарурияти туғилган эди.

Техника киритиш ҳудудлари учинчи авлод ҳудудлари ҳисобланади (70-80-йиллар). Улар стихияли тарзда ҳосил бўлади ёки махсус равишда давлат ёрдамида йирик илмий марказлар атрофида ташкил қилинади. Уларда ягона солиқ ва молиявий тизимдан фойдаланувчи миллий ва хорижий тадқиқотчилик, лойиха, илмиш-ишлаб чиқариш фирмалари жамланади.

Энг кўп техника киритиш ҳудудлари АҚШ, Япония, Хитойда фаолият кўрсатмоқда. АҚШда уларни технопарклар, Японияда-технополислар, Хитойда-янги ва илгор технологиялар ҳудуди деб аталади.

Жаҳонда энг машхур ва АҚШда энг йирик «Силикон Вэлли» номли технопарк жаҳон ҳисоблаш техникаси воситалари ва компьютерлар ишлаб чиқаришининг 20%ини беради. Умуман АҚШда 80дан ортиқ бундай ҳудудлар мавжуд. Японияда махсус ҳукумат дастурлари доирасида илгор илмий ташкилотлар асосида йигирмага яқин технополислар ташкил қилинган. ХХРда ҳам бундай ҳудудлар одатда давлатнинг илм ва техникани ривожлантириш режаларини амалга ошириш пайтида ташкил қилинади. 90-йилларнинг ўрталарида Хитойда 50дан ортиқ янги ва илгор технологияларни ривожлантириш ҳудудлари ишламоқда.

Турли молия-иқтисодий, суғурта ва бошқа хизматлар кўрсатувчи фирма ва ташкилотлар учун талбиркорлик фаолиятининг имтиёзли шароитлари яратиладиган ҳудудлар сервис ҳудудлар деб аталади.

Сервис ҳудудлар қаторига оффшор ҳудудлар (ОХ) ва солиқ гаванлари (СГ) киради. ОХ ва СГ тадбиркорларни қулай валюта-молия, фискал шароитлар, банк ва тижорат сирларининг яхши сақланиши, давлат бошқарувининг камлиги билан ўзига жалб қилади.

Оффшор ҳудудда руйхатга олинган ва солиқ ва бошқа имтиёзлар олишга номзод бўлган компанияларга қўйиладиган асосий талаб - оффшор марказ жойлашган давлатнинг резиденти бўлмаслик ва бу давлат ҳудудида даромад олмасликдир. Солиқ гаванларининг оффшор ҳудудлардан фарқи шундаки, у ерда барча фирмалар (хорижий фирмалар ҳам, маҳаллий фирмалар ҳам) фаолиятнинг барча турлари ёки баъзи турлари билан шугулланишда имтиёзларга эга бўладилар. Ҳозирги пайтда жаҳонда 300 дан ортиқ оффшор марказлар мавжуд. Улардан 70таси солиқ гаванлари ҳисобланади.

Оффшор компаниялар фаолият кўрсатаётган давлатлар қаторига Лихтенштейн, Панама, Нормандия ороллари, Мэн ороллари (Британия), Антил ороллари, Гонконг, Мадейра, Либерия, Ирландия, Швейцария ва бошқалар киради. Охирги ун йилликда бўларга Мальта, Маврикия, Ғарбий Самоа, Исроил, Малайзия (Лабуан ороли) ва бошқа давлатлар қўшилди.

Оффшор ҳудудлардаги саноат, савдо, банк, суғурта ва бошқа компаниялар ё умуман солиққа тортилмайди (Ирландия, Либерия) ёки кичик микдордаги солиқлар тулайди (Лихтенштейн, Антил ороллари, Панама, Мэн ороли ва б.). Масалан, Швейцарияда нисбатан кам солиқ микдори белгиланган. Бу солиқ маълум ҳолатларда умуман туланмаслиги мумкин. Шунингдек, оффшор ҳудудлар валюта чеклашларининг йўқлиги, даромадни олиб чиқиш эркинлиги, хорижий инвесторлар учун божларнинг йўқлиги билан ажралиб туради. Оффшор ҳудудларни ташкил қилувчи давлатлар кўшимча хорижий капитал жалб қилиш, оффшор ҳудудда руйхатга олинган корхонадан фойда олиш, маҳаллий мутахассислар учун кушича иш жойлари ташкил қилиниши орқали фойда курадилар.

Одатда, оффшор бизнес банк, суғурта иши, денгиз кемачилиги, кучмас мулк билан операциялар, траст фаолияти, экспорт-импорт операциялари, консалтингда жамланади. Баъзи маълумотларга қараганда оффшор бизнесда банд бўлган капитал 500 млрд. долл.га етади. Унда қарийб 2 млн. киши қатнашади, ва ҳар йили бир неча минг янги компания руйхатга олинади.

Мажмуавий ҳудудлар алоҳида маъмурий туманлар ҳудудида умумий хўжалик юритиш режимига нисбатан алоҳида, имтиёзли режим урнатиш билан ташкил қилинади. Уларга Хийтойнинг 5та махсус иқтисодий ҳудудларини, Бразилиядаги «Мануас» ҳудудини, Аргентинадаги «Оловли ер»ни, саноати ривожланган давлатларнинг кам ривожланган ҳудудларидаги эркин тадбиркорлик ҳудудларини кушиш мумкин.

90-йилларда халқаро эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилиш жараёнлари кучайди. Масалан, Туманган (Туманцзян) махсус иқтисодий ҳудуди ташкил қилиш лойихаси мавжуд. Бу эркин иқтисодий ҳудуд Россия, ХХР, КХДР чегаралари туташган жойда барпо этилади. Лойиха 20 йилга

мулжалланган. Унинг қиймати биринчи босқичда 90-110 млрд. долл.ни ташкил этади.

Турли кўринишдаги эркин иқтисодий ҳудудларнинг ухшаш томонлари уларда ўзида тадбиркорлар учун божхона, молиявий, солиқ имтиёзлари ва умумий режимга нисбатан устунликлар бўлган қулай инвестицион иқлим мавжудлигидадир. Турли ҳудудларда имтиёз ва рағбатлантиришлар баъзи жиҳатлари билан фарк қилади.

Имтиёзлар туртга асосий гуруҳга ажратилади:

-ташқи савдо имтиёзлари. Бу алоҳида божхона-тариф режимини киритиш (экспорт-импорт божларини камайтириш ёки бекор қилиш) ва ташқи савдо операцияларини амалга ошириш тартибини соддалаштириш;

-солиқ имтиёзлари. Бунда фаолиятнинг маълум кўринишлари солиқ имтиёлари орқали рағбатлантирилади. Бу имтиёзлар солиқ базаси (даромад, мулк қиймати ва х.к.), унинг таркибий қисмлари (амортизация ажратмалари, иш ҳақиға ҳаражат, транспорт), солиқ ставкаларининг даражаси, солиққа тортилишдан доимий ва вақтинчалик озод қилиш масалалари;

-молиявий имтиёзлар. Уз ичига турли шаклдаги субсидияларни олади. Уларга коммунал хизматларнинг арзонлиги, ер майдонлари ва ишлаб чиқариш бинолари ижара ҳақини камайтириш, имтиёзли кредитлар киради;

-маъмурий имтиёзлар; Корхоналарни руйхатдан утказиш ва хорижий фуқаролар кириб-чиқишини енгиллаштириш, шунингдек турли хизматлар кўрсатиш мақсадида маъмурият томонидан махсус ҳудудлар ажратилиши.

Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилишнинг жаҳон тажрибаси уларнинг умумий ютуқлари, умумий хусусиятлари ва ривожланишининг ўзига хос томонлари ҳақида маълум бир хулосалар чиқаришга имкон беради. Саноати ривожланган давлатлардаги эркин иқтисодий ҳудудлар муваффақияти уларнинг яхши режалаштирилганлиги ва уларни бошқаришнинг мослашувчанлигига боғлиқдир. Жаҳон хўжалигидаги ҳолатнинг ўзгариб туриши эркин иқтисодий ҳудудларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади ва бу ўзгаришларга мос жавоб кайтаришни талаб қилади.

Ҳудудлар ташкил қилиш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жуда фойдалидир. Бу ҳудудлар кўплаб иш уринлари ташкил қилишди, халқаро товар айирбошлашни жонлантиришди, ташқи савдо натижаларини яхшилади, илмий-ишлаб чиқариш салоҳиятини оширди.

Ривожланаётган давлатлардаги эркин иқтисодий ҳудудлар қатор ухшашликларга эгадирлар.

Биринчидан, бу давлатларда экспорт-ишлаб чиқариш ҳудудлари кенг тарқалган. Юқорида айтилганидек, ЭИЧХ ташкил қилишга қатор иқтисодий сабаблар, авваламбор, экспорт учун саноат товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакатга хорижий капитал, илгор фан ва техника, замонавий техник ахборотлар жалб қилиш зарурияти каби сабаблар туртки бўлади.

Иккинчидан, эркин иқтисодий ҳудудлардаги хўжалик юритиш режими хорижий ишбилармонлар учун эркинрок ва имтиёзли бўлади. Бу эркин иқтисодий ҳудудлар орасида халқаро рақобатнинг кучайиши билан боғлиқ.

Учинчидан, эркин иқтисодий ҳудудлар фаолияти давомида ула фаолиятининг товар-саноат диверсификацияси руй беради. Замонавий ИТИ янги ва юқори технология ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган илмталаб ишлаб чиқариш жамланган эркин иқтисодий ҳудудларни илгор уринларга олиб чиқади.

Ривожланаётган давлатлар орасида Хитойдаги махсус иқтисодий ҳудудлар сезиларли ривожланди. 80-йилларнинг бошларида махсус ҳудудларга бирлаштирилган кичик-кичик ҳудудлар билан бошлаган Хитой ҳукумати 90-йилларнинг бошларида бундай ҳудудларни юзлаб квадрат километрга ёйди. Малакатда ва хорижда машҳур бўлган «Шеньчжен», «Чжухай», «Сямень», «Шаньтоу», «Хайнань»дан ташқари мамлакатда техник-иқтисодий ҳудудлар (йигирмадан ортик) ва янги ва юқори техникани ривожлантириш ҳудудлари - технопарклар ҳам сезиларли ривожланган. Шанхайдаги «Пудун» иқтисодий ривожланиш ҳудудига алоҳида роль ажратилган. Бу лойихага кура «Пудун» ҳудуди бир неча ун йил мобайнида Шанхайни Осиё-Тинч океани минтақасидаги йирик савдо ва молиявий марказга айлантиради.

Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилиш Хитой ҳукумати томонидан 70-йиллар охирида эълон қилинган очик ташқи иқтисодий сиёсатнинг ташкилий бир қисми бўлиб колди. Эркин иқтисодий ҳудудлар ривожлантириш моделини танлашда Хитой раҳбарияти мамлакатнинг жорий эҳтиёжлари ва бундай ҳудудлар ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларини эътиборга олди. Сингапур, Тайвань ва АҚШ тажрибаси алоҳида эътибор билан ўрганилди. Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилишга таёйргарлик даврида улар фаолиятининг бир неча вариантлари таклиф қилинди. Натижада экспортга, хорижий капитални жалб қилишга, шунингдек, ишлаб чиқариш технологиясини яхшилашга йўналтирилган ЭИХ танлаб олинди. Махсус иқтисодий ҳудудлар «очик эшиклар» сиёсатини амалга оширган холда, мамлакатнинг бошқа туманларини боғлаб турувчи родини ўйнай бошлади.

90-йилларнинг бошида ХХРнинг порт шаҳарлари, махсус иқтисодий ҳудудларида эркин божхона ҳудудлари - эркин (божсиз) савдо ҳудудлари вужудга кела бошлади. Улар Хитойлик мутахассислар фикрича бошқа давлатлардаги худди шундай ҳудудлардаги моделлар бўйича ривожлантирилади.

Хитойдаги махсус иқтисодий ҳудудлар ва бошқа имтиёзли инвестицион иклимдаги туманлар фаолиятининг амалиёти шубҳасиз муваффақиятга эришди. Хитойлик ва хорижий мутахассислар ЭИХ эришган ютуқлар қаторига аввало, барқарор иқтисодий усиш суръати, ҳудудларга кўп микдорда хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши, меҳнат унумдорлигининг сезиларли усиши ва ниҳоят, аҳоли турмуш даражасининг усишини киритишади.

Хитойдаги махсус иқтисодий ҳудудлар умуман олганда давлат мулкм устунлик қиладиган ҳолатда бозор муносабатларидан фойдаланиш бўйича

тажрибадир. Бирданига бозорга ўтиш халқ учун ва иқтисодиёт учун жиддий қийинчиликлар тугдириши мумкинлиги учун Хитой томонидан қабул қилинмади. Хитойлик иқтисодчиларнинг айтишларича Хитойнинг махсус иқтисодий ҳудудларда XXI асрда Хитой яшаши лозим бўлган иқтисодий моделларни синаб куриш полигони ҳисобланади.

Эркин иқтисодий ҳудудларларнинг турли давлатларнинг алоҳида туманлари ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасининг ривожланиши, хорижий капитал жалб қилиш ёки маҳаллий кичик ва ўрта бизнес фаолиятини жонлантиришдаги роли уларга иқтисодиётни замонавийлаштиришнинг универсал услуби сифатида карашга асос бўлмайди. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг мамлакатнинг бошқа ҳудудига таъсири жуда чекланган ҳолда қолмоқда. Саноати ривожланган мамлакатларда одатда бундай таъсирга эга булиш масаласи қўйилмайди.

Тадқиқотларга караганда, эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий капитал жалб қилишга кетадиган ҳаражат ўрта ҳисобда 1долл. хориж капиталига 4 долл.га тўғри келади. ХХРда масалан, 80-йилларнинг охиридаги 4 ЭИХдаги хорижий капитал 4 млрд. долл.ни ташкил қилган булса, Хитойнинг ўзи киритган маблағлар 22 млрд. долл.ни ташкил қилди. Амалда Хитойда ЭИХнинг инфраструктураси марказий давлат маблағлари ҳисобига вужудга келтирилди.

Эркин иқтисодий ҳудудлар муваффақияти ҳақида гувоҳлик берувчи мисоллардан ташқари уларни ташкил қилишда муваффақиятсизликка ҳам учралган. Масалан, Шри Ланка, Гватемала, Либерия, Сенегал ва бошқа давлатларда турли кўринишдаги эркин иқтисодий ҳудудлар нафақат муваффақиятсизликка учради балки умуман фаолиятини тухтатди. Бунинг асосий сабабларига сиёсий, иқтисодий, ташкилий сабабларни кўрсатиш мумкин.

Сиёсий сабаблар мамлакатдаги умумий сиёсий беқарорлик, фуқаролар келишмовчиликлари ва бошқалардир. Иқтисодий сабабларга аввало, эркин иқтисодий ҳудудлардаги инвестор нуктаи назаридан жуда мураккаб инвестицион режим ҳақидаги қонунчилик киради. ЭИХдаги бюрократик башқарув, ҳудудда инвесторларни руйхатга олишда керак бўлмаган процедуралар мавжудлиги, ҳудуд устунликларини ёмон реклама қилиниши ҳам эркин иқтисодий ҳудудлар такдирга сезиларли таъсир кўрсатади.

### Адабиётлар

- 1.Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. – Т., “Ўзбекистон”, 1995.
- 2.Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли”. - Т., “Ўзбекистон”, 1992.
- 3.Шодиев Р., Р.Маҳмудов “Жаҳон иқтисодиёти”. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2005.
- 4.Ҳакимова М.А. «Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар» Т., “Меҳнат”, 1997.
- 5.Ҳакимова М., Хўжаев Х., Маҳмудов Б. “Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар”.- Т., “Ўқитувчи”, 1996.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрида”ги Қонуни. Тошкент, 1996 йил 25 апрел.

## **6-мавзу: Халқаро ишчи кучи миграцияси**

### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Халқаро ишчи кучи миграциясининг сабаблари ва унга таъсир этувчи омиллар
2. Меҳнат миграциясининг асосий йўналишлари ва марказлари
3. Жаҳон меҳнат бозорида экспортёр ва импортёр мамлакатлар
4. Ишчи кучи миграциясининг миллий иқтисодиётга таъсири
5. Ишчи кучи миграциясининг давлат томонидан тартибга солиниши

### **Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари).**

#### **Талаба ушбу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:**

- халқаро ишчи кучлари миграцияси ва жаҳон меҳнат бозори ҳақида умумий тушунчаларга эга бўлади;
- иқтисодий назариялар ва меҳнат миграциясининг самарадорлигини билиб олади;
- замонавий жаҳон меҳнат бозорининг ҳолатини ўрганади;
- меҳнат миграциясининг асосий йўналишлари ва марказларини билиб олади;
- Жаҳон меҳнат бозорида экспортёр ва импортёр мамлакатлар ва улар иқтисодиётига ишчи кучи миграциясининг таъсирини билиб олади;
- ишчи кучи миграциясининг давлат томонидан тартибга солиниши бўйича билимларга эга бўлади.

Аҳолининг оммавий миграцияси жаҳон ҳамжамиятининг XX аср иккинчи ярмидаги ҳаётининг энг характерли ҳолатига айланди. Аҳоли миграцияси деганда инсонларнинг маълум ҳудудлар чегараларидан доимий яшаш жойини алмаштириш ёки унга қайтиш билан кучиб ўтиши тушунилади.

Халқаро (ташқи) миграция турли шаклларда мавжуд бўлади: меҳнат, оилавий, рекрецион, туристик ва бошқа турдаги миграция шакллари мавжуд. Ушбу бобда асосан халқаро меҳнат миграцияси, халқаро ишчи кучи бозори муаммоларига эътибор қаратилади. Халқаро ишчи кучи бозори миллий чегараларни кесиб утувчи турли-туман меҳнат ресурслари оқимини камраб олади. Халқаро меҳнат бозори ишчи кучининг миллий ва минтақавий бозорларини бирлаштиради. Халқаро меҳнат бозори меҳнат миграцияси шаклида мавжуд бўлади.

Жаҳон бўйича 1960 йилда 3,2 млн, 1995 йилда эса 35 млн.дан ортиқ меҳнаткаш мигрант мавжуд эди. Агар ҳар бир меҳнаткаш мигрант қарамоғида уч киши бор деб ҳисобласак, у ҳолда 90-йиллар ўртасида миграциядаги аҳоли сони 100 млн.дан ортиқни ташкил этади.

Ишчи кучи халқаро бозори бошқа жаҳон бозорлари: масалан, товар ва хизматлар, капитал бозорлари билан биргаликда мавжуддир.

Ишчи кучи миграциясига ҳам иқтисодий, ҳам ноиқтисодий характердаги омиллар сабаб бўлади. Ноиқтисодий характердаги сабабларга: сиёсий, миллий, диний, иркий, оилавий ва бошқалар киради.

Иқтисодий характердаги сабаблар алоҳида давлатлар иқтисодий ривожланиш даражасининг турличалигига бориб такалади. Ишчи кучи турмуш даражаси паст давлатлардан турмуш даражаси баланд бўлган давлатларга кучади.

Ишчи кучи миграциясини белгиловчи муҳим иқтисодий омил айрим давлатларда, аввало кам ривожланган давлатларда органик ишсизликнинг мавжудлигидир. Халқаро меҳнат миграциясининг муҳим омилли капитал олиб чиқиш, халқаро корпорацияларнинг фаолиятидир. Трансмиллий корпорациялар ишчи кучини капиталга ҳаракатини амалга ошириш ёки уз капиталларини ишчи кучи ортиқча бўлган минтақаларга кучириш оркали ишчи кучининг капитал билан қўшилишига имкон яратадилар.

Транспорт алоқа воситаларининг ривожланиши ҳам уз навбатида халқаро меҳнат миграциясининг сезиларли ривожланишига имкон яратади.

Миграцион оқимларни асосан ишчилар, қисман хизматчилар ташкил этади.

Халқаро меҳнат миграцияси олдинига стихияли ҳолат сифатида вужудга келади, аммо кейинчалик уни давлат уз бошқарувига олади. Шу билан бирга охириги пайтларгача халқаро меҳнат миграциясида бозор стихияси элементи сезиларли микдорда сакланиб қолмоқда.

XIX асрнинг ўртасида замонавий аҳоли миграцияси тарихида энг муҳим ҳолат кузатилди. XIX асрнинг 40-йилларида «картофель очлиги» натижасида Ирландиядан АҚШга миграция портлаши руй берди.

XIX аср 80-йиллар бошидаги Италия ва Шарқий Европадан АҚШга кенг миқёсдаги миграциянинг сабаби Европа бугдойининг нархи тушиб кетишида эди. Миграция оқими АҚШдаги иқтисодий конъюктуранинг кескин ёмонлашуви оқибатида секинлашди ва иқтисодий жонланиш пайтида яна кучга кирди.

Айрим Европа давлатларидаги аграр соҳада аҳолининг ортиқчалиги, ишсизлик, АҚШда меҳнат шароитларининг яхшироқлиги ва албатта, шахсий бизнес юритиш имкониятларининг катталиги, турмуш даражасининг усиши ишчи кучининг кенг миқёсдаги миграциясига сабаб бўлди.

Европадан АҚШга миграциянинг янги оқими 20-йилларда кузатилди. Юқоридаги сабабларга Европада урушдан кейин хаётнинг огирлашганини кушиш мумкин.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШга ишчи кучи миграциясининг учта оқимини кўрсатишади. Биринчидан, бу «ақлларнинг кетиши», яъни юқори малакали мутахассислар ва уларнинг оилаларининг Шимолий Америкага кетиши.

Иккинчидан, антикоммунистик кузголон бостирилганидан кейин Венгриядан (1956 йил) ва «шимолликларнинг» «жанубликлар» устидан галаба козонганидан сунг Вьетнамдан (1974-75 йиллар), ҳамда Кубадан (1980 йил) кочкинлар оқими. Учинчидан, бу жавржаги энг катта ишчи кучи оқими Мексика ва Кариб хавзаси давлатларидан эди.

Агар иккита биринчи оқимнинг сабаби сиёсий булса, охиргисининг сабаби иқтисодий эди. Мексикадан миграция қилишни истовчилар сони АҚШда кўшимча ишчиларга бўлган талаб билан мос тушади.

XIX-XX асрлардаги меҳнат миграцияси жараёнларида аҳолининг Хитойдан Жануби-Шарқий Осиё ва Шимолий Америка мамлакатларига миграцияси ўзига хос урин тутди. У асосан кучманчилик характериға эға ва 70дан 100млнғача деб ҳисобланади.

Европада ҳам иккинчи жаҳон урушидан кейин, айниқса 60-йилларнинг бошида интенсив ишчи кучи миграцияси кузатилди. Испания, Португалия, Греция, Югославия ишчи кучидан Европанинг саноати ривожланган давлатларида кенг фойдаланиларди.

Хозирги даврда хорижий ишчи кучидан фойдаланиш жаҳон хўжалиги нормал ишлашининг муҳим элементиға айланмоқда.

Халқаро ишчи кучи миграциясининг 5 та йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ривожланаётган давлатлардан саноати ривожланган давлатларға миграция;

- саноати ривожланган давлатлар доирасидаги миграция;

- ривожланаётган давлатлар орасидаги миграция;

- собиқ социалистик давлатлардан саноати ривожланган давлатларға миграция;

- илмий ходимлар, малакали мутахассисларнинг саноати ривожланган давлатлардан ривожланаётган давлатларға миграцияси.

Саноати ривожланган давлатлар учун хорижий ишчи кучи нормал ишлаб чиқариш жараёни, баъзида эса нормал кундалик хаёт учун зарур бўлган соҳалар, инфраструктуравий хизматларни ишчилар билан таъминлашни англатади.

Масалан, Францияда эмигрантлар қурилишда банд бўлганларнинг 25%ини, автомобилсозликда 1/3 қисмини ташкил этади. Бельгияда улар кончиларнинг ярмини, Швейцарияда қурувчиларнинг 40% ини ташкил этадилар.

Саноати ривожланган давлатлар доирасида мавжуд бўлган халқаро ишчи кучи миграцияси иқтисодий омилларға нисбатан кўпроқ ноиқтисодий омилларға боғлиқ. Аммо саноати ривожланган давлатлар учун ҳам «ақллар кетиши» характерлидир. Масалан, Европадан АҚШға.

Европа иттифоқи доирасидаги халқаро ишчи кучи миграциясини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин. Европа иттифоқида «ЕИХ ишчиларининг ижтимоий ҳуқуқлари хартияси» қабул қилинган (1989 йил 9 декабрда имзоланган).

«Хартиянинг» 1-бўлимида шундай деб ёзиб қўйилган: 1) «ЕИХнинг ҳар бир ишчиси жамият тартиби, хавфсизлиги ва соғлиги билан боғлиқ қоида ва чеклашларга бўйсунган ҳолда ҳамжамият ҳудуди ичида эркин кучиб юриш ҳуқуқига эгадирлар». 2) «Кучиш эркинлиги ҳар бир ишчига ЕИХда қабул қилувчи давлатдаги ишга жойлашиш, меҳнат шароитлари ва ижтимоий ҳимояга таалукли тенглик тамойиллари асосида иш ёки касб танлаш ҳуқуқини бермоги лозим».

«Хартияда» ягона иқтисодий ҳудуднинг қурилиши ижтимоий таъминоти билан мустаҳкамланиши эълон қилинади.

Айрим мутахассисларнинг фикрига қараганда ЕИ ичида эркин кучиш тамойилларини амалга ошириш юқори малакали кадрлар, инженерларнинг энг ривожланган минтақаларда тупланиб қолишига сабаб булиши мумкин. Кам малакали ишчилар кам ҳаракат бўлиб қоладилар.

ЕИ ичидаги ишчи кучи миграцияси унинг демпингини келтириб чиқариши мумкин. Масалан, Португалия корхоналари уз ишчиларини Франция ва ГФРдаги қурилишларга миллий стандартлардан паст урнатилган иш ҳақи шартлари остида юбормоқдалар.

ЕИ доирасида ишчи кучи миграцияси моделини ўрганиш келажакда МДХ меҳнат ресурслари бозори истикболини ҳисобга олишда жуда фойдали бўлади.

Охириги йилларда ривожланаётган давлатлар ўртасида ишчи кучи миграцияси кўпаймоқда. Асосан бу бир томондан «Янги индустриал давлатлар» ва араб амирликлари давлатлари, ОПЕК аъзо давлатлари ва иккинчи томондан бошқа ривожланаётган давлатлар ўртасидаги миграциядир. Масалан, урушдан кейинги йилларда (60-80-йилларда) Хитой Вьетнам ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг бошқа давлатларидан Гонконгга миграция оқими айниқса сезиларли эди. Сингапур ҳам ишчи кучини фаол импорт қиларди. Масалан, Кувайт ва Саудия Арабистонида Яманлик 1 млнга яқин ишчи ишларди. Бу миграция асосан иқтисодий сабаблар: ишчи кучини импорт қилувчи давлатларда ҳаётнинг, иш ҳақининг юқори даражадалиги билан белгиланарди. Бундан ташқари Осиёнинг «Янги индустриал давлатларида», Форс курфазининг бой давлатларида доимий равишда паст малакали ишчи кучи етишмасди.

Саноати ривожланган давлатлардан ривожланаётган давлатларга ишчи кучи миграцияси ҳам мавжуд. Асосан бу Европа ва Шимолий Америка давлатларидан ривожланаётган давлатларга нисбатан кичик бир малакали кадрлар оқимидир. Бу миграциянинг сабаблари иқтисодий (укув юртлари уқитувчилари, инженерлар, инструкторлар ва бошқаларнинг юқори маошлари, масалан, ОПЕК давлатларида) ва шунингдек кундалик сабаблар (дунёни куриш, ўзини синаб куриш ва х.к.).

Собик социалистик давлатлар, ҳамда МДХ доирасидаги ишчи кучи миграцияси ҳақида алоҳида айтиш керак. Узвақтида собик СССР Болгария, Вьетнам, Шимолий Кореядан ишчи кучини импорт қиларди. Россия давлати вужудга келиши билан бўларга Хитойлик ишчилар қўшилди. Хозирги вақтда, расмий маълумотларга қараганда Россияда 40 минг Хитойлик ишчи меҳнат қилмоқда. Хитойдан Россия тартибли ишчи кучи миграциясидан ташқари

стихияли оқим ҳам мавжуд. Баъзи Россиялик мутахассисларнинг баҳолашича Россия Узоқ Шарқи ва Сибирини кўп аҳолили кушниси «колонизация қилиб олиши» хавфи мавжуд. Россия пойтахтида ишчи кучининг кўп микдорда ркиб келиши кузатилмоқда. Мрсквада 78 мамлакатдан келган ишчи ва мутахассислар ишлайди. Иммигрантлар Москва курувчиларининг 46% ини, шаҳар транспорти хизматчиларининг 34% ини ташкил этадилар.

90-йилларнинг бошида Россияда яқин хориж: Украина, Белоруссия, Молдовадан ишчи кучи миграцияси кучайди. Бу миграциянинг сабаби иқтисодийдир - бу давлатдан ишчилар пул ишлаш учун келадилар. Москвага ишчи кучи экспортёрларининг асосийлари: Украина - 32%, Туркия-22%, Югославия-8%, Молдова-4%, Белоруссия-3%.

Россия корхоналарига хорижлик ишчиларни жалб қилишнинг асосий сабаблари айрим касб ва мутахассисликлар бўйича ишчиларнинг етишмаслиги ва шунингдек маҳаллий аҳолининг таклиф қилинган ишни бажаришни хохламаслигидадир.

Хорижлик ишчиларни жалб қилишнинг бошқа сабабларидан бири мавжуд корхоналар жамоасини сақлаб қолиш зарурлигидадир. Бу айниқса Шимолий Россиянинг нефтегаз ва нефть казиб олиш саноати корхоналарига таалуклидир. Узоқ йиллар мобайнида бундай объектларнинг кадрлари нафақат маҳаллий аҳолини тайёрлаш оркали, балки ишчиларни ташкилий йигим оркали жалб қилиш (асосан Украинадан) билан тупланарди.

Иқтисодий фойда чегара олди районларида яқин хорижлик ишчилардан фойдаланишнинг асосий сабабларидан биридир. Аввало, ишчи кучини олиб келиш учун транспорт ҳаражатларининг камлигидир.

***Ишчи кучини импорт ва экспорт қилувчи давлатларга ишчи кучи мигарацияси қандай таъсир кўрсатади?***

Ишчи кучи олаётган давлатлар қуйидаги афзалликларга эга бўладилар:

-хорижий ишчи кучининг арзонлиги туфайли ишлаб чиқариш ҳаражатларининг камайиши оркали мамлакат томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобатбардошлиги ошади;

-хорижий ишчилар борган давлатларида товар ва хизматларга қўшимча талаб тугдириб, ишлаб чиқаришнинг усиши ва қўшимча бандликни рағбатлантирадлар;

-қабул қилувчи давлат малакали кадрларни импорт қилиб таълим ва профессионал тайёргарлик соҳаларида маблаг тежайди;

-хорижий ишчилар инкирозлар ва ишсизлик рўй берганда маълум амортизатор сифатида кўрилади. Улар биринчи навбатда ишдан бўшатилиши мумкин;

-хорижий ишчилар пенсия билан таъминланмайдилар ва турли ижтимоий дастурларни амалга оширишда эътиборга олинмайдилар.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) эмигрантлар қариликдан қийналаётган ривожланган давлатларда демографик аҳволни яхшилайдилар деб ҳисоблайди. Франция, Германия, Швецияда барча янги

туғилганларнинг 10%и, Швейцарияда-24%и, Люксембургда қарийб 38%и кўчиб келганларнинг оиласида туғилади.

Ишчи кучи импорти билан боғлиқ бўлган негатив ҳолатларни ҳам айтиб ўтиш зарур. Уларга жамиятда ижтимоий кескинлик элементлари (махаллий ишчилар ишлашни хоҳлайдиган иш жойлари банд бўлганда), миллатлараро келишмовчиликлар ва бошаларнинг пайдо булишини киритиш мумкин.

Ишчи кучини экспорт қилувчи давлатлар ҳам уз навбатида қатор афзалликларга эга бўладилар. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

Ишчи кучи экспорти давлатга конвертирланган валюта олиб келувчи муҳим манба ҳисобланади.

ХВФнинг маълумотларига караганда фойданинг ўртача миқдори товар экспортида 20%ни, хизматларда-50%ни ташкил этади. Ишчи кучи экспортида эса бу анча юқоридир. Масалан, собик Югославия 80-йилларда йилига товар ва хизматлар экспортидан 10 млрд. долл. оларди, ундан 2,5 млрд.ди соф фойда эди. Ишчи кучи экспортидан давлат фақат пул кучиришлар орқали 3,5 млрд. долл. оларди. Ишчилар уйларига кайтганларидан сунг эса яна шунча оларди. Ишчи кучи экспорти амалда Югославия учун валютанинг асосий манбаси эди.

90-йилларда ишчи кучи экспортидан фойда олиш ривожланаётган давлатларда энг тез суръатларда бормоқда- йилига 10%. Ушбу манбадан хар йили сезиларли маблағ олаётган кўплаб ривожланаётган давлатлар меҳнат хизматларига ихтисослаша бошладилар. Бунинг экспорти ушбу мамлакатлар учун муҳим валюта манбаига айланди. Масалан, Миср Араб Республикаси 80-йилларнинг охирида Сувайш каналидан йилига 970млн. долл., туризмдан-600 млн. долл., эмигрантларнинг пул кучиришларидан-3 млрд. долл. фойда оларди. Яманда эмигрантларнинг пул кучиришлари айрим йилларда экспорт тушумларидан 30 марта кўпроқ бўлган. 90-йилларнинг бошидаги маълумотларга караганда, 40га яқин мамлакат мигрантлардан камида 100 млн. долл., 10та давлат 1млрд. долл.дан ортиқ олардилар.

Ишчи кучи миграцияси давлатда ортиқча иш кучининг босимини камайтиради ва натижада давлатдаги ижтимоий кескинликни камайтиради.

Экспортёр давлат учун бепул равишда ишчиларни янги профессионал тажрибаларга ургатиш, меҳнатни ташкил қилишнинг илгор усуллари билан таништириш.

Айни пайтда ишчи кучи экспортёрлари баъзи негатив ҳолатларга ҳам дуч келадилар. Асосийси - «аклларнинг кетиши», миллий иқтисодиётга жуда керак бўлган малакали, ташаббускор кадрларнинг кетиб қолишидир.

Хозирги замондаги ишчи кучи тортиш марказлари.

Иккита ишчи кучи тортиш марказлари бўлиб анъанавий равишда АҚШ ва Ғарбий Европа ҳисобланади.

АҚШга келганда бу мамлакатнинг меҳнат ресурслари доимо иммигрантлар ҳисобига тулдирилган. 50-йилларда АҚШ хозирги кунгача давом этаётган юқори малакали кадрларни жалб қилиш сиёсатини юргизмоқдалар. Хозирги вақтда ҳам АҚШ ишчи кучини тортиш маркази бўлиб қолмоқда. Кам ва ўртача

малакали ишчилар ҳам кўп жалб қилиняпти (айниқса Мексикадан). Бўлар хозирда АҚШдаги иммигрантларнинг асосий қисмини ташкил этишмоқда.

Ишчи кучини тортувчи бошқа бир анъанавий марказ бу Ғарбий Европадир. Еида хозирда 13 млн. мигрант ва уларнинг оила аъзолари мавжуд.

80-йилларда хорижий ишчилар бандлиги структурасида баъзи бир ўзгаришлар руй берди. Аммо ЕИ давлатларига мигрантлар оқими деярли тухтамади.

60-70-йилларда ривожланган капитализмнинг янги марказлари вужудга келиши билан янги ишчи кучи тортиш марказлари шаклланди.

Бундай марказлар қаторига Яқин Шарқдаги нефть казиб олувчи давлатлар - Бирлашган Араб Амирликлари, Катар, Кувейт, ва бошқалар киради. Масалан, 90-йилларнинг ўрталарида фақат Саудия Арабистонининг ўзида бутун дунёдан келган 4 млн.га яқин меҳнат мигрантлари бор эди. Улар бу бой нефть казиб олувчи давлатда ишлаб чиқариш, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида банд эдилар.

Бу минтақага Жанубий ва жануби-Шарқий Осиё, шунингдек баъзи араб давлатларидан кўплаб мигрантлар келмоқдалар. Бу минтақада Миср асосий ишчи кучи экспорттери ҳисобланади. Қатор араб давлатлари бир вақтнинг ўзида ҳам ишчи кучи импорттери ҳам экспортёри ҳисобланадилар. Улар қаторига Яман, Ирок, Ливия киради.

Австралия ҳам муҳим ишчи кучи тортиш маркази бўлиб қолмоқда. Мамлакатда 200 мингга яқин хорижий ишчилардан фойдаланилади.

Жанубий Африка ишчи кучи тортиш марказларидан бирига айланиб бормоқда. Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари, айнқса, «Янги индустриал давлатлар» янги ишчи кучи тортиш марказлари сифатида кучга кирмоқдалар. Тайвань матбуотининг маълумотларига караганда 90-йилларда бу мамлакатга 100 мингта ишчи ва 20 мингта инженер ва техник хизматчилар керак эди.

60-йилларда Лотин Америкасида ишчи кучи тортиш марказлари шакллана бошлади. Бу ерда ишчиларни асосан Аргентина ва Венесуэла жалб қилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Шодиев Р., Р. Маҳмудов “Жаҳон иқтисодиёти”. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2005.
2. Ҳақимова М. А. «Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар» Т., “Меҳнат”, 1997.
3. Ҳақимова М., Хўжаев Х., Маҳмудов Б. “Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар”. - Т., “Ўқитувчи”, 1996.
4. Авдокушин Е. Ф. Международные экономические отношения. Учебное пособие. М. 1996.
5. Алимов А. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее. Т., «Ўзбекистон», 1992.

## **7-мавзу: Халқаро валюта-кредит муносабатлари**

### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Валюта муносабатлари - халқаро валюта-молия тизимининг асосий элементи
2. Валюта бозорлари, уларнинг функциялари, кўринишлари
3. Халқаро кредит муносабатларининг моҳияти ва аҳамияти
4. Сузувчи ва қайд қилинган валюта курслари ва уни белгиловчи омиллар
5. Валюта операциялари ва унинг кўринишлари.
6. Валюта чекловлари ва уларнинг кўринишлари.
7. Халқаро кредит муносабатлари.
8. Савдо, ҳисоб-китоб ва тўлов баланслари.
9. Халқаро кредитнинг ХИМдаги роли ва унинг шартлари.
10. Жаҳон кредит бозорлари.

### **Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари).**

#### **Талаба ушбу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:**

- валюта муносабатлари - халқаро валюта-молия тизимининг асосий элементини ўрганади;
- валюта бозорлари, уларнинг функциялари, кўринишлари бўйича билимга эга бўлади;
- халқаро кредит муносабатларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниб олади;
- Сузувчи ва қайд қилинган валюта курслари, валюта курси ва уни белгиловчи омилларни ўрганади;
- валюта операциялари ва унинг кўринишлари, «Своп», «форвард», «спот» операциялари ва қимматли қозғалар арбитражи ҳақида тушунчаларга эга бўлади;
- валюта чекловлари ва уларнинг кўринишлари, халқаро кредит муносабатлари, савдо, ҳисоб-китоб ва тўлов баланслари ҳақида билимларга эга бўлади;
- халқаро кредитнинг ХИМдаги роли, кредит шартлари, жаҳон кредит бозори, кредит муносабатларининг асосий тамойиллари кабиларни билиб олади.

XX аср ўрталарида халқаро иқтисодий, молиявий ва валюта муносабатлари ривожланиши янги кучланиш олди. Очиқ иқтисодиёт куришининг умумий тенденцияси савдо айирбошлашувининг тезлашишига, халқаро молиялаштиришнинг ривожланишига, янги валюта бозорларини ҳосил булишига, турли мамлакатлар орасида валюта-молия муносабатларининг кенгайишига имкон беради.

Валюта муносабатлари пулнинг жаҳон пули функцияси билан боғлиқ, бўлган иқтисодий муносабатларни намоён қилади. Пул жаҳон пули сифатида ташқи савдо ва хизматлар, капитал миграцияси, фойданинг нивестициялари кучайиши, заём ва субсидиялар бериш, илмий-техник алмашув, туризм, давлат ва хусусий пул кучиришларига хизмат қилади.

Валюта муносабатлари миллий ва халқаро даражаларда амалга оширилади. Миллий даражада улар Миллий валюта тизимлари (МВТ) соҳасини камраб олади. Миллий валюта тизими бу валюта қонунчилиги билан белгиланадиган давлат валюта муносабатларини ташкил қилишнинг шаклидир. МВТнинг ўзига хос томони у ёки бу давлат иқтисодиётининг, шунингдек ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиш даражаси ва ўзига хослиги билан аниқланади.

Миллий валюта тизими қуйидагилар билан характерланади:

- миллий валюта бирлиги;
- расмий олтин ва валюта захираларининг таркиби;
- миллий валюта паритети ва валюта курси шаклланишининг механизми;
- валюта кайтиши шароитлари;
- валюта чекланишларининг мавжудлиги ёки йўқлиги;
- давлатларнинг ташқи иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга ошириш тартиби ва бошқалар.

Миллий валюта тизимларини боғловчи звено бўлиб валюта курси ва паритет хизмат қилади. Валюта курси алоҳида мамлакатлар валюталари нисбати ёки маълум давлат валютасининг бошқа давлатлар валютасида ҳисобланган “нархи”ни намоён қилади.

Паритет - валюталарнинг улардаги олтинга мос келувчи нисбатидир. Аммо валюта курси амалда ҳеч қачон паритет билан мос келмайди.

Халқаро валюта тизими (ХВТ) жаҳон хўжалиги доирасида валюта муносабатларини ташкил қилишнинг шакли ҳисобланади. У жаҳон капиталистик хўжалиги эволюцияси натижасида пайдо бўлади ва ҳуқуқий жиҳатдан давлатлараро келишувлар билан расмийлаштирилган.

Халқаро валюта тизимининг асосий элементлари қуйидагилардир:

- валюта бирликларининг миллий ва коллектив захиралари;
- халқаро ликвидли активларнинг таркиби ва структураси;
- валюта паритетлари ва курслари механизми;
- валюталарнинг ўзаро алмашув шартлари;
- халқаро ҳисоб-китоб шакллари;
- халқаро валюта бозори ва жаҳон олтин бозори режими;
- валюта-молия ташкилотлари (ХВФ, ХТТБ ва б.) ни тартибга солувчи давлатлараро валюта-кредит ташкилотларининг мақоми.

Халқаро валюта тизимининг асосий вазифаси - муҳим иқтисодий усишни таъминлаш; инфляцияни камайтириш, ташқи иқтисодий алмашув ва тулов оборотининг тенглигини куллаб-қуватлаш учун халқаро ҳисоб-китоблар ва валюта бозори соҳасини тартибга солишдан иборат.

Халқаро валюта тизими - динамик, ривожланаётган тизим. У доимо ўзгаради, ривожланади. ХВТ эволюциясининг йўналиши Ғарб давлатлари иқтисодий ўзгаришининг илгор тенденциялари, умуман жаҳон хўжалигининг шароитлари ва талаблари ўзгариши билан аникланади. Уз ривожланишида Халқаро валюта тизими мос равишда туртта халқаро валюта тизимларини намоён қилувчи турт босқични босиб ўтди.

Олтин стандарт деб аталувчи биринчи тизим стихияли равишда XIX аср охирида вужудга келди. Унда қатор давлатларнинг валюталари уз давлатларининг ички бозорида эркин равишда олтинга айланарди. Олтин стандарт тизими қуйидагилар билан ажралиб туради:

- валюта бирлигининг маълум олтин қийматига эгаллиги;
- валютанинг олтинга конвертацияланиши алоҳида бир давлатнинг ичида ҳам ташқарисида ҳам таъминланади;
- олтин қўймалар эркин равишда тангаларга алмаштирилиши мумкин; олтин эркин экспорт ва импорт қилинади, халқаро олтин бозорларида сотилади;
- миллий олтин захираси ва ички пул таклифи ўртасида кучли нисбатнинг сакланиши.

Олтини стандартга асосланган халқаро ҳисоб-китоблар механизми кайд қилинган курсни урнатади. Олтин танга, олтин қўйма, олтин девиз стандартлари олтин стандартларнинг турларидир. Олтин стандартнинг бир туридан иккинчисига эволюцион ўтиш халқаро капиталистик тизимининг ривожланиши мобайнида руй берарди.

Капиталистик хўжалик фаолиятининг аста-секин мураккаблашуви, жаҳон хўжалиги алоқаларининг кенгайиши ва чуқурлаши, даврий равишда такрорланаётган иқтисодий инқирозлар иқтисодий тартибга солишни, давлатнинг иқтисодий жараёнларни бошқаришга аралашувини кучайтиришни объектив заруратга айлантди. Давлатнинг иқтисодийга аралашувининг кучайтириб бориш билан эркин рақобатчилик капитализм ривожланишининг аломатларига жавоб берувчи олтин стандарт механизму билан аникландиган кайд қилинган валюта курси тартибга солинувчи бир-бири билан боғлиқ валюта курслари тизимига ўзгара бошлади.

Иккинчи тизим - Генуя конференцияси (1922й.) қарорлари натижасида вужудга келган - олтин-девиз стандарти тизимидир. Кейинчалик у кўпчилик капиталистик давлатлар томонидан тан олинган. Бунда банкноталар олтин эмас, балки кейинчалик олтинга алмаштирилиши мумкин бўлган бошқа давлатлар девизи (банкнота, вексель, чеклар)га алмаштирилади. Девиз валюта сифатида доллар ва фунт стерлинг танланди.

Олтин-девиз стандарти амалда тартибга солувчи валюта курслари стандарти тизими аввало олтин валюта стандарти тизимига ўтиш пиллапоysi бўлди.

Олтин-валюта стандарти тизими 30-йилларда ташкил топди ва 50-йиллар охирида тўлиқ шаклланди. Бу тизим шароитида коғоз пуллар олтинга алмаштирилмайдиган бўлди.

1944 йилда бўлган Бреттон-Вудс (АҚШ) халқаро конференциясида бу тизим ҳуқуқий мақомни олди.

Бреттон-Вудс валюта тизимининг ўзига хос томонлари қуйидагилардир:

-олтин давлатлар орасида яқуний пул ҳисоб-китоблари функциясини сақлаб колди;

-олтин билан бир қатор турли давлатлар валюталари қиймати уллови, шунингдек туловнинг халқаро кредит воситаси сифатида тан олинган АҚШ доллари резерв валюта бўлди;

-доллар бошқа давлатлар марказий банклари ва ҳукумат идоралари томонидан АҚШ хазинасида 1 троя унция (31,1г.) га 35 доллар бўлган курс (1944 и) бўйича олтинга алмаштирилди. Бундан ташқари ҳукумат органлари ва хусусий шахслар олтинни хусусий бозорда сотиб олишлари мумкин. Олтиннинг валюта қиймати расмий қиймат асосида шаклланди ва 1988 йилгача сезиларли ўзгармади;

-валюталарни бир-бирига тенглаштириш ва уларнинг ўзаро алмашуви олтин ва долларда белгиланган расмий валюта паритетлар асосида амалга оширилган;

-хар бир давлат уз валютасининг бошқа валютага нисбатан курсини барқарор сақлаши керак эди. Валюталарнинг бозордаги курслари кайд қилинган олтин ёки доллар паритетидан у ёки бу томони 1% дан ортиқча ўзгармаслиги керак эди. Паритетларнинг ўзгариши туловлар балансининг доимий бўзилиши содир бўлганда амалга оширилиши мумкин эди;

-валюта муносабатларини давлатлараро тартибга солиш асосан Бреттон-Вудс конференциясида ташкил қилинган Халқаро Валюта Фонди орқали амалга оширилди. У аъзо давлатлар томонидан расмий валюта паритетлари, курслари ва ўзаро эркин валюта алмаштиришга амал қилишларини таъминлаши керак эди.

Бреттон-Вудс келишуви халқаро валюта тизими ривожланишининг энг муҳим босқичи ҳисобланади. Биринчи марта халқаро валюта тизими ҳукуматлараро келишувларга асослана бошлади.

Олтин-доллар стандарти тизимини мустаҳкамлаган Бреттон-Вудс тизими халқаро савдо оборотининг кенгайишда, саноати ривожланган давлатлар ишлаб чиқаришининг усишида муҳим рол ўйнади.

60-йилларнинг охирига келиб Бреттон-Вудс тизими жаҳон хўжалигининг кучаяётган байналминаллашуви, трансмиллий корпорацияларининг валюта соҳасидаги фаол чайковчилик фаолияти билан қарама-қарши чика бошлади. Олтин-доллар стандарти режими амалда аста-секин доллар стандарти тизимига айлана бошлади. Шу билан бирга 60-йиллар охирида долларнинг жаҳондаги маъноси уз иқтисодий қийинчиликлари ва биринчи навбатда Ғарбий Европа давлатлари ва Япониянинг иқтисодий куввати ва таъсири ошиши натижасида сезиларли ёмонлашди. АҚШдан ташқаридаги доллар захиралари жуда катта суммада бўлиб, йирик евродоллар бозорини ташкил қиларди. АҚШ тулов балансининг камомати (дефицити) мумкин бўлган нормалардан ортиб кетди. Бреттон-Вудс тизимининг долларни олтинга айлантириш ҳақидаги талаби

АҚШ учун огирлик қилиб колди, чунки уз захиралари ҳисобидан олтиннинг паст нарҳини сакдаб туриш керак эди. 70-йиллар бошида Бреттон-Вудс тизими амалда бўзилиб кетди.

Асосий захира авуар қилиш ва бошқа резерв валюталарнинг ролини камайтириш мақсадида СДР (Special drawing rights - SDR) - “махсус ўрнини олиш ҳуқуқи” стандарти киритилди.

Давлатларга валюта курсининг хоҳлаган режимини танлаб олишга ҳуқук бериларди. Давлатлар ўртасидаги валюта муносабатлари улар миллий пул бирликларининг сузувчи курсига асосланадиган бўлди.

Курсларнинг ўзгариши икки асосий омил билан белгиланади:

а) давлатларнинг ички бозорларида валюталарнинг реал қийматлари нисбати билан;

б) халқаро бозорларда миллий валюталар талаби ва таклифи нисбати билан.

90-йилларнинг бошига келиб сузувчи курслар факторини амалга оширилиши сабабли қуйидаги элементлар асосида етарли даражада мураккаб бўлган халқаро валюта тизимини ташкил қилиш схемаси вужудга келди:

1) Асосий уступ бирликлар танланади, улар билан миллий валюталар муносабатларини, аниқроғи уз валюта курсларини саклаб колдилар;

2) Валюта курсларининг ўзгариш даражаси бир хил эмас, диапозони кенг. Бунда маълум диапозон доирасида фақат айрим валюталарга нисбатан валюта курси сакланади, бошқа валюталарга нисбатан курс эркин ўзгаради.

Амалда давлатлар эълон қилган валюта режимлари жуда хилма-хилдир. 1988 йилда 58 давлат уз валюталарининг асосий ҳамкорларидан бирининг валютасига нисбатан курсини урнатишга қарор қилдилар. Бу: АҚШ доллари (39), француз франки (франк зонасининг 14 давлати) ёки бошқа валюта (5). Айрим давлатлар уз валюталарини СДРга (17) ёки бошқа валюталар савотчасига (29) боғлайдилар, бундан ташқари, 4 давлат ягона валютага нисбатан чекланган мослашувчанлик режимини маъқуллайдилар. Уз навбатида ЕИ нинг 8 давлати ўзлари учун валюта ҳамкорлиги механизминини таъсис этдилар, уз валюта курсларини барқарорлаштирдилар. 19 давлат шу жумладан, АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Япония мустақил сузиш режимини танладилар.

Ямайка келишуви жамоа валюта бирлиги сифатида “махсус ўрнини олиш ҳуқуқи” (СДР) ни тан олди. СДР 1969 йилда оддий кредит воситаси сифатида ҳосил қилинган эди. Бирок кейинчалик СДРни “халқаро валюта тизимининг захира активи”га айлантириш вазифасини қўйилди. Олдиниға СДР бирлиги долларнинг олтин қиймати (1970) га мие равишда олтинга тенглаштирилади. 1974 йил июлда валюталарнинг сузувчи курсга ўтиши билан СДРнинг олтин қиймати бекор қилинди. Бу валюта бирлигининг курси валюта савотчаси - ташқи савдоси жаҳон савдосининг 1% дан бўлмаган 16 давлат валюталарининг ўртача курси асосида аниқланарди. 1981 йилдан бошлаб СДР 5 валюта (АҚШ доллари, ГФР маркаси, япон иенаси, француз франки ва фунт стерлинг) тупламидан келиб чикдан холда аниқланди.

Валюта корзинаси бу бир валюта ўртача ҳисобланган курсининг бошқа валюталарнинг маълум тупламига нисбатан солиштириш усулидир. Валюта курсини ҳисоблаш унинг таркиби, валюта компонентларининг улчови, валюталарнинг долларга нисбатан бозор курсига боғлиқ;

СДР фоизлар келтиради. Мамлакат агарда СДРдаги авуарлар ассоциацияларидан кўп булса фоизлар олади ва аксинча СДРдаги авуарлари асосиацияларидан кам булса фоиз тулайди. СДР бирлиги бирликдир. У ХВФнинг махсус счетларида ХВФга аъзо давлатларга ажратилган квоталар асосида келтирилади. Бу квоталардан конвентирланадиган валюта сотиб олиш ёки тулов баланси дефицитини тулаш учун фойдаланилади. Аммо уларнинг капиталистик дунё умумий валюта захираларидаги улуши унча катта эмас - 6%га яқин.

Кўпгина иқтисодчилар СДРни камрок, задира валюта сифатида, кўпроқ, кредит сифатида куриш мумкин деб ҳдсоблайдилар. Умумий фикр шуки улар ҳам задира валюта ҳам кредитдир. Уни яратувчилардан бири айтганидек СДР “айримлар кора йўлли *ок*, айримлар оё йўлли ёра хайвон сифатида курадиган хайвон” - зебрага ухшайди. (14-жадвалга каранг).

Валюта саватчаси қиймати асосида белгиланадиган яна бир жамоа захира валюта бирлиги ЭКЮдир. ЭКЮ (Europe an curren cy unit) ЕИга кирувчи Европанинг илгор 12 давлати валюталарига асосланади. Улар бир валютанинг саватчадаги огирлиги аъзо-давлатларнинг ЕИ ЯММси ва Иттифоқ ичидаги экспортдаги улушига мувофиқ белгиланади. 1 ЭКЮ тахминан 1,3 АҚШ долларига тенг. СДРдан фаркли уларов ЭКЮнинг расмий эмиссияси қисман нақд олтин ва долларга айлантирилган. ЭКЮ эмиссиясининг ҳажми СДРдан кўп.

Хулди СДР каби ЭКЮ ҳам нақдсиз шаклда - улар бўйича нақдсиз кучиришда марказий банклар (ёки тижорат банклари) счётларида ёзув сифатида намоён бўлади.

Европа валюта тизимида (ЕВТ) ЕИ хар бир аъзоси валютасининг ЭКЮда ҳисобланган асосий курси белгиланган (б-дифраммага каранг). Мана шу асосий курс негизида валюталарнинг ўзаро курси ҳисобланади. Бу курсдан курслар амалда 2,25% дан ортиқ, фарк қилиши мумкин эмас. ЕВТга кўшилган испан песети учун имтиёзли режим ва Италия лираси учун 1993 йил августидан 15% гача ўзгаришлар чегараси урнатилган.

ЭКЮ яратихдан мақсад - айрим ЕИ аъзо давлатлари валюта курсларининг барқарорлигига эришиш. ЭКЮ яратишга ундаги муҳим нарсалардан бири АҚШ долларининг олтинни ўрнини босиш учун етарли даражада ишончли эмаслигидир.

Бундан бошқа сабаб ҳам келиб чиқади. ЭКЮни яратиш Европа валюта тизимини доллар ўзгариши ва АҚШнинг иқтисодий тотал диктатига боғлиқликдан озод қилиши керак эди. ЭКЮ кушма фондлар ва халқаро валюта-кредит молия ташкилотларида валюта бирлиги сифатида; ягона кишлок, хўжалиги нархлари, ЕИ аъзолари марказий банклари валюта интервенцияси

утказишда ҳисоб-китоблари валютаси сифатида чиқади. 500 дан ортиқ, йирик халқаро ташкилотлар ЭКЮдан кредит беришда фойдаланадилар.

Европа иқтисодий ҳамжамиятининг тузилиши олдинга ягона Европа валютасини яратишни кузда тутмаган эди.

Аммо, 70-йиллар ўрталаридан ягона валюта иттифоқ тузиш йўлларини қидириш фаоллашди. Европа ҳамжамияти лидерлари нафақат АҚШ долларига муқобил валюта бирлиги яратиш, балки валюта интервенциясини амалга ошириш, валюта ўзгаришларини давлат томонидан назорат қилишни амалга оширишга ҳаракат қилдилар.

Мураккаб музоқаралар натижасида ЕИ доирасида 1979 йилнинг мартада Европа валюта тизими (ЕВТ) ташкил қилинди. ЕВТ - умумий иқтисодий муносабатларни намоён қилувчи, иқтисодий интеграция доирасида миллий валюталарнинг ишлаши билан боғлиқ бўлган халқаро (минтақавий) валюта тизими. ЕВТ - жаҳон валюта тизимининг энг муҳим таркибий қисмидир.

Европа валюта тизимини яратилиш тарихининг асосий босқичлари қуйидагилар. 1972 йилда ЕИХ, Вазирлар Кенгаши ҳамжамиятига кирувчи давлатлар валюталарининг бир-бирига нисбатан ўзгариши амплитудасини чеклаш ҳақида Қарор қабул қилди. Бу мақсадга эришиш учун Марказий банклар валюта бозоридаги интервенцияларини мувофиқлаштиришлари лозим эди. Шундай қилиб “Европа валюта илони” туғилди. ЕИХ, давлатлари валюталарининг бир-бирига нисбатан курсининг ўзгариши турли йилларда  $\pm 4,5\%$  гача рухсат берилди. График тасвирда “илон” ЕИХ, га аъзо 6 та давлат (ГФР, Франция, Италия, Нидерландия, Бельгия, Люксембург) валюталарининг ўзаро курси ўзгаришларининг энг кам миқдорини билдирадди, Агар мамлакат валютасининг курси мумкин бўлганидан пастга тушиб кетса, Марказий банк миллий валютани чет эл валютасига сотиб олиши лозим эди.

“Валюта илони” аъзо-давлатларнинг у ёки бу таркиби билан 1979 йилда В. Жискара Д’Эстен ва Г.Шмидт таклифи билан Европа валюта тизими киритилгунча амалда бўлди. ЕВТ ўзида уч муҳим элементни камраб олади: 1) ЭКЮ - ЕВТ асосига; 2) валюта курслари ва интервенциялари механизми. Ҳамжамият давлатлари валюталари нисбатида ҳар икки томонга  $\pm 2,25\%$  дан ортиқ, ўзгариш мумкин эмас эди. Европа валюта тизимида валюта интервенцияси билан боғлиқ, вақтинчалик тулов баланси дефицити ва ҳисоб-китобларни коплаш учун Марказий банкларга кредит бериш йўли билан давлатлараро минтақавий валютани тартибга солиш амалга оширилади.

Европа валюта тизими олдида қуйидаги мақсадлар қўйилди:

- ЕИ ичида юқори валюта барқарорлигини урнатиш;
- барқарорлик шароитида усиш стратегиясининг асосий элементи булиш;
- иқтисодий ривожланиш жараёнларининг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш ва Европа жараёнига янги туртки бериш;
- халқаро иқтисодий ва валюта муносабатларига барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатиш.

Европа валюта тизими ҳаракат механизми ЭКЮ ташкил қилиш ва барқарор, аммо тартибга солинувчи ЕИ давлатлари орасида валюта курслари

оркали қийматни ўзаро улчаш негизини урнатишни кузда тутди. ЕВТ валюта резервларини умумий фойдаланишга берилишини кафолатлайди. Яратилган тизим ЕИ ичида кредит механизмларининг бутун бир арсеналини ҳаракатга келтиради. Европа валюта тизимининг фаолият жараёни ва ривожланиш “Делар режаси” билан чамбарчас боғлиқ. 1989 йилда ЕИ нинг атокли арбоби (ЕИК раиси) Ж.Делар Европа валюта бирлашувининг уч босқичли режасини тасвирлаган ҳисоботни такдим қилди. Бу план қуйидагиларни уз ичига олади: 1) Алоҳида ЕИ дўлатларининг мувофиқлаштирилган иқтисодий ва валюта сиёсатини амалга ошириш; 2) ЕИ Марказий банкини ташкил қилиш; 3) Миллий валюталарни ЕИ нинг ягона валютасига алмаштириш.

1990 йилда Европа валюта тизими кенгайди: унга Англия, Испания, Португалия кирди. 1991 йилда ягона Европа ҳудудини ташқи қилиш ҳақидаги Маастрихт шартномаси имзоланди. Бу шартномага мувофиқ ЕИ аъзоларининг ҳукумат бошликлари валюта иттифоқи тузиш ҳақида келишиб оладилар.

Ғарбий Европа валюталари ўзгаришини тартибга солиш мақсадида тузилган Европа валюта тизими қарийб 15 йил мобайнида уз вазифаларини муваффақиятли бажарди. Аммо 1992 йилнинг кўзидан у издан чиқа бошлади. Бир йил мобайнида 1992 йил сентябридан ЕВТ дан Англия фунт стерлинги, Испания песети ва Португалия эскудоси девальвация қилинди.

Бунинг асосий сабабларидан бири - қайд қилинган давлатлар марказий банкларининг валюта девальвациясига умид қилиб, курсни пасайишига ўйнаётган биржа олиб-сотарларининг тобора кучаяётган ҳужумларига дош беришга қодир эмасликларидадир. Натижада 1993 йил ёзида ЕВТ га рувчи 8 пул бирлигидан 5 таси: Франция ва Бельгия франки, Дания кронаси, песета ва эскудо - улар учун урнатилган энг паст даражага тушиб қолдилар. Марказий банклар томонидан уз валюталарини сунъий равишда ушлаб туриш керак эмас деган ёрор қабул қилинди. Улар белгиланган курслар атрофида у ёки бу томонга 15%га ўзгаришлари мумкин. Марказий банклар шунингдек алмашиш курсларини қуллаш мақсадида юқори даражада сақлаб турган ҳисобга олиш ставкаларини пасайтиришлари мумкин.

Маастрихт шартномаси матнига мувофиқ ЕИ давлатлари томонидан валюта иттифоқи тузишнинг охири, миллий валюталар бир-бирига нисбатан якуний қайд қилинадиган босқичи 90-йиллар охирида руй бериши керак.

ЕИ режасига биноан валюта иттифоқни ташкил қилишни якуний қисмида уч босқичга бўлинади.

1998 йилда бошланадиган биринчи босқичда валюта иттифоқига кириш учун рухсатнома берадиган мезонли жавоб берадиган давлатлар аниқланади. Маастрихт шартномаси томонидан белгиланган бу мезонли қарорига қуйидагилар қиради: инфляция даражаси, давлат бюджети камомади (3%дан ортиқ эмас), ҳисобга олиш ставкасининг улчами, миллий валютанинг барқарорлиги.

Бу мезонларга тўлиқ, жавоб берувчи давлатлар биринчи гуруҳга қирадилар. Бу гуруҳ, валюта иттифоқини ташкил қилади. Хозирча бу мезонларга фақат Германия ва Люксембург, шунингдек, Ирландия ва Австрия

жавоб берадилар. 1998 йилнинг охиригача Марказий Европа банки ташқи қилиш ва Европа Марказий банклар тизимини ҳаракатга келтириш режалаштирилган.

Иккинчи босқичда (1999-2001 йй.) Марказий Европа банки, биринчи кадам сифатида валюта алмаштириш бўйича операцияларда ягона валютани ишлатади. Тижорат банклари ва молиявий ташкилотлар хулди шунингдек, ундан валюта бозорларида фойдаланишади.

Кейинги кадам (2002-2003 йй.) миллий танга ва коғоз пулларни янги Европа пул бирлиги ЕВРО билан алмаштириш бўлади. Янги ягона валюта нақд пул муомаласига киритилади. Миллий валютада амалга оширилаётган ҳисоб-китоблар тизимига мос ўзгартиришлар киритилади. Бошланишида (6 ой мобайнида) янги валюта миллий валюталар билан бир вақтда муомалада бўлади. Бу даврнинг охирига келиб, режага мувофиқ миллий валюталар “тулов воситаси статусини йўқотадилар”.

Учинчи босқичда Европа валюта-иқтисодий иттифоқи ҳудудида барча банк счётилари Европа валютасига конвертирланадиган бўлади, агар бу уз ихтиёрига кура руй бермаса.

Ягона Европа валютаси, иқтисодчилар фикрича, дунёда энг кучлилардан бири булиши учун барча имкониятларга эга. У инфляция билан курашишни енгиллаштириб, АҚШ ва Япония билан бозорлар учун курашда ЕИ давлатларитовар ва хизматларининг роқобатбардошлилигини ошириб ЕИ барқарорлигининг муҳим омили булиши лозим.

ЕВРО нинг пайдо булиши қимматли крғозлар билан боғлиқ, барча келишувлар ҳажмининг ошишига олиб келиши лозим. Хозирги вақтда Европа молия бозорлари таркоклиги туфайли жаҳон инвестицияларининг фақат жуда оз қисмини жалб кила олади холос. Бундай ҳолат ЕИ реал молия ва иқтисодий кувватига мос келмайди. Ягона валютанинг киритилиши эса бутун дунё инвесторларининг ЕИ га бўлган кизикишларини оширади.

ЕВРО ни киритиш бу валюта бозорини дарров жаҳондаги жуда муҳим валюта бозорига айлантириши керак. Ягона валютанинг ўзи эса капитал бозорида долларнинг ўрнини эгаллаш учун барча имкониятларга эга. ЕВРО га ўтиш бутун дунёдаги молиявий ҳолатга хал қилувчи ўзгартиришлар киритиш мумкин. Ягона Европа валютаси доллар ва иена билан тенг рақобат қдлиши мумкин. Банклар, қонунга кура, келишувлар сонининг кескин усиши ва инвестицияларнинг янада байналминаллашуви сабабли молиявий бозорларда оладиган фойдаларининг ошишига умид қилишлари керак.

Янги пул бирлиги, шунингдек, бор валютани бошқа валютага алмаштириш билан боғлиқ, бўлган сезиларли ҳаражатларни юкотиш имконини беради. Бу ҳаражатлар баъзи ҳисоб-китобларга караганда йилига 40 млрд. дан 50 млрд. долларгача боради. Масалон, 2 минг доллар билан 10-12 Ғарбий Европа давлатлари бўйлаб юрган француз бир валютани иккинчи валютага алмаштиришда бу сумманинг қ,арийб ярмини йўқотади.

Айни пайтда, ЕВРО нинг пайдо булиши ва мое равишда барча Европа пул бирликлари орасида паритетларнинг каттик кайд қилиниши биржа

маклерларининг бир Европа валютасининг бош^а валютага нисбати арзонлашувига ўйнай олмаслигига олиб келади. ЕВРО пайдо булиши билан негизда ЕИ ичида энди тенглаштириладиган ҳисобга олиш ставкалари фарқи ётадиган операциялар ҳам йўқолади.

Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари.

Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари жаҳон хўжалиги, халқаро иқтисодий муносабатларнинг жуда муҳим бугимларидан биридир. Охирги ун беш йилда молия бозорлари гуркираб ривожланди. 1980 йилдан буён дунёнинг илгор давлатлари умумий молия активлари, уларнинг ялпи ички маҳсулотига (ЯИМ) нисбатан 2,5 баробар тез усди. Жаҳон валюта ва савдо операциялари қийматларининг нисбати нисбати 1980 йилдан буён дунёнинг илгор давлатлари умумий активлари, уларнинг ялпи ички маҳсулотига нисбатан 2,5 баробар тез усди. Жаҳон валюта ва савдо операциялари қийматларининг нисбати 1980-йилдаги 10:1 дан 1992 йилдаги 60:1 гача усди. Шу билан бирга, хориж экспертларининг фикрича, давлат облигацияларининг халқаро бозори баъзи бир катталиклар бўйича фақатгина 1920 йилдагидек фаолдир. Капитални мобиллигини аср бошидаги даралсага яқинлашмоқда, холос.

Фаолиятидаги капитал даврий обороти қонунияти молиявий бозор ривожланишининг объектив асосидир. Баъзи жойларда ортиқча эркин капитал пайдо бўлади, баъзи жойларда унга талаб пайдо бўлади. Жаҳон валюта молия-кредит бозорлари бу қарама-қаршиликларни жаҳон хўжалиги даражасида халқ қилади.

Жаҳон валюта, кредит, қимматли коғозлар бозорлари ташкил топишининг нишонлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- капиталнинг ишлаб чиқариш ва банк ишида концентрацияси;
- хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви;
- банклараро телекоммуникацияларининг ривожланиши.

### ***Валюта бозорлари нима?***

Валюта бозорлари - хорижий валютанинг миллий валютага талаб ва таклиф асосида ҳосил булувчи курс бўйича олди-сотдиси амалга ошириладиган марказлардир. Миллий валюта бозорлари ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган барча давлатларда мавжуд. Миллий бозорлар ва уларнинг ўзаро алоқалари ривожланиб бориши билан ягона жаҳон валюта бозори вужудга келади. У уз ичига жаҳон, минтақавий, миллий (махаллий) валюта бозорларини уз ичига олади. Бу бозорлар валюта операцияларининг ҳажми, характери ва операцияларда қатнашаётган валюталар микдори билан бир-биридан фарқ қилади. Жаҳон валюта бозорлари жаҳон молия марказларида (ЖММ) тупланадилар.

ЖММ - бу банклар, ихтисослашган кредит-молия институтлари йигиладиган жой. Унда халқаро валюта, кредит, молия операциялари, қимматли коғозлар, олтин олди-сотдиси амалга оширилади. Халқаро молия марказлари орасида Лондон, Нью-Йорк, Франкфурт, Париж, Цюрих, Токиодаги бозорлар ажралиб туради. 1973 йилдан 1992 йилгача валюта операциялар ҳажми кунига 10-20 млн. долл. дан 900 млрд. долл.га усди.

90-йилларнинг бошида халқаро валюта савдосининг 50% га яқини уч жаҳон валюта бозорида амалга оширилади:

Лондон - кунига 187 млрд. долл.; Нью-Йорк - кунига 129 млрд. долл.; Токио - 115 млрд. долл. 90-йиллар ўртасига келиб, халқаро валюта операциялари умумий кунлик ҳажми 1 трлн. 230 млрд. долл. га етди.

Валюта курсларининг барқарорлиги.

Валюта бозорлари халқаро ҳисоб-китобларни оператив амалга ошириш, халқаро валюта бозорларининг кредит ва молия бозорлари билан ўзаро алоқдасини таъминлайди. Валюта бозорлари ёрдамида банклар, корхоналар, давлатларнинг валюта захиралари тулдирилади. Ундан тапхари, валюта бозорлари механизмдан иқтисодий дони давлат томонидан боихарилишида, шу жумладан макродаражада давлатлар гурузх доирасида (масалан, ЕИ) фойдаланилади. Институцион нуқтаи назарида, валюта бозорлари - бу биржа, брокерлик фирмалари, банклар, корпорациялар, шу жумладан, транс миллий корпорациялар умумийлигидир. 80-йилларнинг охирида банклараро бозорда ўзаро бир-бирлари билан, шунингдек, савдо-саноат мижозлари билан 85-90% валюта савдосини амалга оширардилар. 90-йиллар ўрталарида савдо келишувларининг тобора кўпчилиги банклар эмас, инвестицион фондлар томонидан амалга оширилади.

Халқаро кредит-молия бозори.

Халқдро кредит-молия муносабатлари ссуда капиталининг жаҳон кредит ва молия бозорларидаги ҳаракати билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизимини камраб олади.

Халқаро кредит бозорида давлатлар ўртасида кайтариш, вақтли, фоиз тулаш шартлари бўйича пул капиталининг ҳаракати руй беради.

Жаҳон кредит бозори - ссуда капиталининг бир қисмидир. Ссуда капитали бозори уз ичига: 1)жаҳон пул бозори (1 кундан 1 йилгача қиска муддатли депозит-ссуда операциялари, шунингдек, Евровалюталар бозори); 2)жаҳон капитали бозори - иккита ташкил қилувчи: ўрта ва узок муддатли хорижий кредитлар ва Еврокредитлар бозори (1 йилдан 15 йилгача).

Жаҳон молия бозори - бу ссуда капиталлари бозорининг бир қисми бўлиб, унда асосан қимматбаҳо коғозларнинг эмиссияси ва савдо-сотиги амалга оширилади. Жаҳон ссуда капитали бозори миллий ссуда капитали бозорларининг халқаро операциялари асосида пайдо бўлади, уларнинг байналминаллашуви давомида ривожланади. Жаҳон ссуда капиталлари бозори охириги ун йилликда тез ривожланди. Бунга сабаб ссуда капитали ҳаракатининг узок муддатли анъаналари, бу ҳаракатни миллий даражада тартибга солувчи давлатларнинг ҳуқуқий нормаларининг либераллашуви, қимматли коғозлар ҳаракатининг кенгайиши, интеграцион жараёнлардир. Жаҳон ссуда капитали бозори жаҳон хўжалигида ссуда капитали ҳаракатини таъминловчи турли компания, банк, валюта-кредит муносабатлари бирлигини камраб олади. Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланишининг ХХ аср охиригидаги муҳим тенденцияси шундаки, халқаро кредит-молия

муносабатлари усиш суръатлари бўйича саноат ишлаб чиқариш ва халқаро савдодан анча олдиндадир.

XX асрнинг 50-йиллари охиридан бошлаб халқаро кредит-молия бозорининг ривожланиши жаҳон ссуда капитали бозорининг ўзига хос томони - Евробозорнинг вужудга келиши ва кенгайишига сабаб бўлди.

Евробозор - бу Евровалютада кредит заёмлар бўйича операциялар амалга ошириладиган бозордир.

Евровалюта - мамлакатнинг бирор бир хорижий банк ҳисобига утказилган ва шу банклар томонидан барча давлатларда, шу жумладан, эмитент давлатда ҳам операциялар амалга оширишда фойдаланадиган конвертирланадиган валютасидир.

Евробозорлар - давлат, ҳукумат бозори деган мақомга эга эмаслар. Уларнинг пайдо булишига корхоналар, инвесторлар, шунингдек, баъзи давлатларнинг эҳтиёжи сабаб бўлган. Евробозорлардаги операциялар айрим давлатларни давлат валюта тартибга солинувига ва солиқ қонунчилигига бўйсунмайди.

Евробозорлар 50-йиллар охирида юзага келди. Бунга қуйидагилар сабаб қилиб кўрсатилади:

1. Долларни АҚШдан ташқарида жойлаштириш таклифининг пайдо булиши;

2. Европада долларга бўлган талабнинг катталиги;

3. АҚШдаги тартибга солишнинг бу давлатда доллар билан валюта операцияларини утказишнинг эркин бозордагига нисбатан мушкуллаштирилганлиги;

4. Европа банкларининг халқаро операцияларини молиялаштириш курали топишга бўлган истаги.

Евровалюталар бозорида олдинга фақат Евродоллар ҳукм сурарди. Евродоллар - бу Ғарбий Европа банки томонидан жамгарма сифатида олинган долларлардир. Франция ёки Англия банкида мажбурият сифатида банк пассивиға ёзиб қўйилган доллар - Евродолларлардир. Аста-секин Евродоллар Европа валюта феноменига айланди. Масалан, Люксембург ёки Буюк Британиядаги банк пассивиға бўлган Француз франки ёки немис маркаси еврофранк ёки евромаркадир.

Хозирда евробозорлардаги операцияларда евродоллар билан (70% дан кўпроқ), евромарка билан (20%) ва Швейцария маркаси билан (6%) келишувлар асосий уринни эгаллайди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, евродолларнинг юзага келишида кўп жиҳатдан СССР ҳукумати сабабчи бўлган. М. Пибронинг айтишича, совет ҳукумати долларни на америка банкларига куйишни, на АҚШ валюта бозорига жойлаштиришни хоҳларди. Бунга сабаб, АҚШ молия кувватини оширишга йўл куймаслик, келишмовчиликлар содир бўлганда, СССР ҳисоб-китоб ракамларининг ҳисоб-китоб ракамларини ёпиб куйишларидан куркарди ва х.к. Натижада, СССРга тегишли бўлган долларлар СССР давлат банкининг Европадаги филиали Евробанкга, кейинчалик эса, Лондондаги Москва Халқ

банкига қўйилди. Уз навбатида Британия банклари ҳам евродоллар яратишда уз хиссаларини кушдилар.

60-70 йилларда евробозорларнинг фаол ривожланиши, 80-90 йилларнинг бошида улар фаолияти йўналишининг ўзгаришига олиб келди. 80-йиллардан бошлаб қимматли коғозлар: еврооблигациялар, евроакциялар, евроекселлар, молиявий инвестициялар саноати ривожланган мамлакатларнинг инвесторлари ва заёмчилари уз актив ва пассивларини валюталар комбинацияси ва тулов вақтлари оркали бошқаради. Улар шунингдек, мос валюта ва кредит хатарларини тез қоплаш ва ўзгартириш имкониятини оладилар.

Евробозорларнинг ривожланиши жаҳон миқёсида молиявий ресурсларга талаб ва таклифнинг эркин нисбатини яратишга имкон берди. Евробозорлар корхоналарга молиялаштиришга бўлган эҳтиёжларини ички капитал бозорига мурожаат қилмасдан қондириш имкониятини беради. Улар молиявий ресурсларни рационал жойлаштириш имкониятини беради.

Шундай қилиб, евробозорлар уз фаолиятларини диверсификация қиладилар ва жаҳон миқёси улчамларини оладилар. Улар капитал жойлаштириш ва кредитлаш бўйича операцияларни барча халқаро операторларга таклиф қиладилар. Евробозорлар барча йирик халқаро банклар, бутун дунё молия марказлари ва барча конвертирланадиган валюталарни мобилизация қиладилар. Евробозорларнинг ривожланиши янги молия марказлари (Сингапур, Гонгконг, Кувейт, Кайман ороллари ва б.)нинг пайдо булишига олиб келди. 1981 йилнинг декабрида Нью-Йоркда халқаро банк хизматлари эркин зонаси пайдо бўлди. 80-йиллар охирига келиб янги жаҳон молия марказларида бутун дунё халқаро валюта-молия операцияларининг учдан бир қисми тупланган эди.

Евробозорлар ривожланиши ва халқаро молиявий бозорлар байналминаллашуви халқаро иқтисодий муносабатлар учун товар бозорлари ривожланиши ва байналминаллашуви халқаро меҳнат тақсимооти соҳасида қандай яхши ҳолат бўлган бўлса, шундай ҳолат бўлди.

### **Адабиётлар**

1. Шодиев Р., Р.Маҳмудов “Жаҳон иқтисодиёти”. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2005.
2. Ҳақимова М.А. «Халқаро иқтисодий муносабатлар» Т., “Меҳнат”, 1997.
3. Ҳақимова М., Хўжаев Х., Маҳмудов Б. “Халқаро иқтисодий муносабатлар”. - Т., “Ўқитувчи”, 1996.
4. Авдокушин Е. Ф. Международные экономические отношения. Учебное пособие. М. 1996.
5. Алимов А. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее. Т., «Ўзбекистон», 1992.

### **8-мавзу: Ривожланган мамлакатлар - халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида**

### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Ривожланган давлатлар гуруҳининг жаҳон хўжалиги ва сиёсатида тутган ўрни
2. Мамлакатларнинг илмий-техникавий ва маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги, табиий ресурслари ва меҳнат тақсимоли соҳасидаги имкониятлари.
3. Миллий иқтисодиёт структурасининг ўзига хос хусусиятлари.
4. Иқтисодий ривожланишнинг дастлабки шарт-шароитлари ва хусусиятлари. “G8” етакчи ривожланган давлатларни жаҳон саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги, жаҳон савдоси ва халқаро капитал миграциясидаги улуши.
5. Ривожланган давлатлар иқтисодиётининг ҳозирги давр структураси.
6. Япония, Ғарбий Европадаги интеграцион жараёнлар.
7. Европа иттифоқи - Ғарбий Европанинг рақобат қилувчи марказий ядросидир.
8. Илмий-техника инқилоби (ИТИ) таъсирида ривожланган мамлакатларнинг макроиқтисодий структурасидаги ўзгаришлар.

### **Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари).**

#### **Талаба ушбу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:**

- ривожланган давлатлар гуруҳининг жаҳон хўжалиги ва сиёсатида тутган ўрнини билиб олади;
  - ривожланган давлатлар саноатига характеристика беради;
  - мамлакатларнинг илмий-техникавий ва маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги, табиий ресурслари ва меҳнат тақсимоли соҳасидаги имкониятларини ўрганади;
  - иқтисодий ривожланишнинг дастлабки шарт-шароитлари ва хусусиятларини билиб олади;
  - “G8” етакчи ривожланган давлатларни жаҳон саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги, жаҳон савдоси ва халқаро капитал миграциясидаги улуши ҳақида билимларга эга бўлади;
  - ривожланган давлатлар иқтисодиётининг ҳозирги давр структурасини ўрганади;
  - мамлакатлар саноати структурасидаги ўзгаришлар, Япония иқтисодиёти, Ғарбий Европадаги интеграцион жараёнларни тушуниб етади;
  - Европа иттифоқи - Ғарбий Европанинг рақобат қилувчи марказий ядроси эканлигини англаб етади;
- илмий-техника инқилоби (ИТИ) таъсирида ривожланган мамлакатларнинг макроиқтисодий структурасидаги ўзгаришларни тушуниб етади.

XX асрнинг 60-80 йиллари ривожланаётган мамлакатларнинг умумий тузилишида глобал ўзгаришларни вужудга келтирган давр булиши билан бир қаторда, ЯИМ ижтимоий –иқтисодий тузилишида ҳам юксак ўзгаришлар даври бўлди.

“Янги индустриал мамлакатлар” ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигидан параметрларнинг барча системалари бўйича ажралиб туради.

ЯИМни ривожланаётган мамлакатлардан фаркланиб турувчи томонлар, уларни ривожланган капиталистик мамлакатлардан ҳам ажратиб туради. Улар ривожланишнинг “Янги индустриал” модели сифатида мавжуддир. Бу характерли томонлар, Лотин Америкасидаги ҳамда Осиёдаги ЯИМнинг ривожланиш тажрибасини анализ қилиш жараёнида аниқ кузга ташланади.

Лотин Америкасидаги ЯИМ ривожланиш тажрибасининг муҳим ролини пасайтирмасдан туриб шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, Осиёдаги ЯИМ, айнан: Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур, кўпчилик озодликка эришган мамлакатлар учун халқ хўжалигининг ички динамикаси бўйича ҳам, ташқи иқтисодий муносабатларнинг экспанцияси бўйича ҳам, ривожланишнинг ўзига хос намунаси бўлиб колдилар. Одатда, “Янги индустриал мамлакатлар” қаторига Осиёдаги туртта кайд этилиб утилган Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур шу билан бир қаторда Лотин Америкасидаги ЯИМ – Аргентина, Бразилия, Мексика каби мамлакатлар таалукли бўлиб ҳисобланади. Номма –ном санаб утилган барча мамлакатлар ЯИМларнинг биринчи авлодлари ёки биринчи калдиргочлари бўлиб ҳисобланади. Уларнинг орқасида “ЯИМ”нинг сунгги авлодлари етишиб чикмокда. Масалан: иккинчи авлод мамлакатларига Филиппин, Хитойнинг Жанубий чегаралари ва бошқалар киради. “Янги индустриаллашувнинг” бутун бошли зоналари, яқин минтақаларда уз таъсирини утказаётган иқтисодий усувчанлиги юқори бўлган кутблар пайдо булмокда.

БМТ томонидан ишлаб чиқарган методика бўйича ЯИМ қаторига кирувчи мамлакатлар у ёки бу кретериялар бўйича алоҳида ажралиб туради. Улар куйидагилардан иборатдир:

- аҳоли жон бошига тўғри келадиған ялпи ички махсулотларнинг микдори.
- унинг ўртача йиллик усиш суръати;
- ЯИМ таркибидаги кайта ишлаш саноатининг умумий микдори. У 20% атрофида булиши керак;
- чиқариладиган товарлар умумий микдорига нисбатан саноат махсулотларининг улуши ва экспорт микдори;
- хорижий мамлакатларга чиқариладиган тўғридан –тўғри инвестицияларнинг умумий микдори.

Бу кўрсаткичлар бўйича ЯИМ нафақат ривожланаётган мамлакатлар олдида ажралиб туради, балки айрим холларда бир қатор саноати ривожланган мамлакатлар ҳам ушбу кўрсаткичлар бўйича устунликка эга бўлади. Масалан, Тайвань, 1952-93 йиллар оралигида ЯИМ ҳажмини 170 маротаба устирди. (аҳолининг усишига нисбатан 2,5 маротаба ортиқрокдир), ташқи савдо ҳажмини эса 543,6 маротабага оширди. Инфляциянинг паст даражада сакланганлиги шароитида –3,6%, иқтисодий усишнинг ўртача йиллик суръати 8,7% ташкил этди. Тайвань ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича дунёнинг илгор мамлакатлари қаторига киритилади. Аҳолисининг жон бошига тўғри келадиған ЯИМ нинг ҳажми 12 минг долларни ташкил қилади. (90 йилларнинг ўрталарида).

Осиё регионидagi мамлакатларнинг 30 йил оралигидаги иқтисодий ривожланиш суръати ҳисоблаб курилганда (1960-1990) унинг миқдори йилига 5%ни ташкил этган, уша пайтда бу кўрсаткич Европа мамлакатларида 2%га тенг бўлган. Бу пайтда, Тайванда узиш суръати жуда юқори бўлган. Шунингдек, 90 йилларда Ж.Корея 8%, Сингапур 8%, Малайзия 9% йиллик узиш суръатига эга бўлган.

“Янги индустриал мамлакатлар” иқтисодий ривожланиш суръатининг юқорилиги улар аҳолисининг яшаш шароитлари яхшилаб бораётганлиги билан уйғунлашиб кетади. Шунингдек, 60 йилларнинг ўрталаридан 90 йилларнинг бошларига қадар утган давр ичида аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад бу мамлакатларда 4 мартаба узи. Халқаро экспортларнинг прогноз қилишича, 2010 йилга бориб шарқий Осиё Ғарбий Европани ялпи миллий маҳсулотнинг ҳажми бўйича қувиб ўтади, 2020 йилга борганда эса Шимолий Американи қувиб ўтади.

Сингапур ҳақида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, у 1995 йил Жанубий шарқий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб “индустриал ривожланган мамлакат” статусини қулга киритди. Бундай унвон унга иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) томонидан расман эълон қилинди. Барқарор иқтисодий узишнинг 3 йиллиги давомида Сингапурга нисбатан паст ривожланган 10 мамлакат доирасидан ажралиб чиқиб, дунёнинг бой давлатлари қаторидан жой олди. (аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ҳисобига). Сиёсий барқарорлик шароитида мамлакатнинг саноати йилига ўртача 8,4% тезлик оборотига эга бўлди, мамлакатдаги аҳолининг ҳам бири эса уз яшаш даражасини ўртача етти мартаба орттирди. Сингапурдаги хар бир аҳолининг ўртача статистик даромади 1995 йилда 22,3 долларни ташкил этди. АҚШ собик метрополиялар ҳисобига Буюк Британиядан анча юқори туради.

Уз навбатида Гонконг ҳам Буюк Британиянинг собик колонияси бўлиб ҳисобланар эди, кейинчалик эса у кўпчилик ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўзининг метрополияли даражасидан юқори поғонага кўтарилди.

“ЯИМ”нинг иқтисодий модели ва унинг муваффақиятли ривожланиш томонлари қараб чиқилаётганда, унинг муваффақиятларини таъминлаб берувчи ташқи ва ички даражасидан юқори омиллар хусусида ҳам тухталиб утилади. Кўриниб турибдики, омилларнинг бу икки грух, ЯИМ ҳукуматлари томонидан олиб борилаётган нозик, мақсадли сиёсатлар орқали тулдириб турилади. “ЯИМ”нинг ички тузилишидаги муаммоларга, ҳамда уларнинг хўжалик механизмлари тадрижга асосий эътиборни қаратмасдан, ЯИМ ташқи иқтисодий омилларининг ўзига хос томонлари ва унинг Осиё “аждархолари”нинг қучайиб боришидаги ҳамда Лотин Америкаси ЯИМининг ривожланишидаги рол хусусида тухталиб утаммиз.

Жаҳон тажрибаси гувоҳлик бермоқдаки, халқаро иқтисодий ҳамкорликка актив қиришаётганда, у ёки бу мамлакатлар асосий ишни хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда ташқи савдонинг узишига зарурий бўлиб ҳисобланадиган шароитларни яратишдан бошлайди. Шундай экан, бу

мамлакатлар уз иқтисодиётлари доирасида технологик халқларнинг барча бугинларидан фойдаланган холда таркибий қайта қуришларга – хом ашёлардан эса технологик сизими юқори бўлган тайёр маҳсулотларга ута бошлайди. Тармоқларни ривожлантириш ва қайта таъмирлаш учун экспортдан тушган даромадлардан кенг фойдаланиш, халқаро меҳнат тақсимоти куламида анча истикболли ва “фойдали” усул бўлиб ҳисобланади.

АҚШ, Германия, Япония каби бир қатор мамлакатлар худди мана шу йўллар орқали тараккий этган. Шунингдек, АҚШ асосан хом ашё, мевалар, пайта, асал, кумир ва шунга ухшаш бир канча маҳсулотларни экспорт қилишдан бошлаган. ГФР эса, 50 йилларда -кумир, қора металллар, химиявий маҳсулотлар сингари бир канча маҳсулотларни экспорт қилган. Япония туқимачилик, металлургия, химия маҳсулотларини экспорт қилишдан бошлаган.

60 йилларда Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатлар – “ЯИМ” худди шу йўл орқали ҳаракат қилдилар.

Уларнинг барчаси иқтисодий узишнингташқи омилларидан самарали фойдаландилар. Шу уринда, саноати ривожланган мамлакатлардан хорижий сармоялар, техника ва технологияларни кенг миқёсда жалб қилинганлигини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

***Қайси сабабларга кура “янги индустриал мамлакатлар”ни ривожланаётган дунёдаги бошқа мамлакатлардан ажратиб кўрсатиш мумкин?***

Бир қатор сабабларга кура, “янги индустриал мамлакатлар” нинг баъзи бирлари саноати ривожланган мамлакатнинг муҳим сиёсий ва иқтисодий манфаатлари таъсир доирасига тушиб қолди. Шунингдек, АҚШнинг сиёсий манфаатлари таъсир доираси, асосан Шарқий Осиё мамлакатларининг “коммунистик таъсирига” қарши турувчи Тайвань ва Жанубий Корея мамлакатларига қарши қаратилди.

Бу мамлакатларга чексиз иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қўллаб қуватлаш ёрдамлари кўрсатилди. Масалан, Тайванга 1,5 млрд. доллар миқдориди ёрдам кўрсатилди. 1950-1965 йиллар оралигидаги АҚШ нинг ёрдами, Тайванда жалб этилган жами инвестицияларнинг 34% ини ташкил этди, шу жумладан 74% инфраструктурага, 59% кишлок хўжалигига ва 13% саноатга жалб этилди. Бўларнинг ҳаммаси Тайван иқтисодиётининг ривожланишида ташланган ижобий кадам бўлди.

“ЯИМ” замонавий иқтисодий таркибининг шаклланишида, тўғридан – тўғри инвестицияларнинг таъсири катта бўлди. 80 йилларнинг биринчи ярмида “ЯИМ” иқтисодиётидаги тўғридан–тўғри инвестицияларнинг миқдори, ривожланаётган мамлакатлардаги тўғридан–тўғри сармоя қўйилмаларининг 42% ига етди. Саноати ривожланган мамлакатлар орасида АҚШ “янги индустриал мамлакатлар” даги ишбилармонлик сармояларининг энг кузга кўринган инвестори бўлиб ҳисобланади. Улардаги тўғридан–тўғри инвестицияларнинг узиши, хорижий мамлакатлардаги худди шундай инвестициялар умумий миқдорининг 10% ини ташкил этади. “ЯИМ” даги

тўғридан –тўғри инвестицияларнинг микдори бўйича Япония иккинчи уринда туради.

Япония инвестициялари, “ЯИМ” нинг индустриаллашувига ва улар экспортининг рақобатбардошлигини оширишга имконият яратди. Улар “ЯИМ” ни саноатда қайта ишланадиган махсулотларнинг йирик экспортларига айланишида муҳим роль ўйнайди. Бундай инвестициялар фақат 1982-1985 йилларнинг ўзида Тайванда 2 мартадан кўпроқ, Гонконгда 61%га усди.

Бу пайтда Япония сармояларининг иштирокида, ушбу мамлакатларни юқори сифатли тайёр махсулотларнинг экспортёрлари бўлиб қолишига имкон берувчи йирик ишлаб чиқариш базаси ташкил этилди. 80 йилларнинг бошларидан эътиборан, Япония инвестициялар умумий микдорининг ярмисидан кўпрогини ташкил этди ва улар иштирокида станоклар, электроника жихозлари, денгиз кемалари ва бошқаларни ишлаб чиқариш бўйича комплекс барпо этилди.

Осиёдаги “ЯИМ” учун ну нарса характерли бўлдики, улардаги тадбиркорлик сармоялари, биринчи галда қайта ишлаш саноати ва хом ашё тармоқларига томон йўналтирилди. Уз навбатида, Лотин Америкасининг “ЯИМ” даги ишбилармонлик сармоялари эса, кўпроқ савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва қайта ишлаш саноатига жалб этилди. Хориж хусусан сармояларининг кенг миқёсда тарқалиши шу нарсага олиб келдики, “ЯИМ” да хорижий сармоялар иштирок этмаган бирорта ҳам иқтисодий тармок қоламди.

Қуйида 1993 йилдаги Лотин Америкаси ва Осиёнинг “ЯИМ” бозоридаги қўйилмаларнинг даромадлилик даражаси кўрсатилган (%) ларда:

Аргентина –57,96; Бразилия –83,5; Мексика –39,87; Чили –38,92; Индонезия –78,67; Жанубий Корея –26,03; Тайвань –103,98; Таиланд –121,27; Филиппин –165,18.

Кўриниб турибдики, Осиёнинг “ЯИМ” идаги инвестицияларнинг даромадлилик даражаси Лотин Америкаси мамлакатлариникидан сезиларли даражада юқоридир.

***Нима учун хориж хусусий сармояларнинг барчаси Осиё минтақасидаги баъзи бир мамлакатларга нисбатан активроқ кириб боради?***

60 йилларнинг охирига келиб, дунё хўжалиги ривожланишидаги вазият шу қадар мураккаблашдики, трансмиллий корпорациялар ривожланишнинг манфаатлари ва стратегиялари Осиёдаги бир қатор давлатларнинг имкониятлари ва интилишлари билан мослашиб борди. Ривожланаётган мамлакатлар импортидаги турли хилдаги чеклашлар ва уларнинг унча катта бўлмаган тулов қобилятига дуч келаётган трансмиллий корпорациялар, жойларда мос ишлаб чиқаришларни йўлга қуйиш мақсадида, сармояларни четга чиқариш орқали товарлар экспортини қисман янгилаш томон қадам қуймоқда. Трансмиллий корпорацияларнинг худди шу йуалишлардаги фаолияти, ривожланган мамлакатлар туйинган бозорларининг конъюктураси, рақобатнинг авж олиши ва ишлаб чиқариш ҳаражатларини пасайтириш учун курашиш орқали амалга оширилмоқда. Трансмиллий корпорациялар, ўзлари фаолият

кўрсатаётган жойларда ишлаб чиқаришни илмий асосда ривожлантиришга муҳим эътибор қаратади. Характерли томони шундаки, “Осиё аждархолари” халқаро иқтисодий конъюктураларининг бундай ўзгаришларни қабул қилишга ва улардан уз мақсадлари йўлида фойдаланишга тайёр эканлиги маълум бўлди.

Трансмиллий корпорацияларни, айнан Осиё минтақасига жалб қилишда қуйидаги шарт –шароитлар муҳим аҳамият касб этди.

“Янги индустриал мамлакатлар” нинг фойдали жўғрофий ахволи. Уларнинг барчаси дунё савдо иқтисодий йўлларининг чоррахасида, яъни жаҳон хўжалиги марказлари булмиш –АҚШ ва Японияга яқинрок жойлашган.

“Янги индустриал мамлакатлар” нинг барчасида саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан муносиб бўлиб ҳисобланадиган автократик ёки шунга яқин бўлган сиёсий муҳитлар яратилди. Уларда сиёсий барқарорлик таъминланди ва сиёсий ҳамда демократик ўзгаришлар иқтисодий ислохотлар фойдасига томон қаратилди. Хорижий инвесторларга улар инвестицияларининг хавфсизлиги учун юқори даражали кафолатлар таъминланди.

Осиёдаги “янги индустриал мамлакатлар” аҳолисига хос бўлган меҳнатсеварлик, интилувчанлик, тартиблилик, матонатлилик сингари ноиқтисодий омиллар ҳам катта аҳамият касб этади. Бу омилар маълум даражада Осиё ва Лотин Америкасидаги –ЯИМ нинг икки модели ўртасидаги ўзига хос бўлган беллашувда хал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

#### ***Бу моделларнинг ўзига хос томонлари нимада?***

Биринчиси -миллий иқтисодиётнинг ташқи бозор ва экспортга томон устивор йўналишлар орқали ривожланишини тушунтириб беради.

Иккинчи модель –импорт ўрнини эгаллашга қаратилган.

Юқорида биринчи моделда кўрсатиб утилгандек, асрнинг охирига келиб АҚШ, иккинчи жаҳон уришудан кейин –Ғарбий Овропа давлатлари, Япония, кейинчалик эса Осиёнинг ЯИМ ҳам шу йўлдан боришди. Иккинчи модель эса сезиларли даражада Лотин Америкасининг Яим томонидан ўзлаштириб олинди.

Жазон тажрибаси шуни кўрсатадики, импор ўрнини эгаллашга қаратилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиялари бир қатор ривожланган мамлакатларнинг ик тараккиётида муҳим роль ўйнайди. Импорт ўрнини эгаллаш стратегиялари хўжалик таркибининг хилма –хиллигини таъминлаш имкониятини яратади. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда улар учун янги ва муҳим бўлиб ҳисобланувчи мамлакатларда, улар учун янги ва муҳим бўлиб ҳисобланувчи бир қатор ишлаб чиқариш тармоқлари барпо этилди, кўпчилик муҳим йўналишлар бўйича уз –ўзини таъминлаш даражаси усди.

Шунингдек, импорт ўрнини эгаллашнинг динамик ва самарали даври, вақтнинг кўп оралигини банд этмайди. Иқтисодиётни тубдан ислох қилишда асосий йўл бўлиб ҳисобланувчи импорт ўрнини эгаллашга мулжалланган ишлаб чиқаришни ривожлантиришни асосий уринга қуйувчи барча мамлакатларда уз-ўзидан жиддий инқирозлар бўлиб утмоқда. Гап шундаки, хорижий компаниялар имтиёзли кредитлар ва бошқа томондан рақобатлилик

муҳитининг йўқлиги ва протекционизмга асосланган миллий иқтисодий фаолият кўрсатишининг “куллаб –кувватлаб турилувчи” муҳити, тез мослашувчан ва самарали иқтисодий тизимларнинг вужудга келишига йўл қўймади. Умуман олганда, импорт ўрнини эгаллаш сиёсати, ривожланаётган мамлакатлар фаолиятининг дунё хўжалигида туб ўзгаришлар ясашига йўл қўймайди.

Бундан ташқари, импорт ўрнини эгаллаш сиёсати нафақат ташқи омилларни пасайишига йўл қўймайди, балки унинг узишани ҳам таъминлайди. Импорт ўрнини эгаллаш принципларига узоқ вақт таянилганда, колоклигини бартараф этиш имконияти пайдо бўлади ҳамжа миқёсидаги тараккиётга эришишни таъминловчи иқтисодийдаги етакчи тармоқларни вужудга келишга халакит берувчи тўсиқларга барҳам берилади.

Протекционизм, ички бозорларни ва бизнесни химоя қилиш сoralари сифатида қисман самарасиз ишалётганига қарамасдан, унинг монопол ҳолати ва баҳоларининг кескин усаётганлигдан фойдаланиб фойда олаётган маҳаллий корхоналарни куллаб –кувватлайди.

Импорт ўрнини эгаллаш даври, кўпчилик, ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан “янги индустриал мамлакатлар” да ҳам уз ниҳоясига етди.

Импорт ўрнини эгаллаш стратегияси Лотин Америкасидаги ЯИМ (Бразилия, Аргентина, Мексика) учун хилма –хил миллий иқтисодийни барпо этиш ва бир қатор товарларни ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда салмоқли уринни эгаллаш учун имкониятлар яратиб, ўзининг ижобий родини ўйнайди. Нима бўлганда ҳам бу мамлакатлар саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан колоклик даражасини бартараф этиш учун зарурият бўлган шарт – шароитларни ярата олмадилар. Лотин Америкасидаги ЯИМ кучайиб иқтисодий потенциалга эга булишларига қарамасдан, Осиёдаги ЯИМга нисбатан анча колоқ бўлиб ҳисобланади. Масалан, Бразилиянинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) Шарқий Осиёдаги “янги индустриал мамлакатлар” нинг умумий ялпи ички маҳсулотига нисбатан бироз камроқдир. Лотин Америкасидаги экспортнинг салмоқли узишига эга бўлмасдан туриб, уз иқтисодийларини талаб даражасида тубдан ислох қилишга эриша олмадилар.

Иқтисодий узиш суръатларининг натижаларига қараб, ички иқтисодий муаммоларни бартараф этиш учун камчиликларга йўл қўйилди. Бир вақтнинг ўзида ташқи муаммолар ҳам вужудга келди, экспортнинг паст даражада узиши, тулов баланси дефицитнинг ҳамда барча янги кредитларга бўлган талабларнинг узишига имконият яратди. Бу мамлакатлар саноати тараккий этган мамлакатлардан энг илгор бўлмаган техника ва технологияларни колоклик амалга оширилган бундай сиёсатда мустаҳкамланиб қолаверади.

Кайд этиш жоизки, Лотин Америкасидаги янги индустриал мамлакатлар 90 йилларнинг ўрталарига келиб 80 йилларнинг узоқ давом этган инқирозидан чиқиб олди. Амалга оширилган либераль иқтисодий узиш суръатлари кайтадан ортиб бормокда, савдо балансининг ижобий савдосига эришилмокда (Бразилия, Чили).

Лотин Америкасидаги йирик ЯИМ дан бири бўлиб ҳисобланувчи Бразилияда олиб борилаётган сиёсат –бу ерда янгидан очик иқтисодиётни яратишга мулжаллангандир. Бунинг учун ички бозорларда рақобат курашуви мухити яратилаётган бўлиб унга боғлиқ холда импорт тарифларида пасайиш кузатилмокда. 1995 йилга бориб МЕРКОСУР мамлакатлари ўртасида божхона чекланувчиларини тўлиқ олиб ташлаш ҳақида режалаштирмокда. Ушбу эркин савдо зоналарининг таркибига: Бразилия, Аргентина, Парагвай ва Уругвай мамлакатлари киради. Янги ислохотларнинг канчалик муваффиқиятли кечишини яқин келажак кўрсатади.

Осиёдаги “янги индустриал мамлакатлар” иқтисодиётининг экспортга мулжалланган анча самарали ва тез мослашувчан моделини жорий этдилар. Бу модель, маълум давр мобайнида бир вақтнинг ўзида импорт ўрнини эгаллаш сиёсатини уз ичича олади. Экспортга мулжалланган сиёсат ўрнини эгаллашга мулжалланган индустриаллашувнинг тугалланган даврини кайта содир этишни талаб этмайди. Импорт ўрнини эгаллаш ва экспортга мулжалланган сиёсат бир –бири билан тенгма –тенг холда ҳақарат қилиб, баъзи даврларда эса улар бир –биридан устунликка ҳам эга булиши мумкин. Шу билан бир қаторда экспортни кенгайтириш даврига еппасига ўтиш олдидан, импорт ўрнини эгаллаш мамкалар ишлаб чиқаришининг замонавий тизимлари шаклланишининг бошида халқ хўжалиги анъанавий секторини кайта куриш учун ҳаракат қилишди. Бунинг натижасида эса, индустриаллашувга ўтиш мумкин бўлар эди.

Шарқий Осиёдаги, шунингдек жанубий Шарқий Осиёдаги кўпчилик мамлакатларда (Тайванда, 50 –йилларда Ж.Кореяда; 60 йилларда –Малайзияда; 60 йиллар 70 йилларнинг бошларида –Таиландда; 50 йилларнинг бошлари 60 йилларнинг охирида Филиппинда;) импорт ўрнини эгаллаш сиёсати устувор йўналишга эга бўлди. Гонконг ва маълум даражада Сингапур, ўзларининг тарихий шарт –шароитлари, жўғрофий жойлашуви ва ички талабнинг секланганлиги таъсирида ишлаб чиқаришни кўпроқ экспортга қаратдилар. Махаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи чора –тадибрлар, кайта ишлаш саноатидаги фойда меъёрини оширишга олиб келиши, истеъмол махсулотлар, сунгра эса оралик талабга эга товарлар ва узоқ муддатли фойдаланишга мулжалланган товарлар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг аста –секинлик билан импорт ўрнини эгаллашга олиб келиши керак.

Жанубий Корея шу йилларнинг ўзида жаҳон бозорига худди шу махсулотларнинг мос равишда 2,9; 3,4; 9,6; 9,3; 11,1 ва 9,6% ини етказиб берди. Бундан ташқари, унинг жаҳон кемасозлик саноати экспортидаги улуши 13,1% га тўғри келди.

Осиё “Янги индустриал давлатлари” саноат экспортининг юқори динамикасини таъкидлаган холда, айтиш керакки, анъанавий товарлар экспорти ташқи савдо оборотида аввалгидек муҳим, айрим товарлар бўйича эса халқ қилувчи уринни эгалларди. Масалан, хом ашё ва озик-овкатнинг Жанубий Корея ва Тайван экспортидан улуши мос равишда 7,1 ва 7% га тенг эди. 1990-91 йилларда экспортда қиймати бўйича иккинчи уринни Жанубий Кореяда пойафзал, Тайванда эса уйинчоклар ва спорт товарлари эгалларди.

Жанубийи Корея экспортида туртинчи уринда ҳамон синтетикадан тайёрланган текстил товарлари, Тайванникида еттинчи уринда пойафзал туради.

Осиё “Янги индустриал давлатлари” экспорти айниқса машина ва ускуналар экспорти фондида Хиндистон ва Лотин Америкаси ЯИД нинг кучсизланиши сезиларлидир. Агар Лотин Америкаси ЯИД товар экспортини ривожланган давлатлар умумий экспортидаги улуши 1992 йилда 1980 йилга нисбатан унчалик камаймаган (-0,5%) булсада, машина ва ускуналар улуши қарийб 1,8 баробар камайди. Айнан шу машинтехник махсулотлар экспорти ривожланган давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ҳолатлари яхшиланишининг энг муҳим омилдир.

Осиё “Янги индустриал давлатлари”нинг фаол ташқи савдо сиёсати 90-йиллар бошида АҚШнинг Осиё-Тинч океани региони давлатлари билан йиллик ўзаро савдоси ҳажми (128,4 млрд. долл.) биринчи марта Ғарбий Европа билан савдо обороти (117,1 млрд. долл.) юқори бўлди. Бунда Осиё ЯИД (Японияни қушиб ҳисоблаганда) АҚШ бозорида автомобиллар ва электронтехниканинг 30% ини, текстил ва тикувчилик махсулотларининг 50% ини эгаллайди.

Ривожланган мамлакатлар орасида энг йирик чет эл капитали импортёри бўлган “Янги индустриал давлатлар” 80-йиллар охиридан чиқишнинг географияси анча кенг. Бу аввало, илгор саноати ривожланган давлатлар, Осиё-Тинч океани регионидаги ривожланаётган давлатлар, капиталнинг янги бозорларидир. Масалан, Жанубий Корея фирмалари АҚШда аниқ мақсадга йўналтирилган экспорт экспансиясини утказмоқдалар. Америка иқтисодиётига капитал куйиб, Жанубий Кореяликлар энг янги технологияларга йўл очмоқдалар. Бошқа Осиё “аждархо”ларига ҳам капитал олиб чиқишни кўпайтирмоқдалар. Масалан, Тайваннинг китъадаги қариндоши Хитойга бўлган кизикиши жуда сезиларлидир. 90-йиллар ўрталарида Тайваннинг ХХРдаги инвестициялари 9 млрд. долл.дан ошиб кетди. Уз навбатида Гонгконглик ишбилармонлар ХХРда руйхатга олинган қушма қорхоналарнинг ярмидан кўпогини ташкил қилганлар. Кейинги йилларда Осиё ЯИД Россия товар ва инвестициялар бозорларида ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Бу ерда олдинги уринда Корея Республикасининг ишбилармонлари бормоқдалар. Айтиб ўтиш керакки, Осиё-Тинч Океани региони давлатларининг ички регионал товар айирбошлаш (1,9-2,1 трлн долл.)дан Россия ҳисобига бор-йути 1% тўғри келади. Бу эса, Россиянинг буюк Осиё-Тинч океани давлати деган мавқеига мос келмайди. Шунинг учун “янги индустриал давлатлар” билан ҳам, Осиё-Тинч океани минтақасининг бошқа давлатлари билан ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш Россиянинг муҳим стратегик вазифасидир.

XX-асрнинг 50-йилларида руй берган жаҳон хўжалиги байналмилаллашуви жараёнининг тезлашиши ривожланаётган давлатларни, биринчи навбатда “янги индустриал давлатлар”ни ҳам қамраб олди.

Ишлаб чиқариш, меҳнат ва капитал бозорлари товар айирбошлаш жараёнларининг байналминаллашишига молия бозорларининг байналминаллашуви қўшилди. Бу ЯИД нинг валюта ахволи қулайлиги ва

уларнинг кредит имкониятининг усиши, миллий молия бозорларининг ривожланиши, молиявий салоҳиятининг ошиши билан боғлиқ. Кўпгина “янги индустриал давлатлар” миллий молия бозорлари ташкил топишининг биринчи босқичидан ўтдилар ва улар фаолиятини либераллаштиришнинг иккинчи босқичига киришдилар. Бу эса уларнинг халқаро молия муносабатлари тизимига фаол интеграциялашувига асос яратилди. Капитал ҳаракати байналминаллашуви жараёни хатто ривожланган давлатлар орасида ҳам якунланишдан узоқ, ривожланаётган давлатлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шунга қарамасдан, баъзи бир “янги индустриал давлатлар” бу йўлда сезиларли кадамлар куйдилар. Бунга 70-йилларда янги халқаро молия марказларининг ҳосил булиши ва тез усишини киритиш мумкин. Аввало Сингапур ва Гонконгда. Тайван XXI аср бошида Осиё-Тинч океани регионидаги йирик валюта-молия марказига айланишни уз олдиға мақсад қилиб куйди. Осиё ЯИД халқаро молия марказлари кредит-молия операциялари утказиш миқёси бўйича Лондон, Париж, Цюрих каби йирик молия марказлари билан бир қаторға чиқиб, уларни ссуда капитали бозоридан жиддий сиқиб чиқардилар.

Осиё ЯИД иқтисодий эвалюциясининг характерли томони, уларнинг бирига кизикишининг тобора ошиши бўлиб қолмоқда. Фақат саноати ривожланган Фарб давлатларига йўналтириш устивор тенденцияси, уз региони ва яқин бўлган субрегионда савдо-иқтисодий ҳамкорлар қидирилиши билан тулдирилмоқда. Аммо бу Осиё ЯИДнинг уз махсулотлари рақобатбардошлилигини оширишға эътибор бермаяпти дегани эмас. 90-йиллар ўрталарида товарларнинг рақобатбардошлиги бўйича жаҳондаги биринчи бешликда Сингапур, Гонконг, Тайван бор.

Бу давлатларда қабул қилинган иқтисодий стратегиянинг асосий йўналиши бўлиб илмталаб махсулотлар ишлаб чиқариш қолмоқда. Меҳнат талаб ва паст рентабелли ишлаб чиқаришлар “иккинчи оқим” ЯИД, шунингдек, Хитой ва Вьетнамға “топширилмоқда”. Натижада бу ишлаб чиқаришларни бир пайтлар содир бўлган саноати ривожланган давлатлардан биринчи авлод “янги индустриал давлатлар”ға кучиш жараёни амалда кайтарилмоқда.

ЯИД ривожланишидаги кулга киритилган ютукдар, уларнинг жаҳон хўжалигига интеграцияси улар, иқтисодий усишининг истикболлари, *холк*, турмуш даражасининг усиш ва уларнинг ташқи иқтисодий экспансияларининг ошиши етарли даралжада қулай деб ишонч билан айтишға имкон беради. XXI асрда бу давлатлар жаҳон иқтисодий хукмронлигида юқорирок, урин эгаллайдилар ва янги муҳим натижаларни намойиш қиладилар. Жаҳон банки прогнозларига караганда, яккин 10 йил мобайнида усишнинг ўртача суръатлари Жанубий Осиёда - 5,49%, Шарқай Осиёда - 7,7%, Лотин Америкасида - 3,5% ни ташкил қилади. Шарқий Осиёда киши бошиға тўғри келадиган даромаднинг усиши 1996-2004 йилларда йилиға 6,6% га тенг булиши кутилмоқда. Ўрта х,исобда ерда яшайдиган х,ар бир кишиға тўғри келадиган даромад йилиға 1,9% га усади.

## **Адабиётлар**

1. Андрианов В.Д. Новые индустриальные страны. - М.: Наука, 1990.
2. Лаврентьев В.Н, Новые индустриальные страны Азии: перестройка промышленной структуры. - М.: Наука, 1990.
3. Сучева В.А. Труженики четырех “маленьких драконов”. - М.: Наука, 1991.
4. Шодиев Р., Р.Махмудов “Жаҳон иқтисодиёти”. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2005.
5. Ҳақимова М.А. «Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар» Т., “Меҳнат”, 1997.
6. Ҳақимова М., Хўжаев Х., Махмудов Б. “Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар”.- Т., “Ўқитувчи”, 1996.
7. Авдокушин Е. Ф. Международные экономические отношения. Учебное пособие. М. 1996.
8. Алимов А. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее. Т., «Ўзбекистон», 1992.

## **9-мавзу: Ривожланаётган мамлакатлар -халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида**

### **Ўқув модули бирликлари:**

1. XX асрнинг 50-йилларидан сўнг жаҳон хўжалигида халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг аҳамиятли томонлари
2. Озод этилган мамлакатлар, «учинчи дунё мамлакатлари», «жануб» мамлакатлари, «периферия» мамлакатлари сифатида.
3. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий белгилари, хусусиятлари ва уларнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрни.
4. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий гуруҳлари ва уларнинг ривожланиш даражасига кўра қолоқ ва ўрта даражада ривожланаётган, ривожланиб бораётган "янги индустриал мамлакатлар"га бўлиниши.
5. Халқаро меҳнат тақсимоотида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳуқуқий қатнашиши, мустақилликка эришиш муаммолари.
6. Ривожланаётган мамлакатларнинг ривожланишида хорижий сармояларнинг аҳамияти.

### **Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари).**

#### **Талаба ушбу мавзунини тўла ўзлаштиригандан сўнг:**

- XX асрнинг 50-йилларидан сўнг жаҳон хўжалигида халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг аҳамиятли томонларини ўрганади;
- озод этилган мамлакатлар, «учинчи дунё мамлакатлари», «жануб» мамлакатлари, «периферия» мамлакатлари ҳақида тушунчалар ва билимларга эга бўлади;
- ривожланаётган мамлакатларнинг асосий белгилари, хусусиятларини билиб олади;
- мамлакатларнинг асосий гуруҳлари, ривожланаётган мамлакатларнинг

ривожланиш даражасига кўра қолоқ ва ўрта даражада ривожланаётган, ривожланиб бораётган "янги индустриал мамлакатлар"га бўлинишини билиб олади;

- халқаро меҳнат тақсимотида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳуқуқий қатнашиши, мустақилликка эришиш муаммолари бўйича билимларга эга бўлади;
- ривожланаётган мамлакатларнинг ривожланишида хорижий сармояларнинг аҳамиятини ўрганиб олади.

XX асрнинг иккинчи яримларидан бошлаб халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг кўпроқ аҳамияти томонларидан бири, уларнинг собик колониялар ва қараш территорияларидаги роли ва аҳамиятини кучайтиришдан иборат бўлиб ҳисобланади. Бу мамлакатларни ҳозирда ривожланаётган мамлакатлар ёки уларни тез тез озод этилган мамлакатлар, «учинчи дунё мамлакатлари», «жануб» мамлакатлари, «Периферия» мамлакатлари сифатида тилга олишади.

Бу мамлакатларда 3,2 млрд га тенг аҳоли яшайди ва улар турли тумандир. Уларда жуда муракаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлар кечмоқда.

Шунга мувофиқ, озодликка эришган мамлакатлар ривожланишининг бош тенденциялари XX асрнинг 60 йилларидан бошланиб, тобора усиб борувчи характер касб этди. Уларнинг энг илгорлари 1950 йилга келиб, ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий муносабатларида «ўртачаларидан» (54 мамлакат) 2,4 марта, нисбатан юксаликка эришди. Асрнинг ўрталаридан бошлаб, юқорида зикр этилган мамлакатлар ўртасидаги ривожланиш даражасидаги фарқ сезиларли даражада ортиб борди. Шунингдек, 1992 йилга келиб ривожланаётган мамлакатларнинг биринчи гуруҳига кирувчи (19 та мамлакат) мамлакатлардаги аҳоли жон бошига «тўғри келувчи ўртача фойда» ўртачаларининг мос даражалигига нисбатан 2,9 баробар, куйи гуруҳлариникига нисбатан эса 12,2 баробар юқори бўлди. Ривожланаётган мамлакатларнинг айнан шу гуруҳларининг таркибида ҳам ўзгаришлари вужудга келди. Шунингдек, улар ҳар бирининг доирасидаги мамлакатларнинг ривожланиш даражалари ўртасидаги боғлиқда ҳам ўзгаришлар юзага келди.

Бу жараёнларнинг натижасида табақалашув иккита асосий кутбдан ташкил топди. Кутбнинг озодликка эришган мамлакатларнинг кўпроқ ривожланганлари жойлашган бўлиб, уларнинг асосийлари форс қурфасида жойлашган бир қатор мамлакатлар – Катар, Кувайт, ОАЭ, Багама, Бермуда шунингдек Жанубий-Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги янги индустриал мамлакатлари бўлиб ҳисобланади. Кутбнинг иккинчи томонидан эса мутлақо тургунлик ҳолатидаги камбағал мамлакатлар жойлашгандир. Бу категорияга 48 та мамлакат таълуқлидир. Улар орасида бир қатор Африка мамлакатлари, шу жумладан Мозамбик (ЯИМ йилига киши бошига 80 доллар), Эфиопия (100 доллар), Сьера Леоне (140 доллар), Берунди (180 доллар), Уганда (190 доллар), Чад ва Руанда (200 доллар) каби мамлакатлар мавжуд. Бу гуруҳга таълуқли мамлакатлардан ташқари, гуруҳ руйхатининг куйи қисмида бир қанча Осиё

мамлактлари кайд этилади. Бўлар: Непал (160 доллар), Бутан ва Вьетнам (170 доллар), Маянма ва бошқалардир.

Ушбу кутблар орасида ривожланаётган дунёнинг қолган қисмлари жойлашади. Бу ҳам уз навбатида, бир хил типда бўлмаган гурухдир. Унинг таркибига кирувчи мамлакатлар кўплаб ижтимоий иқтисоий параметрлар бўйича фаркланади. Россия омилларининг гувоҳлик беришича, энг сунгги кутблар орасида ҳам, уз навбатида табакалашув тенденциялари намоён этувчи ривожланаётган мамлакатларнинг конгломерати жойлашади. Ривожланаётган мамлакатлар табакалашувининг бундай гурухлари баъзи бир мамлакатлар, баъзи бирларининг иқтисодий усиш денамикаларини аниқлаб берса, бошқа бирларининг эса замонавий халқаро иқтисодий доирасида аҳамиятсиз эканлигини кўрсатади.

Иқтисодий усиш жиҳатидан анча муваффақиятига эришган ривожланаётган мамлакатлар орасида олдинроқ озод булишга улгўрган мамлактлар танлаб олган йўналиш кузга яққол ташланади. Усишнинг янги кутблари пайдо бўлади «Янги индустриал» шаклланади.

Ривожланаётган мамлакатларга хос бўлган барча турли туманликларда характерли томонлар ва ўзига хос хусусиятларида, уларнинг умумийлик сифатида карашга имкон берувчи бир қатор умумийликлар ва характеристикаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётнинг кўп укладлилик характерини касб этиш;

Ишлаб чиқари кучлари ривожланиши паст даражада эканлиги, саноат, кишлок хўжалиги ва ижтимоий инфроструктуранинг қолок эканлиги (биринчи гурух «юқори кутб» мамлактларини ҳисобга олмаганда).

Улар иқтисодиёти жаҳон хўжалиги системасига боғлиқ эканлиги, капитаизмни переферик характер касб этиши.

Бу хилдаги жиҳатларни атрофлича караб чиқамиз.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти кўп укладли ижтимоий иқтисодий таркибга асосланади. Бир қатор мамлакатларда капиталистик уклад билан бир қаторда ҳамон уруг-аймогчилик ва патреалхал муносабатлар ҳам мавжуддир. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида давлат ва давлат уклади муҳим рол ўйнайди давлат секторини ривожлантириш босқичи, капиталистик ишбилармонликни кенгайтириш сиёсати билан олиб борилади. Бунинг натижасида эса давлат капитализми пайдо бўлади ва ривожланади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўп укладлиги ҳақида гаприлганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиши лозимки улар асосан кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавкейи юқори бўлган кишлок хўжалиги мамлактлари ҳисобланади.

Кичик товар хўжалиги бевосита патриархал ва натурал муносабатларнинг кенг тарқалганлиги боис, кишлок хўжалигида юқори аҳамиятга эгадир.

Озодликка эришган мамлакатларда амал қилувчи хусусий капиталистик уклад уз ичига капиталистик мулкчиликнинг турли формаларини камраб олади.

Ривожланаётган мамлакатлар бир-биридан хусусий капиталистик муносабатларнинг ривожланиш даражаси бўйича фарк қилади. Иқтисодий жиҳатдан анча илгарилаб кетган ривожланаётган мамлакатларнинг капиталистик бозор муносабатлари системали тузилиш аломатларини касб этади. Шунингдек бир қатор мамлакатларда давлат – монополистик капитализми аломатларининг шаклланиши руй беради. Нисбатан паст даражада ривожланаётган мамлакатлар гуруҳларида миллий-хусусий капиталистик уклад эндигина шаклланиш палласида турибди.

Миллий хусусий капиталистик уклад аломатларининг ривожланиш ва шаклланиши, жамғариш муаммолари (яъни пул ресурсларининг етишмовчилиги билан) ва жамғарилган маблағлар, асосан савдога, (ички ва ташқи), кучмас мулкларни сотиб олишга, машиналарни таъмирлашга страхованияга, бензин куйиш ва бошқалар, шунингдек сармояларни катта қисми айланадиган жойларга йўналтирилади. Ишлаб чиқариш соҳасида капитал фақатгина қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида сарф қилинади. Аммо аксарият ҳолларда озодликка эришган мамлакатлар иқтисодиётида хорижий сармоялар асосий мавқеини эгаллаган бўлиб, улар одатда маҳаллий тадбиркорларга нисбатан ен беришни истамайдилар.

Озодликка эришган мамлакатларнинг кўпчилигида пайдо бўладиган ва ривожланиб борадиган капитализм периферик характер касб этади. Бу шуни англатадики, у саноати ривожланган мамлакатлар капитализмдан нафақат ривожланиш даражаси бўйича, балки энг муҳими, ишлаб чиқариш усулларнинг модели ва моддий неъматлар таксиоти бўйича ҳам тубдан фарк қилади. Капитализм марказлари, жамғаришнинг органик ва ўзаро алоқадор доимий усиш жараёнида, миллий заминда пайдо бўлади ва ривожланади. Бу ерда жадал элементлари ривожланишидаги боғлиқлик мавжуд эмасдур. Мослашувчанлик (имитация) аҳолининг бой, катламлари ўзлари учун зарурий бўлган барча нарсаларни кулга кирита оладиган махсус бозорларнинг ташкил топишидан бошланди. Бундай вазият. Аҳолининг асосий қисмини камбағалликка маҳкум этиб, уларни бозорларда эркин муомалада булиш имкониятидан маҳрум этади.

Трансмиллий корпорациялар томонидан жорий қилинган янги техникалар одатда кечанги кун мос келади, аммо уларнинг бозор нархлари жуда юқоридир.

Периферик капитализмининг ривожланиши асинхроник, нотенг ҳолатда амалга ошади. Иқтисодий усиш ва сиёсий демократия паралел равишда ривожланмай, балки кўпинча тескариҳолатда бўлиб, бир-биридан сезиларли қадарузолашиб боради. Баъзи бор ривожланаётган мамлакатлар периферик капитализм моделини жорийкилар экан, уни четлаб ўтиш мақсадида кўпчилик ҳолларда ўзига хосликларни ҳисобга олиб, ички кучлар ва маблағларни топиш орқали тараккиётнинг юқори чуққилари томон, ҳаракат қилмоқдалар.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларнинг ухшаш томонлари, уларнинг кашшоқлиги, аҳолисининг колоқлиги, ишсизлик даражасининг юқорилиги, саноати ривожланган мамлакатларда катта микдорда қарздорлиги бўлиб ҳисобланади. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар ўзининг тулақонли ижтимоий ривожланиши, аҳолисининг яшаш даражаси бўйича. Шимолнинг

саноатлашган илгор мамлакатларидан 20-50 мартаба оркада қолмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимоотида актив иштирок этиш, жаҳон хўжалиги алоқаларининг анча ривожланган системаси, оддий ва молиявий ресурсларнинг мамлакатлар аро оқиб юрадиган қисми, иктисодий тараккиётнинг чексиз шарт-шароитларига айланиб қолди. Мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида иштирок этиш орқали, ривожланаётган мамлакатларнинг барчаси 70 йилларнинг бошларидан эътиборан халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашиш учун актив равишда интиломқдалар.

Уларнинг халқаро меҳнат тақсимоотида актив иштирок этиш зарурияти шундай асосланиб берилдики, улар тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарқрий бўлган барча нарсаларни етиштириш имкониятига эга эмасдирлар. Хозирги пайтда улар саноати ривожланган мамлакатлар учун хом ашё етиштириб берувчилар ҳамда нисбатан арзон ишчи кучларининг манбаи бўлиб ҳисобланадилар.

Халқаро меҳнат тақсимоотида кўплаб хўжалик фаолияти доиралари жамлангандир. Энг муҳими, халқаро савдо базаларини ташкил этувчи хом ашёлар ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш барча иктисодий ресурсларнинг тасарруф этилиши мумкин бўлган қисмларини ривожланаётган мамлакатлар ва бошқа дунёлар ўртасидаги алмашинувини таъминлайди. Халқаро савдо асосан, энг камбағал ривожланаётган мамлакатлар учун ташқи даромадларнинг анча ишончли манбаи бўлиб қолади. Аммо, материал ва энергия сизимининг камайиши муносабати ривожланган мамлакатнинг усишида табиий хом ашёларнинг халқаро савдодаги тутган урни пасайиб бориш аниқ тенденцияларга эгадир. Шунга мувофиқ, у 1991 йилда жаҳон экспорти умумий улушининг 25% ини ташкил этади. Бир вақтнинг ўзида, бир қатор анъанавий товарларни кузда тутганда айнан уша ривожланаётган мамлакатлар ўртасида улашларнинг қайта тақсимланиши содир бўлаётир. Шунга кура, 70 йилларда 90 йилларга қадар, Африкадаги ривожланаётган мамлакатларнинг умумий экспорт ҳажмидаги улуши кискариб борганлиги қайд этилади. У Осий мамлакатларидан жунатилаётган молларнинг доимий усаётганлигига қарамасдан, 2 баробардан кўпроқ пасайиб кетади. Экспортни асоси ҳам ашёлардан иборат бўлган ривожланаётган мамлакатларда, уларнинг жаҳон бозорида эгаллаб турган позицияларининг ёмонлашувини тухтатиш имкониятига эга бўлган қўшимча экспорт ресурсларини излаб топишга кучли эҳтиёж сезилмоқда. Бунинг учун, экспортнинг хилма-хиллигини таъминлаш: яъни чиқариладиган хом ашёларни қайта ишлаш, бошқа турдаги саноат маҳсулотлари ва бошқаларнинг жаҳон бозоридаги эркин ҳаракатини таъминлаш, энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Анъанавий товарлар экспорти ҳажмини кенгайтириш борасидаги кўпчилик муаммоларга қарамасдан, ривожланаётган мамлакатларнинг умумий жаҳон экспортидаги улуши секин асталик билан ошиб бормоқда. Шунингдек, у 1987 йилдаги 22% урнига 1992 йилга келиб 24,7% га қадар ортди. 1993 йилга келиб, улар экспортнинг физик ҳажми, саноати ривожланаётган мамлакатларда 1,2 % га кискарганига қарамасдан, яна 10% га ортди. Ривожланаётган

мамлакатлар жами экспортни таркиблаштириш жараёни содир булмокда. Шунингдек, ривожланаётган мамлакатлар экспортдиги саноат молларнинг улуши (рангли материалларни ҳисобга олганда) 1991 йилда 57,7% га етди. (минералли иситгичлар ҳисобга олинмаган 77,3%). Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон саноати экспортидаги улуши ҳам ушиб бормокда. У 1991 йилда, 1980 йилдаги – 11: ва 1970 йилдаги – 7,6% га нисбатан таккослаганда 19,5%га етди. 90 йиллар ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги улуши доимий ушиб тенденциясига эга, бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради. 90 йилларнинг ўрталарида уларнинг улуши саноат моллари экспорт ҳажмининг ушиб муносабати билан 25% га кўпиди.

Саноат экспорт ҳажмининг ушибида, машина ва асбоб – ускуналар энг муҳим роль ўйнайди. Уларни экспорт қилиш 1970-1991 йиллар оралгида 90 маротаба яқин ушиб боради ва уларнинг ушибида саноатнинг умумий улуши 35,7% ни ва товар экспортининг умумий ҳажми 22% ни ташкил этади. Умумий маълумотларга караганда, жаҳон саноати экспортида ривожланаётган мамлакатлар улушининг ортиб бориши, моҳият ва масштаб жиҳатдан алоҳида мамлакатлар эришган турли хилдаги ютуқлардан ташқил топади. Шунингдек, баъзи бир мамлакатлар 1980-1992 йиллар мобайнида хом ашёларни четга чиқариш ҳисобига ўзларининг халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашиш имкониятларини кучайтиришга эришдилар. (тахминан. Уларнинг сони 12 мамлактни: Эрон, Конго, Боливия, Парагвай ва бошқаларни ўзичига олади). Бошқа мамлакатлар эса, ўзларининг жаҳон экспортидаги шахсий улушларини, саноатда қайта ишланадиган маҳсулотларнинг ташқи бозордаги актив ҳаракати ҳисобига ошириб бордилар. Уз навбатида, мазкур гуруҳлар ўртасидаги алоҳида мамлакатлар эришган муваффақиятлар ҳам алоҳида ажратиб кўрсатилади. Олдинги уринда «янги индустриалмамлакатлар» бормокда. Бошқа ривожланаётган мамлакатлар эса, экспортнинг асосини ташкил этувчи саноатни кучайтириш ва кенгайтириш борасида энг кам улушни кулга киритдилар. Баъзи бирлари эса, масалан, Африканиннг энг йирик мамлакати ҳисобланмиш Нигерия, ўзларининг саноат экспортидаги улушларини кискартириб ташладилар.

Халқаро савдо мисолида, ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок этиш натижаларини баҳолаш орқали жаҳон хўжалиги тизимининг бутунлай нотенглик асосида қурилганлигини куриш мумкин. Баъзи бир мамлакатлар ФТТ ютуқларидан фойдаланаётган бир пайтда, ривожланаётган дунёнинг қолган қисми олдиндек анъанавий индустриаллашувига, баъзи бир қисми эса индустриаллашувигача бўлган технологияларга асосланиб тараккий этмокда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ахволи билан боғлиқ бўлган умумий ҳолатларни характерлаш орқали шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, қолок ривожланган мамлакатлар борган сари халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидан «ажратиб» қўйилади. Бу билан боғлиқ бўлган фикрлар 1996 йилда савдо ва ривожланишга бағишлаб утказилган (ЮНКТАД). БМТ конференциясида тақдим этилган (доклад) маърузаларининг авторлари томонидан келтириб утилган.

Доклад авторларининг фикрича Уругвай, Раунди, доирасида амал килувчи глобал савдо битими маконини олган ГАТТ – кишлок хўжалиги махсулотларини экспорт қилишда субсидитларини кискартириш кераклигини таъкидлаб утади. Бундай вазият, кучсиз ривожланган мамлакатларга нисбатан кучли зарба бўлиб туради. Бугодой. Канд, гушт ва бошқа турдаги озик-овкат махсулотларининг бозор нархлари ошиб бормокда. 2000 йилга бориб, энг камбагал мамлакатларнинг жами йиллик савдо камомади 300-600 млрд. долларга усади.

Дунё савдосида хом-ашёлар ва озик-овкат махсулотлари улушининг кискариши муносабати билан уларни ишлаб чиқаришга бўлган ихтисослашув ўзининг етакчилик ролини йўқотди. Иқтисодий усишни куллаб-куватлаш мақсадидаги хом-ашёвий ихтисослашув вақтигина ўзининг ёрдамчилиги ролини бажаришга кодирдир. Иқтисодий усишга нисбатан зарурий бўлган денимикани беришда, халқаро иқтисодий алмашувининг оддий саноат товарлари ва хизматлари бозор каби шундай доирасини ўзлаштириш лозимки, бунда меҳнат сизими анча юқори бўлади. Халқаро савдонинг ривожланиш тенденциялари гувоҳлик берадики; сунги ун йилликларда турли хилдаги хизматларнинг ҳажми ва аҳамияти бекиёс даражада усиб даражада усиб бормокда.

Ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг бу йўлдаги имкониятларидан актив равишда фойдаланишлари мумкин ва фойдаланмоқдалар ҳам. Масалан, сайёхлик ва меҳнат билан боғлиқ хизматлар турли хилдаги «ифлос» ва паст маош туланадиган ишлар учун ишчи кучларини экспорт қилиш шулар жумласидандир.

Сайёхлик кўп пайдан буён, кўпчилик ривожланаётган малакатлар учун хорижий валюталар тушумининг асосий манбаларидан бирига айланиб колди. Шунингдек, Египит учун туризм СКВни манбаларининг аҳамияти бўйича, хорижий мамлакатларда вақтинчалик банд бўлган египитлик ишчилар ҳисобидан утказиладиган валюталар ва хорижий ёрдамлардан кейинги учинчи уринни эгалайди. Сунги йилларда туризм Туркияда юқори суратлар билан ривожланиб бормокда. Бу кўрсаткич туризмнинг умум жаҳон миқёсидаги 4% ли усиш кўрсаткичи билан тақосланганда, йилига 8%ни ташкил этади. Туркия кўпроқ миллий иқтисодиёт ушбу тармогининг динамик ривожланиши билан фарк қилувчи беш мамлакат қаторига киритилади. Шу нарса кутиладики, 2005 йилга бориб бу мамлакат сайёхликдан тушадиган даромаднинг улчами бўйича дунёда бчи уринни эгалайди.

Туркия рекреацион хизматларнинг паст баҳолари билан боғлиқ бўлган имкониятларига мофик асосий ракиблар ҳисобланиш Греция ва Испанияда бўлган рақобатда галаба қозониш эҳтимолига эгадир. Сунги йилларда ишчи кучларини экспорт қилишдан келадиган валюта тушумлари айнан ривожланаётган мамлакатларда анча юқори суратлари билан усди ва йилига 10% ни ташкил этди. Бу манбаларда сезиларли суммаларни кулга киритаётиб, кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар ишчи хизматлар бўйича ўзларига мос бўлган экспорт ихтисослашувларини яратмоқдалар. У қисман,

валюта бўлиб ҳисобланади. 80 йилларнинг бошлардан эътиборан токи ҳозирги вақтга қадар ишчи кучларини экспорт қилиш, Покистон иқтисодиётига антисасарали таъсир кўрсатмоқда. Покистон учун хорижий мамлакатлардаги ишчилар ҳисобидан утказилаётган валюта тушумлари, товарлар ва хизматларни экспорт қиладиган тушумлардан беш мартаба ортиқдир. Бу кўрсаткич Египт учун 4040ни, Марокко учун – 50%, Туркия учун – 60 Хиндистон учун – 80%ни ташкил этади.

«Кашшоклик боткоги»дан кутилишга интилиш, иқтисодиётнинг илгор тармоқлари ривожланишга имконият яратиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, ривожланаётган мамлакатлардан хорижий сармояларни изчил жалб қилишни талаб этади. Бундай мақсадларда, инвестиция муҳим кафолат шарт-шароити мавжуд бўлган махсус иқтисодий зоналар ташкил этилади.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларни кучайтириб бериш жарёни осон кечмади. Шунингдек 1992 йилда ривожланаётган мамлакатларга киртилган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг миқдори 51,5 млрд. долларни ташкил этган даражасига нисбатан икки баробардан ҳам кпроқдир. Жаҳон банкининг маълумотига қараганда , ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хусусий капиталларни жалб қилиш 1994 йилга келиб янада кучайди ва 1990-93йиллари оралигидаги даврлар билан таққослаганда унинг узиш даражаси тез қисқарганлигига қарамасдан, унинг миқдори 173 млрд. долларга тенг бўлган рекорд натижага эришди. Шунга қарамасдан , янги фонд бозорларидаги акцияларга банд этилган портфель қўйилмалар 1993 йилдаги 46,9 млрд. долларга тенг бўлган рекорд даражадан 39,5 млрд. долларга қадар пасайиб борди. Уз навбатида банкларда депонитланган ва облигацияларга қўйилган хусусий сармояларнинг қиймати 45,7 млрд. доллардан 55,5 млрд. долларга қадар узиб борди, тўғрисида тўғри хорижий инвестициялар эса 66,6 млрд. доллардан 77,9 млрд. долларга қадар ошди. Қайд этиб ўтиш жоизки, 1993 йилда ривожланаётган мамлакатларнинг ўзлари ҳам 14 млрд. доллар миқдоридаги сармояни хорижий мамлакатларга экспорт қилдилар.

«Эрнест ва Янг» америка консолтинг фирмаларнинг берган баҳоларига қара яқин йилларда ривожланаётган мамлакатлардан энг қизғин кўринганлари: Хитой , Хиндистон , Индонезия , шунингдек Мексика ва Бразилия каби мамлакатлар булиши мумкин.

Ривожланаётган мамлакатлар хусусий сармояларини жалб қилар экан энг муҳими , улар динамикали узиш имкониятига эга бўлган ва иқтисодиётнинг истикболи порлоқ бўлган мамлакатлар томон илгарилаб бормоқда. Бугунги кунда хусусий инвестицияларнинг 80% ривожланаётган мамлакатларнинг 2040га тўғри келмоқда. Бунда асосий уринни Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари эгалламоқда. Кучсиз ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг туйрунлиги ва энг муҳим сиёсий вазиятнинг борқарорлиги, кўпинча саноати ривожланаётган мамлакатлардан келаётган ишбилармон доираларни қучитиб қуймоқда. Ушбу мамлакатлар томонидан уюштирилаётган давлат ёрдамлари, сунги йилликлар давомида етарли даражада барқарор амалга

оширилган бўлиб, 90 йилларининг ўрталаридан этиборан уларнинг миқдори сезиларли даражада кискартирилган. Халқаро валюта фонди аналитик маълумотларга караганда 1994 йилда бутун дунё бўйича инфляциянинг олдини олиш мақсадида давлат йқллари орқали 59 млрд. долларга тенг бўлган расмий ёрдамлар уюштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 1993 йилдагига нисбатан 3 млрд долларга камдир. Ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро давлат миқёсида ҳамкорлиги ўзининг меёрига етган 1990 йилдаги даражаси билан таккослаб курилганда, бу ракам 12 млрд. долларга камайиб борган. Бу пайтда иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан уюштирилаётган ёрдам ҳаммаси бўлиб, улар жами ялпи миллий махсулротнинг 0,3% ини ташкил этган муҳим томони шундаки, Африка мамлакатларига нисбатан уюштирилаётган барча ташқи ёрдамнинг қарзларнинг фоймзлари шаклида ғарбги томон қойтиб кетмоқда, 90 йилнинг ўрталарида Африканинг Сахарадан жанубга бўлган минтақасидаги мамлакатларнинг қарзлари 211 млрд. долларни ташкил этган булса, 1984 йилдан буён Африка давлатлари кредитларига қарзларининг 150 млрд долларига яқинини тулашга мувофак бўлдилар . Африканинг барча минтақаларидаги умумий қарзлари 303 млрд. долларни ташкил этиб, у Африка мамлакатлари йиллик экспорт даромадларининг 204% гача тенгдир.

1994 йилнинг охирига келиб энг катта ташқи қарз Мексика ва Хитойда бўлиб, унинг миқдори Мексикада 5 млрд. долларни , Хитойда 111 млрд. долларни ташкил этади. Осиё мамлакатлари бўлиб ҳисобланувчи- Тайланд, Жанубий Корея , Хиндистон , Филипин каби давлатларнинг ташқи қарзлари тез суратлар билан ушиб бороқда. Осиё минтақаси ривожланаётган мамлакатларнинг дунё миқёсида ушиб бораётган қарзларининг ярмисига яқинини ўзи жамлаган бўлиб, унинг миқдори 1994 йилнинг охирига келиб, 1,7 трлн. долларни ташкил этди ёки 1993 йилги даражага нисбатан 10% юқоридир. Ташқи қарздорларнинг бундай ушиб, янги давр тарихида эришилган рекорд натижа бўлди.

Лотин Америка мамлакатлари ташқи қарзларининг ушиб бораётганлиги ҳам бир неча бора кўрсатилди 3% мавжуд ташқи қарзларни аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланганда мазкур мамлакатлари бошқа мамлакатларга караганда анча олдинда туради бу кўрсаткич Осиёда 250 долларга тенг булса, Лотин Америкасида эса 1000 долларни ташкил этади.

Ривожланаётган мамлакатлар амалдаги қарзлари хусусий капитал қўйилмалари ҳисобтдаги мулкӣ муносабатлар орқали тупланиб боради. Кредитор мамлакатлар орасида Япония биринчи уринни эгаллаган бўлиб, унинг ривожланаётган мамлакатлардаги , биринчи навбатда Осиё мамлакатларидаги қарзларининг миқдори 236 млрд. долларга етди. Кейинги уринни – 147 млрд. доллар миқдоридаги кўрсаткич билан АҚШ эгаллаган бўлиб, уларнинг ярмиси Лотин Америкаси мамлакатларига тўғри келади. Учинчи уринда эса Германия туради – 106 млрд. доллар миқдоридаги сармояларни четга чиқарган мамлакат бўлиб ҳисобланади. Уз навбатида Франция ҳамхорижий мамлакатларга унча катта миқдорда бўлмаган кредитларни берувчи давлат ҳисобланади – унинг

миқдори 103 млрд. долларни ташкил этади. Унинг қарздорлари бўлиб, асосан Африка ва Осиё мамлакатлари бўлиб ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатлар томонидан қарзларнинг қайтарилиши энг оғир муаммо бўлиб қолаётган бир пайтда, қарздорликка қарши курашнинг бирдан-бир йўли, бу кредитормамлакатлар қарзларининг кечиб юбориладиган умумий миқдорини 75-100%га етказиш кузда тутилган бўлиб, бундан кўзланган бош мақсад, 80 йиллардан буён қарзларининг миқдори юқори суръатлар билан ушиб келаётган мамлакатларга нисбатан енгиллик беришдан иборатдир.

Юқорида таъкидлаб утилганидек, янги халқлар меҳнат тақсимооти, кўпчилик ҳолларда трансмиллий корпорациялар томонидан шакллантирилади. Улар айнан ривожланаётган мамлакатларни уз манфаат зоналари деб билиб, уз ишлаб чиқаришларини ушбу зоналарга жойлаштирадиларки, у ерда ишлаб чиқаришни ташкилд этиш иқтисодий ва технологик жиҳатдан юқори фойда келтиради.

Трансмиллий корпорациялар ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг кенгайиши асосан 80 йиллардан бошланди. Бунга кўп жиҳатдан , ривожланаётган мамлакатларда қабул қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳақидаги бир қатор қонунларнинг қайта кўриб чиқилиши , катта имкониятлар яратди. Бу йилларда трансмиллий корпорациялар ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида пайдо бўладиган ҳар хил келишмовчилик ҳолатларнинг суд орқали муҳокама этилиши камайиб бераётганлиги ва қандай ҳолатларга барҳам бераётганлиги қайд этилади.

Трансмиллий корпорациялар кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда юксак ўзгаришларни вужудга келтираётганлиги билан бар қаторда, ушбу корпорациялар техник тараккиётининг ички омилларига жуда катта имкониятлар очиб бермоқда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, трансмиллий корпорациялар “учинчи дунё” мамлакатларининг ривожланишида юксак аҳамият касб этмоқда. Бўлар қуйидагиларни уз ичига олади:

Бир қатор тармоқларда қулланиладиган техника ва технологиялар етказиб бериш (енгил саноат, туқимачилик саноати, электрон саноати). Трансмиллий корпорациялар инвестор сифатида ҳам, шунингдек инвестиция товарлари ёки технологияларини (лицензияларини) етказиб берувчилар сифатида ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ривожланаётган мамлакатларни хом ашё экспорт қилувчилардан тайёр маҳсулотларнинг сотувчиларига айлантириш. Бундай бевосита қўйилма, ривожланаётган мамлакатлар ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлар учун тўғридан тўғри инвестициялар йўналишидаги молиявий ресурсларни оддий жойлаштиришга нисбатан анча муҳим ҳисобланади.

Шу жумладан, трансмиллий корпорациялар анъанавий жараёнларининг тезлашувини таъминлайди. Технологик инновацилар асосан саноати ривожланган мамлакатларда тупланган бўлиб, сунгги 10 йилликларда улар бир қатор мамлакатларда, асосан “янги индустриал муҳитда” кўпроқ тарқалгандир. Технологияларни қулланиши, атроф-муҳит билан боғлиқ булиши мумкин. ТМК филиалларининг фаолияти улар танлаган мамлакатларнинг табиати учун,

шунингдек инсонларнинг манфаати ва уларнинг ҳаётига таҳдид солмаслиги лозим. Шу муносабат билан хусусий шунингдек хорижий корхоналар устидан назоратни урнатиш мақсадида ривожланаётган мамлакатлардаги тартибот миллий органларининг фаолиятини кучайтириш талаб этилади.

Шунингдек, ТМКлар ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд бандлик муаммоларини ҳам бартараф этадилар. Шунга қарамасдан, таъкидлаб ўтиш жоизки, тўғридан –тўғри инвестициялар билан бевосита боғлиқ бўлган ишчи уринлар унчалик кўп бўлмасдан ривожланаётган дунёдаги иқтисодий актив аҳолининг 1% идан камроқ қисмини таъминлай олади.

Халқаро ташкилотлар ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдамларини кўрсатишда ТМКлар имкониятидан фойдаланишни таклиф этадилар. Уз навбатида ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматлари ҳам ТМКларни уз иқтисодиётларига кўпроқ жалб этиш борасида кураш олиб бормокдалар. Бунга куйидаги мисолни келтириб ўтишимиз мумкин. “Женерал моторс” америка компанияси 2005 йилга бориб ўзининг осие –тинч океани минтақаси бозоридаги улушини икки баробарга ошириш мақсадида, унинг 10% га кадар кўпайтиришга ҳаракат килмокда. Бундай мақсадларда компания Филиппинда ёки Таиландда қиймати 1 млрд. Долларга тент бўлган машина ва эхтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи заводни бунёд этишга ҳаракат килмокда. Мутахассисларнинг фикрича, Таиланд автомобил бозорларининг ривожланиши учун энг қулай жой бўлиб ҳисобланади. Шунинг билан бир қаторда, Филиппин ҳам “Женерал моторс” компаниясига солиқ ва бож енгилликлари билан боғлиқ бўлган бир қатор шарт –шароитларни таклиф этмокдаки, бўларнинг барчаси завод курилиши билан боғлиқдир.

Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг объектив қонунларига бўйсунган ҳолда, ривожланаётган мамлакатлар хусусий мақсадлар билан ижтимоий –иқтисодий муаммоларнинг ҳамда ТМКларнинг мамлакатлар иқтисодиётидаги манфаатларига мос келувчи зарурий параметрларни излаб топмокдалар.

#### Адабиётлар

1. Международные экономические отношения /Под ред. Хасбылатова Р.И. М.: Новости, 1991.Т.
2. Пейро М. Международные экономические, валютно-финансовые отношения. - М.: Прогресс-Университет, 1994.
3. Нухович Э.С., Симитиенко Б.М., Эскидаров М.А. Мировая экономика на рубеже XX-XXI веков. - М.: Финансов. Академия при правительстве РФ, 1995.
4. Основы внешнеэкономических знаний / Под ред. Фаминского И.П. - М.: Международные отношения, 1994.
5. Шодиев Р., Р.Маҳмудов “Жаҳон иқтисодиёти”. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2005.
6. Ҳақимова М.А. «Халқаро иқтисодий муносабатлар» Т., “Меҳнат”, 1997.

7. Ҳақимова М., Хўжаев Х., Маҳмудов Б. “Халқаро иқтисодий муносабатлар”.- Т., “Ўқитувчи”, 1996.
8. Авдокушин Е. Ф. Международные экономические отношения. Учебное пособие. М. 1996.
9. Алимов А. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее. Т., «Ўзбекистон», 1992.

### **10-мавзу: Халқаро иқтисодий интеграция ва унинг миллий хўжаликлар ривожланишига таъсири**

#### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, кўринишлари.
2. Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиш босқичлари.
3. Европа Иттифоқи ташкилотларининг ташкил топиш механизми.
4. Шимолий Америка интеграция йўли (НАФТА).
5. Тинч океани ҳамкорлиги ташкилотининг ташкил топиши.
6. Халқаро ташкилотлар классификациясига умумий тафсир.
7. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизимида кирувчи иқтисодий ташкилотлар ва уларнинг вазифалари.
8. Халқаро молия-валюта ва кредит ташкилотлар.
9. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ташкилотларда қатнашиши.

#### **Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабанинг вазифалари).**

##### **Талаба ушбу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:**

- халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, кўринишларини ўрганади;
- Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиш босқичларини билиб олади;
- Европа Иттифоқи ташкилотларининг ташкил топиш механизми, Европа бўшлиғи ҳақида билимларга эга бўлади;
- Шимолий Америка интеграция йўли (НАФТА), Тинч океани ҳамкорлиги ташкилотининг ташкил топиши, Халқаро ташкилотлар классификациясига умумий тафсир беради;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизимида кирувчи иқтисодий ташкилотлар ва уларнинг вазифаларини ўрганади.

XX асрнинг иккинчи ярмида хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви замонавий жаҳон хўжалиги ривожланишининг илгор анъанасига айланди. Жаҳон хўжалиги глобал байналминаллашувининг асосий анъаналаридан бири у ё бу давлат ёки энг ривожланган давлатлар гуруҳининг кенг таъсир зонаси вужудга келишида намоён бўлмоқда. Бу давлатлар ва давлатлар гуруҳи жаҳон хўжалиги алоқалари океанида ўзига хос китъалар ҳосил қилиб бошқа давлатларни уз атрофида бирлаштирувчи ўзига хос интеграцией марказларга айланмоқдалар.

Иқтисодий интеграция уз навбатида, бу жараён қатнашчилари давлатлар ўртасида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашувига имкон яратмоқда. Иқтисодий интеграцияга бошловчи жараёнларни схемали тарзда қуйидаги ўзаро боғлиқ (кайта боғлиқ) занжирда тасвирлаш мумкин: ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши - халқаро меҳрат тақсимооти - ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашувига - иқтисодий интеграция. Иқтисодий интеграцияга иккита омил катта таъсир кўрсатади: илмий-техник инқилоб ва трансмиллий корпорациялар.

Жаҳон хўжалигида интеграцион жараёнлар ривожланишининг тупланган тажрибаси иқтисодий интеграция хосил бўлиши ва ривожланишининг қуйидаги турт босқичидан ўтишга гувоҳлик беради:

1. Тариф ва бошқа чекланишларни бекор қилиш билан эркин савдо зонасини таъсис қилиш;

2. Савдода меҳнат ва капитал ҳаракатида ягона тарифлар урнатиш билан божхона иттифоқ ташкил қилиш;

3. Қатнашувчи давлатлар иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштириш билан ҳеч қандай дискриминациясиз иқтисодий иттифоқ;

4. Ягона иқтисодий сиёсат, умумий валюта ва давлатдан юқори турувчи тартибга солувчи органларга эга тўлиқ интеграция.

Охириги икки босқич ўзида у ёки бу интеграцион гуруҳга хос бўлган томонлар билан боғлиқ маълум кичик босқичларни жамлаши мумкин.

Минтақавий интеграция иккита даражада руй беради. Уз хўжалик фаолиятида интеграцион жараёнларга киришувчи алоҳида компаниялар даражасида. Давлатнинг жамоа ёки бир томонлама) бир мақсадга йўналтирилган фаолияти у ёки бу давлатлар гуруҳи доирасида меҳнат ва капитални бир-бирига боғлаш интеграцион жараёнларига шароит яратганда, ўзига хос интеграцион воситалар ишлашини таъминлаганлигини давлатлараро даражада.

Иқтисодий интеграция Ғарбий Европада энг тўлиқ ривожланди. Объектив иқтисодий жараёнлар билан бир қаторда Ғарбий Европа интеграцияси В. Гюго, И. Кант каби Европа сиёсий, жамоат арбоблари ва файласуфлари томонидан олға сурилган ягона Европа гояси билан ҳам сугорилган.

Европа иттифоқи (ЕИ) ташкил топиши ва ривожланишининг янги тарихи 1951 йилдан бошланди. Шу йилнинг апрелида 6 давлат - Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург аъзо бўлиб кирган. Европа кумир ва пулат бирлашмаси (ЕКПБ) ҳақидаги битим имзоланди. Бу Ғарбий Европа интеграциясининг ўзига хос кириш қисми эди. Унинг хосил бўлиши ва ривожланишининг реал бошланиш вақти юқоридаги давлатларда 1957 йилдан Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИЖ) ва атом энергияси бўйича Европа Ҳамжамияти (Евроатом) ҳақидаги битимлар имзоланган. Ҳамжамият таркибига ривожланиш даражаси юқори бўлган давлатлар кирди. Бу эса, кейинги 15 йил мобайнида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатида бўлишини кўп жиҳатдан таъминлади.

Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиши 50-йиллар охиридан

хозирги вақтгача нотекис ва қарама-қаршилиқлар билан кечди. Шу билан бирга Европа Иқтисодий Ҳамжамияти ташкил қилишда унинг олдида қўйилган мақсад ва вазифалар, унинг бутун фаолияти давомида етарли даражада тўлиқ ва муваффақиятли амалга оширилди.

Ғарбий Европа интеграцияси ривожланишини рамзий равишда турт босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич (50-йиллар охири - 70-йиллар ўрталари) Ҳамжамият ҳаётида “олтин аср” ҳисобланади. Унда божхона иттифоқи мулдатдан олдин тузилди, ягона аграр бозори нисбатан муваффақиятли яратилди, ЕИХга учта янги давлат: Буюк Британия, Дания ва Ирландия кирди.

ЕИХ ёки уни кўпинча айтганларидек, “Умумий бозор”ни ташкил қилишнинг аниқ, мақсадлари қуйидагилар:

-қатнашувчи давлатлар ўртасида савдода аста-секин барча чекланишларни олиб ташлаш;

-учинчи давлатлар билан савдода умумий бож тарифларини урнатиш;

-“одамлар /ишчи кучи/, капитал, хизматлар” нинг эркин ҳаракатига тўсиқларни олиб ташлаш;

-транспорт ва кишлок, хўжалиги соҳасида умумий сиёсат ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

-валюта иттифоқи тузиш;

-солиқ, тизимини унификация қилиш;

-қонунчиликни яқинлаштириш;

-иқтисодий сиёсатни муваффақиятлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Буларни амалга ошириш мақсадида бошқарув структураси мажмуи - ЕИХ Вазирлар Кенгаши, Европа Ҳамжамиятлар комиссияси, Европа кенгаши, Европа Суди, Европа парламенти ташкил қилинди.

Ўзининг биринчи вазифаси қилиб ЕИХ, аъзо давлатлар товарлар, капитал, хизматлар ва ишчи кучининг умумий бозорини ташкил қилиш вазифасини кўйди. Бунинг учун Божхона иттифоқи тузилди. Айнан Божхона иттифоқи ЕИХ, асосида ётади. Божхона иттифоқи доирасида:

- қатнашчи давлатлар ўзаро савдосида савдо чекланишлари йўқотилди;

- учинчи давлатларга нисбатан ягона божхона тарифи урнатилди;

- капитал, кредитлар, пул кучирмаларининг эркин ҳаракатига эришилди;

- ишчи кчи миграцияси эркинлиги ва турар жой танлаш эркинлиги таъминланди.

Бу чоралар саноат интеграциясининг тезлашишига имкон берди. Бир вақтда компенсацион йигимлар ва кишлок хўжалиги фонди оркали молиялаштириш ёрдамида жамоа протекционизмининг урнатиш шакли оркали аграр интеграцияни амалга оширишга ҳаракат қилинди. ЕИ аграр сиёсати ЕИ аъзо-давлатларининг кўпгина кишлок, хўжалик маҳсулотлари учун умумий минимал нарх урнатишни қафолатлайдиган ягона нархлар тизимига асосланади. Умумий бозорнинг шаклланиши ЕИХ, давлатлари миллий монополияларининг трансмиллийга айланиш жараёнини тезлаштирди, шерик

давлатлар иқтисодиётига киришга имкон яратди. ЕИХ ривожланиши Ҳамжамият аъзо-давлатларининг ёпик, миллий хўжаликдан ташқи бозорга юзланган очик типдаги иқтисодиётига интенсив ўтишини билдирарди.

Иккинчи босқич (70-йиллар ўрталари - 80-йиллар ўрталари) ЕИ тарихига асосан тургунлик даври сифатда кирди. Бу даврда ЕИ аъзо-давлатлари Европа валюта ҳамкорлиги дастури, ташқи сиёсий консультациялар механизмини қабул қилишга муваффақ булсаларда, намоён бўлган негатив анъаналар Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг жилдий инқирозига олиб келди. Бу инқироз евросклероз номини олди. 70-80- йилларнинг бошида ЕИ давлатлари ўртасидаги ривожланишдаги фарк усди. 1981 йилга ЕИга Грециянинг кириши билан бу анъана янада ёрқинроқ бўлди, чунки бу давлат иқтисодиёти ҳамжамиятнинг бошқа қатнашчилариникига нисбатан жуда паст даражада эди.

Учинчи босқич (80-йилларни 2-чи ярми 90-йилларнинг боши) - ҳамжамият таркибининг янада кенгайиш босқичи. 1986 йилда Испания ва Португалиянинг қўшилиши давлатлар ўртасидаги диспропорциянинг кучайишига олиб келди. ЕИХга аъзо бўлган вақтида Португалияда киши бошига тўғри келадиган даромад ЕИХ даги ўртача даромаднинг тахминан ярмига, Испанияда эса 3/4 қисмига тўғри келарди. Янги қатнашчи-давлатларда тахминан бешдан бир киши кишлоқ хўжалигида ишларди, ЕИХ да эса ун учдан бир киши. Шу билан бирга, айнан шу давр Ғарбий Европа интеграцияси ривожланишидаги авваламбор Ягона Европа акти (ЯЕА)нинг қабул қилиниши билан боғлиқ бўлган янги туртки билан характерланади.

ЯЕА да Ҳамжамият қатнашчи-давлатларининг умумий мақсади - Европа Иттифоқи - Ҳамжамият қатнашчиларининг сиёсий альянсини намоён қилувчи ва нафақат уларнинг юқори даражадаги иқтисодий, валюта-молия, гуманитар ҳамкорлигини балки ташқи сиёсатини, шу жумладан, хавфсизликни таъминлашни кузда тутувчи бирлашма тузишни тасдиқади. ЯЕАнинг Марказий ҳолати шундаки, унда ЕИХ, аъзолари ягона хўжалик организмини ташкил қиладиган ягона иқтисодий ҳудудни кайд қилинди. ЯЕАнинг қабул қилиниши билан Ҳамжамият аъзо-давлатларининг микро- ва макроиқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ, фан ва экология, минтақавий ривожланиш, ижтимоий муносабатлар соҳасидаги интеграцион жараёнлар кучайди. 90-йиллар бошида ЕИ - аъзо-давлатлари ягона бозор асосларини яратишни амалда тугатдилар ва валюта-иқтисодий ва сиёсий иттифоқларни шакллантиришга бевосита яқинлашдилар.

Туртинчи босқич (90-йилларнинг ўрталари - XXI аср боши). Ягона Европа актига мувофиқ, 1993 йил 1 январдан бошлаб Ҳамжамият чегаралари ичида ишлаб чиқариш воситаларининг эркин ҳаракати киритилди. Амалда ҳамжамият доирасида ягона иқтисодий ҳудуд вужудга келди. Бу ЕИ нинг иқтисодий интеграциясининг сифат жиҳатдан янги босқичга кирганини англатади.

Маастрихт Битими (1992 йил февраль) га мувофиқ, 1994 йил 1 январдан ЕИХ Европа Иттифоқига айланди ва унинг аъзолари 15 тага етди. ЕИ доирасида тўлиқ ягона ички бозорнинг тузилиши амалга оширилмоқда. Кейинги интеграцион ҳамкорликнинг мақсадлари эълон қилинган. Улар уз

ичига ягона валюта ЕВРОни эмиссия қилиш ҳуқуқига эга ягона Европа банкени тузиш, ички чегараларсиз ягона Ғарбий Европа ҳудудини ташкил қилишни олади.

ЕИ хужумкор ривожланиши бу жараёнда қарама-қаршиликлар ва қийинчиликлар мавжуд эмаслигини билдирмайди. Юқорида ЕИ га янги аъзолар кириши муносабати билан юзага келган давлатлараро ва давлат ичидаги диспропорциялар кайд қилинган эди. ЕИ нинг мумкин бўлган янги кенгайиши билан ҳам сезиларли муаммолар пайдо бўлади: ЕИга киришни Туркия, Мальта ва Кипр кутмоқда. 1996 йил январдан Туркиянинг ЕИ билан Божхона иттифоқи ҳақидаги келишуви кучга кирди.

ЕИ ичида ҳам ҳаммаси “бир текисда” эмас. Энг катта қийинчиликлар Европа валюта тизимини шакллантириш давомида намоён бўлмоқда. 1992 йилдаги 7% га Британия фунт стерлинги ва Италия лираси девальвацияси оқибатида руй берган ЕВТ инқирози Буюк Британия ва Италияни автоматик тарзда ЕВТ дан чиқариб ташлади. Валюта иттифоқднн шакллантириш унга кириш мезонларига эришиш қийинчиликлари билан бирга боради. Талаб кдлинадиган алмашув курси инфляциясининг даражаси, фоиз ставкалари даражаси, бюджет дефицити ва давлат қарзига фақат Люксембург жавоб беради. ЕИ аъзолари орасида Иттифоқни кенгайтириш, интеграцияни чуқурлаштириш йўли ҳақидги қарама-қаршиликлар мавжуд.

Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси фақат ЕИ чегаралари билан чекланмайди: 60-йиллар бошидан бошлаб Европа эркин савдо ассоциацияси мавжуд (ЕЭСА). ЕЭСА ЕИ дан фарқи равишда давлат усти функцияларига ва давлатлараро мувофиқлаштирувчи институтларга эга эмас. ЕЭСА аъзо-давлатлари (80-йилларда улар 7 та эди; Бу давлатлар ўртасидаги божсиз савдо товар чиқарилган жойга қараб ишлаб чиқилган мураккаб қоидалар тизимига асосланади. Ягона божхона тарифи йўқлиги сабабли ЕЭСА ичида божсиз савдо эркинлиги фақат аъзо-давлатларда ишлаб чиқарилган товарлар учун мавжуд.

ЕЭСА га кирувчи давлатларнинг ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг юқори даражада ривожланганлигига қарамадан, ЕЭСА тулаконли интеграцион гуруҳга айланмади. Амалда у ЕИХ/ЕИ учун “фармклуб”, яъни, янги аъзолар етказиб берувчи бўлиб қолди. Хозирги вақтда ЕЭСА нинг кўпгина аъзолари уни Шарқий ва Ғарбий Еуропа ўртасида истикболли эркин савдо зонаси сифатида қарамоқдалар.

ЕИ иқтисодий куввати, унинг кенгайиши динамикаси ва алоҳида Ғарбий Европа давлатларининг у билан савдодан кучли қарамлиги бизда машхур “Европада қандай қилиб бизнес қилиш керак” номли китоб муаллифи Вольфганг Хайернинг айтишича, яқин келажакда қолган Европа давлатларини альтернатива олдиға қуяди: ё ЕИ га кириш ва қисман мустақилликдан воз кечиш, аммо шу билан бирга дунёнинг энг йирик бозорларининг барча имкониятларидан фойдаланиш, ёки четда долган холда уз иқтисодиёти учун ёмон оқибатлар билан Ғарбий Европа бирлашиш жараёнини ўзи учун йўлни қирқиб ташлаш.

Буни тушунган собик Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (УИЁК) аъзо-

двлатлари уз йўллари билан боришга интилмоқдалар. 1990 йилда улар Венгрия, Польша, Чехославакия аъзо бўлган “Вишеград учлиги” интеграцион гуруҳини ташкил этдилар. Чехославакия бўлиниб кетгач, бу гуруҳ “Вишеград туртлиги”га айланди. 1993 йил 1 мартдан бошлаб бу гуруҳ доирасида аста-секин ўзаро божларни камайтиришни кузда тутувчи Марказий Европа эркин савдо ҳақидаги келишуви кучга кирди. Бу кадамга шу сабаб бўлдики, ЕИ билан “Вишеград туртлиги”нинг ҳар бир аъзоси махсус “Европа келишувлари” имзоланганлигига қарамасдан, уларнинг савдо-иқтисодий муносабатлари умуман олганда коникарсиз ривожланмоқда. Шунинг учун охириги ун йилликлар мобайнида ишлаб чиқилган Марказий Европа савдо иқтисодий алоқаларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун ҳам бу интеграцион гуруҳ тузилди.

Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланишининг муваффақияти жаҳоннинг ривожланаётган минтақаларида эътиборни жалб қилади. Лотин Америкасида, Африкада ва Осиёда утгиздан ортиқ эркин савдо зоналари, божхона ёки иқтисодий иттифоқлар юзага келди. Аммо энг сезиларли, ривожланаётган интеграцион жараён Шимолий Америка эркин савдо зонаси - НАФТАни ташкил қилиш ва фаолият кўрсатиш жараёни бўлди. Мавжуд бўлган АҚШ билан Канада ўртасидаги иқтисодий интеграция ва уларнинг Ғарбий Европадаги шериклар билан ҳамкорлиги АҚШни кониктирмай куйди. Натижада, Шимолий Америкадаги интеграцион жараёнлар икки давлат доирасидан чикиб кетди, 1994 йил 1 январда кучга кирган Шимолий Америка эркин савдо зонаси ҳақидаги шартнома имзоланди. НАФТАга АҚШ ва Канададан ташқари Мексика ҳам кўшилди. Блок ҳудуди 370 млн. аҳоли ва кучли иқтисодий салоҳиятга эга ҳудудни камраб олади. Бу давлатлар томонидан ишлаб чиқариладиган товар ва хизматлар 7 трлн. долл.ни ташкил қилади. Улар улушига жаҳон савдоси умумий ҳажмининг 20% ига яқини тўғри келади.

Шартноманинг асосий ҳолатлари қуйидагиларни уз ичига олади:

-АҚШ, Канада ва Мексика ўзаро савдо қиладиган товарларга нисбатан божларни бекор қилиш;

-Шимолий Америка бозорини уз товарларини Мексика оркали АҚШга реэкспорт қилиш йўли билан америка божларини туламасликка ҳаракат қилувчи Осиё ва Европа компаниялари экспансиясидан химоя қилиш;

-Мексикада банк ва суғурта ишида Америка ва Канада компаниядари капитал қўйилмалари ва рақобатларига бўлган тақикларни олиб ташлаш;

-атроф-муҳитни химоялаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун уч томонлама гуруҳлар ташкил қилиш.

Беш йил мобайнида АҚШ Мексикадан импорт қилинадиган махсулотлар турининг учдан икки қисми учун импорт тарифларини бекор қилади.

Имзоланган келишувлардан энг кўп фойдани савдо блоки истеъмолчилари олади, чунки рақобатнинг кучайиши ва тарифларнинг пасайтирилиши натижасида кенг товарлар доирасига нархлар пасаяди. Америка саноатчилари фойда олишади, чунки арзон ишчи кучи оқими кучаяди.

Кафолатланган даромаднинг узиши америка иқтисодиётининг, электроника компьютер таъминоти, қурилиш материаллари, автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларида қутилмоқда. Айти пайтда, шакар, цитрус мевалари, кишки сабзавотлар етиштирувчи Америка фермерлари зарар курадилар. Мексикага келганда, у НАФТА ёрдамида уз иқтисодий узиши суръатларини оширмоқчи - тахминан ЯИМнинг 1,6%-2,6% йиллик узиши. Натижада, Мексика иқтисодиётини ислох қилиш ва саноати ривожланган давлатлар клубига қўшилиш муддатини ярим асрдан 10-15 йилга қисқартириши мумкин.

НАФТАдан энг кам фойдани олдинга Канада олади. Унинг иқтисодиёти АҚШники билан чамбарчас боғлиқ, Мексиканики билан жуда кам. Аммо, НАФТА ривожланиб бориши билан Канада интеграцион жараёнга янада кўпроқ тортилади ва кенгаётган бозордан диведентлар олади.

НАФТА фаолиятининг биринчи икки йилида экспорт ҳажмининг ошириш ҳисобига қўшимча иш уринлари ҳосил булишига бўлган умид окланмади. Бундан ташқари, АҚШнинг Мексика билан савдодаги ижобий сальдоси йўқолиб, 1995 йилда дефицит пайдо бўлди. Умуман олганда, НАФТА ташкил қилувчиларнинг режасига кура, тулаконли Шимолий Америка бозори 2010 йилда ташкил қилиниши мумкин. Хозирдаёқ, Америка иқтисодчилари Аляскадан Оловли Ергача чўзилган ўзига панамерика савдо блоки тузишни моделлаштирмоқдалар.

Интеграцион жараёнлар Жанубий Америкада ҳам фаоллашмоқда. Уз даврида (60-йиллар бошида) бу ерда “эркин савдо зонаси”ни яратиш, сунгра Марказий Америка умумий бозори - МАУБни ташкил қилиш режалаштирилган эди. Бирок, сиёсий ва иқтисодий инқироз бу режаларни амалга оширишга имкон бермади.

90-йиллар ўрталарида интеграцион жараёнлар 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Уругвай ва Парагвай (кейинроқ қўшилган) ўртасида тузилган ва 1995 йил 1 январда кучга кирган “МЕРКОСУР” савдо пакти тузиш орқали фаоллашди. Бу пакт умумий аҳолиси 200 млн. кишидан кўп бўлган ва умумий ЯИМси 550 млрд. долл. бўлган давлатлар бирлаштирувчи янги йирик минтақавий савдо-иқтисодий блок тузилишига олиб келиши керак.

МЕРКОСУР гуруҳи тузилиши натижасида турт давлат ўзаро савдосининг 90% хар бир тарифли тўсиқлардан озод қилинади, учинчи давлатлардан импортга эса, умумий тариф структураси ва божхона қоидалари киритилади.

Уз минтақаларида интеграцион жараёнларни ривожлантиришга Африка давлатлари ҳам интиломоқдалар. 1989 йилда, Африка китъасининг шимолий қисмида Жазоир, Ливия, Мавритания, Марокко ва Тунис иштирокида Араб Магриби Иттифоқи ташкил қилинган. Бу иттифоқ, ҳақидаги шартнома минтақавий интеграция даражасида кенг миқёсда иқтисодий ҳамкорликни назарда тутди. Аммо, Шимолий Африка ҳудуди бешта миллий чегаралардан ёпик, бир-бирдан ажралган бозорлардан иборат.

Бошқа Африка давлатларининг иқтисодий интеграцияга интилиши ривожланган, амалда бир-бири билан иқтисодий алоқалари бўлмаган

давлатларнинг Африканинг айрим субминтақаларида ички бозорнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган саноатни ривожлантириш учун шароит яратишга ҳаракатни англатади. Иқтисодий ва божхона иттифоқларни ташкил этиб Африка давлатлари мувофиқлаштирилган сиёсат асосида ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни режалаштирилган эди. Натижада, алоҳида минтақаларда иқтисодиётни модернизациялаш базаси сифатида нисбатан катта сигимли ички бозорлар ташкил қилиш мулжалланганди. Интеграция ривожланишининг муқобил йўли, кўп ҳолда “уз кучлари билан” ривожланишга эришиш йўли сифатида қараларди. “Уз кучлари билан” конценцияси иқтисодиёт структурасини қайта қуриш аввало маҳаллий ресурслар, ички ривожланиш омилларини сафарбар қилиш ҳдсобига эришиш мумкинлигини кузда тутарди. Бу гоё Африка бирлиги ташкилотининг 2025 йилга келиб Африка иқтисодий ҳамжамиятини тузиш режасида ҳам бор.

Африка интеграцион жараёнларининг амалиёти, Африка давлатлари раҳбарлари томонидан эълон қилинган чуқурлашган ҳамкорлик мақсадларининг амалга ошириш имкониятлари асосан бу мақсад ва вазифалар фақат яхши ният бўлиб қолаётганлигини кўрсатарди.

Камбагал ва ривожланмаган давлатларнинг анъанавий шаклдаги иқтисодий ҳамкорлиги “камбагаллик доирасидан” чиқишга олиб келмайди, сезиларли бир ривожланишни таъминлайди. Шу билан бирга, Африка умумий бозори гоёси, уни ташкил қилишдаги муваффақиятсизликларга қарамасдан ҳамон китъада машхурдир.

XX аср охирида Шарқий Осиёда интеграцией жараёнлар кучаймоқда. Турт Осиё "аждархолари" дан бири - Сингапур, шунингдек янги оқим ЯИД - Малайзия, Индонезия, Таиланд, Бруней ва Филиппин кирган Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН) қарийб 30 йил мобайнида энг муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бу гуруҳ доирасида ўзаро ҳамкорликнинг муваффақиятли АСЕАН қатнашчи-давлатлари кучлилигининг иқтисодиёти гуркираб усиши, улар ривожланишининг бир-бирига мослиги, яхши йўлга қўйилган ва узок, тарих анъаналарига эга бўлган ўзаро савдо алоқалари, шунингдек тартибга солиб бўлинган ҳамкорлик шакли билан чамбарчас боғлиқ.

АСЕАН режаларида 2000-йилгача қатнашувчи давлатлар божларини 38 минг турдаги товарлар бўйича ўртача 5% гача қисқартириш мулжалланган. 1995 йил охирида 2003-йилда тулакони эркин савдо зонаси ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Шарқий Осиёда иқтисодий интеграция ривожланиши истикболларини кўп жиҳатдан Осиё Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ОТИХ)нинг тузилиши билан боғлашади. Унга Осиё; шунингдек Шимолий ва Жанубий Американинг 18 давлати аъзо. Халқаро экспертлар башоратига кура, Шарқий Осиё ЯММ ҳажми бўйича 2000 йилгача келиб Ғарбий Европани, 2002 йилга келиб эса, Шимолий Американи ортда қолдириши мумкин.

ОТИХ, режаларига мувофиқ, 2020 йилга келиб, жаҳонда энг йирик божхона ва ички тўсиққарсиз эркин савдо зонасини ташкил қилиш назарда

тутилган. Осиё-Тинч океани минтақасидаги иқтисодий интеграция жараёнларини баҳолаган кўплаб мутахассислар унинг ривожланиши стихияли ва ўзига хослигини таъкидлайдилар. Бунинг устига интеграцион муносабатлар етуклик даражаси ҳозирча унчалик юқори эмас. Масалан, АСЕАН тузилишидаги савдо зонасини иқтисодий интеграциянинг биринчи босқичи, яъни, тариф ва тарифли тўсиқларсиз эркин савдо зоналарига киритиш мумкин. ОТИХга нисбатан эса ҳозирча эркин савдо зонаси деб эмас, "эркин иқтисодий асоциация" деб айтиш мумкин. Айни пайтда, иқтисодий сиёсатни ўзаро мувофиқлаштириш натижасида минтақанинг ички савдоси ва капитал бозорларининг тез ривожланиши бутун Осиё-Тинч океани минтақасининг интеграциянинг биринчи босқичи, яъни, эркин савдо зонасига ўтишига имкон беради. Бунинг устига Осиё-Тинч океани минтақасидаги субминтақа ва гуруҳлардаги айрим давлатлар интеграциялашув даражаси етарли даражада юқори ва улар бутун минтақада интеграцион жараёнлар тезлаштирилган ривожланишининг ўзига хос полюси, яъни, булишлари мумкин. Масалан, "Усиш учлиги"- Жанубий Хитой иқтисодий зонаси (ХХР, Гонконг, Тайван). Усишнинг "олтин учлиги" (Индонезия, Малайзия, Сингапур), Япон денгизи хавзаси давлатлари иқтисодий зонаси, Хиндикуш иқтисодий зонаси мавжуд.

Интеграцияга, яъни, ўзаро ҳамкорликка интилиш Форс курфази араб давлатлари орасида ҳам кузатилмоқда. 1981 йилдан Саудия Арабистони, Кувайт, Катар, Бахрайн, Бирлашган Араб Амирликлари ва Уммон ("нефть олтилиги")ни уз ичига олган Ҳамкорлик Кенгаши фаолият кўрсатмоқда. 1992 йилда Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ-ЭКЮ) ташкил қилиниши ҳақида эълон қилинди. Уни ташкил қилиш таклифини Эрон, Покистон ва Туркия киритди. Таъсисчилар фикрича, ИХТ-ЭКЮ ўзида МДХ мусулмон республикалари - Ўрта Осиё, Козогистон, Озбекистонни ҳам бирлаштириладиган бўлажак Марказий Осиё умумий бозорининг тимсоли бўлмоғи лозим.

Ривожланаётган давлатлар ҳамкорлиги, уларнинг интеграцияга бўлган интилишлари ҳақида гапирганда шуни назарда тутиш керакки, реал интеграцион жараёнлар ҳали жуда кучсиз ва бир-биридан характери, ҳаракатлантирувчи омили, ривожланиш суръатлари билан фарқ, қилади. Ривожланаётган давлатларда амалда интеграция ҳақиқий, ривожланган кўринишда, яъни, доимо ривожланаётган ва чуқурлашаётган ҳам алоҳида фирма ва корхоналар даражасида, ҳам умуман миллий хўжаликлар даражасидаги бевосита давлатлараро алоқалар шаклланиш жараёни мавжуд эмас. Ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги, улар эълон қилган интеграцион мақсадлар интеграцион жараённинг тайёргарлик босқичи, холос. Эълон қилинган интеграцион гуруҳларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг етук эмаслиги, миллий хўжаликларнинг оддий ва структуравий дифференциясизлигини, бозор ва молия инфраструктураларининг ривожланмаганлиги бу тузилмаларни ё ҳаракатсиз қолдирди ёки бутунлай муваффақиятсизликка учратди.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Шодиев Р., Р.Маҳмудов “Жаҳон иқтисодиёти”. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2005.
2. Ҳақимова М.А. «Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар» Т., “Меҳнат”, 1997.
3. Ҳақимова М., Хўжаев Х., Маҳмудов Б. “Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар”.- Т., “Ўқитувчи”, 1996.
4. Авдокушин Е. Ф. Международные экономические отношения. Учебное пособие. М. 1996.
5. Алимов А. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее. Т., «Ўзбекистон», 1992.
6. БМТ ни биламизми? БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашри. Тошкент, 2000 йил